

ТУРСУНОВ ШЕРЗОД АБДУҚОДИРОВИЧ

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ  
СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ  
ФАОЛИЯТИНИ  
САМАРАЛИ  
БОШҚАРИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

658  
Т 84



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВ ШЕРЗОД АБДУҚОДИРОВИЧ**

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА  
ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ  
САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**«TAMADDUN»  
Тошкент – 2016**

**КБК: 65.9(5Ў)-56**

**УЎК: 621.3**

**T-91      Турсунов, Шерзод**

Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини са-  
марали бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини  
такомиллаштириш: монография / Ш. Турсунов. – Тошкент:  
«TAMADDUN» нашриёти, 2016. - 228б.

**Масъул муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Р.Балтабаев

**Тақризчилар:**

и.ф.д., проф. А.М.Қодиров,

и.ф.н. А.А.Собиров

Ушбу монография телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолияти-  
ни бошқариш ва унинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомил-  
лаштириш, телекоммуникация хизматлари бозорида рақобат мухитини  
ривожлантиришга оид маҳсус илмий ишларда манба сифатида фойдалани-  
лиши мумкин. Бундан ташқари, телекоммуникация соҳасида инвестицион  
лойихаларни самарали амалга ошириш бўйича мақсадли давлат дастурла-  
рини ишлаб чиқишида ҳам қўлланилиши мумкин.

Монография ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси билан қи-  
зиқувчи талаба ва магистрантлар, мустақил изланувчилар, ўқитувчилар,  
корхона раҳбарлари ва мутахассисларига мўлжалланган.

*Монография Тошкент ахборот технологиялари университети Илмий  
Кенгашининг 2016 йил 31 мартағи 7(657)-сонли баённомаси қарори билан  
чоп этишига тавсия этилди.*

ISBN 978-9943-4655-8-9

© Ш. Турсунов, 2016 й.

© «TAMADDUN» нашриёти, 2016 й.

## КИРИШ

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция фаолиятини бошқариш ва ривожлантириш долзарб масалалардан бирига айланди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги миллий иқтисодиётнинг ривожланишида янги саҳифа очди. Барча тармоқларда ижобий ўзгаришлар юз берди, янги тармоқлар бунёд этилди, кўшма корхоналар сони ўсиб борди. Иқтисодий ўсишга катта инвестициялар йўналтирилди. Телекоммуникация, мобил алоқа, интернет, хизмат кўрсатиш, ёқилғи-энергетика тармоқларига жалб этилган йирик миқдордаги инвестициялар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни барпо қилиш ҳамда янги маҳсулот ва хизматларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлди. Кейинги йилларда транспорт мажмусига, коммуникацияларга, ижтимоий соҳага, шу жумладан таълим соҳасига инвестициялар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай тузилмавий ўзгартаришлар жаҳон хўжалигига кириб бориш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришиш имкониятларини яратади.

Хозирги даврда корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар кўпинча жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб кўяди. Шу боис хозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни барқарорлаштириш ва етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушкини камайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, айrim хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик ҳолатининг юзага келиши шароитида иш юритиш телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истесьмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустаҳкам бозор сегментига эга бўлишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши мамлакатнинг рақобатдошлиқ даражасига таъсир кўрсатиши, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини бериши, бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб берини унутмаслигимиз зарур” [1.24.].

Ушбу жараён телекоммуникация соҳаси Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг ривожланаётган соҳаларидан бири эканлигини кўрсатади. Алоқа соҳасидаги ташкилотларнинг асосий қисми ўз воситалари ва соҳани ривожлантиришга йўналтирилган хорижий кредитлар ҳисобидан ташкил топган. Телекоммуникация соҳаси жалб этилган инвестицияларни тез қопланишини таъминлайдиган серунум соҳалардан биридир.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда инвестиция фаолиятини ривожлантириш борасидаги муаммони мажмуавий тарзда ўрганиш, республикада маъқул инвестиция мухитини яратиш, алоқа корхоналарининг инвестицион жозибадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш ва янада ривожлантириш бўйича амалий маслаҳатлар ва ечимлар ишлаб чиқиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири эканлигини асослаб беради.

Монографияда келтирилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш ва унинг ташкилий-иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш, телекоммуникация хизматлари бозорида рақобат мухитини ривожлантиришга оид маҳсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланилиши мумкин. Бундан ташқари телекоммуникация соҳасида инвестицион лойихаларни самарали амалга ошириш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Ушбу монография ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси билан қизиқувчи талаба ва магистрантлар, мустақил изланувчилар, ўқитувчилар, корхона раҳбарлари ва мутахассисларига мўлжалланган.

# **І БОБ. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Модернизациялаш шароитида инвестиция фаолиятини бошқариш тизимини шакллантиришнинг илмий-услубий асослари**

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий иқтисодиётни ривожлантиришни таъминлаш имконини берувчи инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кенг аҳамият берилди. Иқтисодиётнинг устивор соҳаларига хорижий инвестиция ва кредитларини жалб қилиш ишлари жадаллаштириб юборилди. Шу ўринда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш, уларни таҳлил қилиш долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки инвестиция фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва пухта таҳлил этиш уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини кафолатлади.

Ички инвестиция манбаларининг чекланганлиги, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ҳам катта куч гайратни талаб этмоқда. Қулай инвестиция мухити яратилиши, давлат томонидан инвестиция фаолияти конун йўли билан кўллаб-куватлашишига қарамасдан инвестиция жараёнларини ривожлантиришда бир қатор муаммолар мавжуд. Мамлакатда инвестиция мухитини мувофиқлаштириш ва инвестиция жараёнларини жадаллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш телекоммуникация соҳасининг ролини кундан-кунга ортиб боришини таъминламоқда.

Иқтисодиётни техник-иктисодий модернизациялаш саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади. Инвестициялашнинг аниқ йўналишларини белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манба-

ларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Зеро, иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш жараёнини бошидан кечираётган ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришининг асосий йўналишларидан бири бу инвестиция сиёсатидир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестицийя сиёсатини юритишини талаб қиласди. Бу ўз навбатида давлатимизда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Ҳар қандай давлатнинг инвестиция сиёсати унинг ижтимоий-иктисодий сиёсатининг негизи бўлиб ҳисобланади. Мамлакат ишлаб чиқаришининг ўсиш потенциали, иқтисодий ривожланишининг суратлари, ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар ҳажмининг ўсиши кўпгина бошка макроиктисодий кўрсаткичларга боғлиқдир.

Хозирги босқичда ҳар қандай давлатнинг ривожланишини чет эл инвестицияларини жалб қилмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Бошка томондан эса, чет элга капитални пул ёки товар шаклида чиқарилиши ундан янада самаралироқ фойдаланишга интилиш билан ифодаланган. Иқтисодий ўсишнинг омили сифатида инвестиция бутун мамлакат иқтисодиётини кўтаришнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Бундай воситанинг таянч нуқтаси бўлиб институционал ташкилотлар хизмат қиласди, амалдаги кучи бўлиб эса фискал ва кредит-пул сиёсати ҳисобланади. Ишнинг натижалари ушбу воситалардан қанчалик моҳирлик билан фойдаланиш ҳамда таянч нуқтаси қанчалик мустаҳкамлигига боғлиқдир. Натижада мамлакат инвестиция сиёсатининг асосий стратегияси аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган бўлиши керак.

Дунёнинг нисбатан ривожланган мамлакатларида инвестиция сиёсати барча макрода ражада қабул қиласиган қарорларнинг устидаги асос бўлиб қўйилади: инвестиция ҳажми миллий иқтисодиёт мустаҳкам ривожланишининг муҳим мезони сифатида қўрилади, инвестиция қўйилмалари динамикаси эса умумий самарали талаб ҳолати индикатори сифатида, келажакда миллий ишлаб чиқаришининг ҳажмига, бандлик даражаси ва аҳоли истеъмолига таъсир қилювчи омил сифатида қаралади.

Инвестиция фаолияти бевосита ижтимоий муҳит билан боғлиқдир. Тажрибадан кўриниб турадики, аҳоли томонидан инвестицион

фаолликнинг ошиши бу мамлакатнинг тўғри инвестиция сиёсати олиб борганининг натижасидир, шу жумладан ижтимоий мухитда ҳам.

Россиялик иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, ижтимоий муаммоларни инвестицион усуллар билан ҳал қилиш керак, яъни янги иш ўринларини яратиш (ишчиларни инновацион ўқитиш ва тайёрлаш), меҳнат ишлаб чиқарилишининг ошиши ва реал иш ҳақининг ўсиши, ишчи ва тадбиркорларнинг жамланган умумий инсон капиталидан юқори самарали фойдаланишдан иқтисодий манфаатдорлик (турмуш даражаси сифатининг ошиши) ва ҳ.к.

Давлатнинг мақсади барқарор ишләётган, жўшқин ривожланаётган иқтисодиёт ва яхши ўйлаб чиқилган ижтимоий сиёсатта эга бўлган мустаҳкам ривожланаётган жамият тизимини тузишдан иборат бўлиши керак. Инвестицион фаолликни ошириш учун мамлакатда маъкул инвестиция мухити тузиш талаб қилинади. Бу жараёнда биринчи даражадаги вазифани бажариш керак бўлган давлат кучайтирилиши бир қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий характердаги рағбатлантирувчи чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатdir.

Ҳозирги даврда давлат томонидан маъкул инвестиция мухити тузиш, энг аввало, потенциал инвесторни ҳам қизиқтирадиган халқ хўжалиги тармоғини инвестициялаш орқали ифодаланиши мумкин. Бу тармоқлар транспорт-коммуникация инфратузилмаси, уй-жой курилиши, таълим, фан, тиббиёт, маданият, яъни ижтимоий мухит тармоқлариdir. Шу йўл билан давлат хусусий капитал томонидан инвестиция қилиш обьектини яхши мухитини яратишга имкон беради, шу жумладан чет эл капитали ҳам.

Ишлаб чиқариш мухитига инвестицияларни жалб қилиш - бу янги иш ўринларини яратиш, янги технологияни жорий қилиш, умумий ишлаб чиқаришни ва ишчи кучини сифатини ошириш, ташкилотга пул тизимини кўпайтириш, иш ҳақи ўсишиdir. Ушбу чора-тадбирлар уларни тўғри амалга оширган тақдирда мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳолатини яхшилашга, уни фаровонлиги ва ҳаёт сифатини оширишга ёрдам беради. Бу эса давлатнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

У.Ф.Шарп «Инвестициялар келгусида қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматлиқдан воз кечишдир» [2.32.979

б.], -деб таърифлаган. «Инвестициялаш» атамасининг маъносини У.Ф.Шарп куйидагича шархлайди: «Келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир» ва «...пулни ё реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин» [2.32.16 б.].

К. Эклунд фикрича, «...инвестиция – бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунгә қолдирилган нарса, унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир» [2.33.96 б.]. Бу иқтисодчи олим инвестицияларнинг моҳиятини соддароқ талқин қилган бўлиб, у «...капитал қўйилмалар»га берилган таърифга кўпроқ мос тушади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.М.Қоралиевлар инвестицияни даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликтининг давлат томонидан таъкиланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган барча турдаги мулкий ва интеллектуал бойликлар деб таърифлайдилар. Самара келтирадиган мулкий ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қўйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

-пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

-харакатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар);

-муаллифлик хуқуки, ихтиrolардан фойдаланиш хукуқларидан ташкил топган мулқдорлик хукуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;

-ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш хукуқлари ҳамда мулкчилик хукуқлари;

-бошқа бойликлар [2.17.6 б.] .

Шунингдек, инвестиция тушунчасининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида «Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир хукуқлар» [1.3.] сифатида таърифланади.

Назаримизда, бу атаманинг барча жиҳатларини умумлаштириб, куйидагича таъриф бериш лозим. «Инвестиция» - бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат,

хукуций ва жисмоний шахслар томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эхтиёжни қондириш учун иктисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар.

Инвестицияга берилган ушбу таърифга кўра ҳозирги даврда инвестор «чекланган имконият»лардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришга «маълум миқдордаги» маблаг сарфлаши натижасида қисман фойда олиши, ушбу ҳолатни умумжамият миқёсида кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида қатнашиши натижасида иктисодий-молиявий ва маънавий ўсишини таъминлайди.

### 1.1.1-жадвал

#### Инвестицияга берилган таърифлар таснифи<sup>1</sup>

№	Таърифлар	Муаллифлар	Манба
1.	Инвестиция – бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртаги кунга қолдирилган нарса, унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан заҳирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир	Эклунд К.	Эффективная экономика: шведская модель. – М.: Экономика, 1991 г., 96-стр.
2.	Инвестиция – бу моддий заҳираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқарилиш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга характерлар	Кембелл Р. Стенли Л. Брю С.Л. Макконелл К.Р.	Экономикс: принципы, проблемы и политика. 2-том М.: Республика 1992 г. 388-стр.

<sup>1</sup> Илмий адабиётлар асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

3.	Инвестиция – ишлаб чиқариш даври давомида пайдо бўлган капитал кўйилма қийматининг жорий ўсиши, ўша даврдаги фойданинг истеъмол учун ишлатилмаган кисми ҳисобланади	Кейнс Дж.М.	Общая теория занятости, процента и денег. Пер. С англ. М.: Гетос АРВ, 1999 г. 352-стр.
4.	Инвестициялар келгусида қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликда воз кечишдир.	Шарп У. Александр Г. Бейли Дж.	Инвестиции. Пер. с англ. – М.: ИНФРА, 2000 г., 979-стр.
5.	Инвестициялар-пулни саклаш, кўпайтириш ёки ижобий миқдордаги даромадни таъминлашни хисобга олган ҳолда уни жойлаштириш мумкин бўлган ҳар қандай восита сифатида ифодаланади	Игошина Л.Л.	Инвестиции. Учеб. пос. М.: Экономист, 2005 г. 23-стр.
6.	Инвестициялар пул маблаглари, мақсадли банк жамғармалари, қимматли қофзлар, технологиялар, машина, асосий воситалар ва бошқа мулк кўринишидаги капитал кўйилмалар, шунингдек, пул қийматига эга бўлган мулкий ва номулкий ҳукукларни инвесторларнинг стратегик мақсадларини кўзлаб ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият объектларига киритиш	Марголин А.М.	Инвестиции М.: РАГС, 2006 г. 464-стр.
7.	Инвестиция – даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишビルармон-ликнинг давлат томонидан таъкиданмаган фаолиятларига жалб қилинадиган барча турдаги мулкий ва интеллектуал бойликлар	Ғозибеков Д.Ғ. Қоралиев Т.М.	Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. Т.: Матбаатчи, 1993 й., 6-бет.
8.	Инвестициялар – аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини хисобга олган ҳолда капитал қийматини саклаш ва кўзланган самарани олиш	Ғозибеков Д.Ғ.	Инвестицияларни молиялаштириш масалалари Т.: Молия 2003 й. 26-бет

9.	<p>Инвестиция деганда келажак-даги натижада учун ишлаб чиқариши көнгайтириш ёки реконструкция қилиш, маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришига мүлжалланган молиявий ресурслар тушунилади</p>	Тожибоева Д.	<p>Иқтисодиёт назарияси: Иккинчи китоб: Олий ўкув юртлари талабалари учун ўкув қўлланма / М. Шарифхўжаев илмий таҳрири остида. Т.; «Шарқ», 2003 й. 79-бет</p>
10.	<p>Инвестициялар – фойда олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул ма-благлари, банкларнинг мақсадли омонатлари, акциялар, бошқа кимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар, лицензиялар, кредитлар, ҳар қандай бошқа мол-мulk ёки мулкий ҳукуклар, интеллектуал бойликлар</p>	Вахабов А.В. Ҳажи- бакиев Ш.Х. Муминов Н.Г.	<p>Хорижий инвестициялар. Ўкув қўлланма Т.: Молия 2010 й. 303-бет</p>
11.	<p>Инвестиция - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига ки-ритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳукуклар</p>		<p>Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисид»ги Қонуни, 1998 йил 24 де-кабр, «Ўзбекистон Республикасининг Молиявий Қонунлари» тўплами, 12-сон, 2003й.</p>

Инвестиция тўғрисидаги таҳлиллар ва берилган таърифга асосланиб (1.1.1-жадвал) ҳамда иқтисодиёт ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсирини ҳисобга олиб, унинг куйидаги вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир:

-иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини оптимал жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларини шакллантиришига имконият яратиш;

-иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишларни ва имкониятларни амалиётга татбиқ этиш;

-мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги қонуний кафолатланган инвесторларни қониқтирувчи улушкини яратадиган ва молиявий ўсишни таъминлайдиган инфратузилмаларни фаоллаштириш;

-иктисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсишини ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириши.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция ресурслари манбалари макро ва микро даражада фаркланишидан қатъий назар, мамлакат инвестиция бозорида ўзига хос мавқеига ва чегараларига эга. Модернизациялаш шароитида инвестиция ресурслари манбалари ичиди кредитлар ўта муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Чунки корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган даврда, улар асосан, жорий ҳаражатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни, нафакат барқарорлаштириш, балки етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушкини кенгайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий негизини ташкил этар экан, ўз навбатида, бу такрор ишлаб чиқаришга инвестор (субъектлар) инвестиция ресурсларини иқтисодиёт соҳалар (объектлар) ига ўзи кўзлаган максадни, асосан, даромад олиш ёки ижтимоий самарага эришиш учун жойлаштиради ва инвестор амалга оширган бундай фаолиятни илмий нуқтаи назардан инвестиция фаолияти деб аталади.

Инвестор инвестициялашни амалга ошириш учун маълум миқдордаги маблағ ёки инвестиция ресурсларига эга бўлишни ёки жамғаришни талаб этади. Бунинг учун жамғарма маблағларини банкларда тўплаш ва улар орқали капитал маблағларни иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларига йўналтирилишини таъминлашга эришиш мумкин. Бу аввало, инвестиция фаолиятида банклар иштирокини оширишни талаб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида банклар инвестициялашнинг энг фаол иштирокчиларидан бири сифатида қуидаги фаолиятларнинг у ёки бу турлари бўйича иштирок этадилар:

-инвесторларга тегишли ҳамда инвестицион мақсадларга йўналтириладиган маблағлар ҳаракати бўйича молиялаштириш ҳисоб-вараклари очиш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

-фойда олиш ва банк ликвидлигини ошириш мақсадида ўз ва жалб қилинган маблағларни давлат ва корпоратив қимматли қоғозларга кўйиш;

-ўз ва жалб қилинган маблағларни инвестиция лойиҳаларига бевосита кўйиш, яъни хўжалик субъектлари инвестиция фаолиятини кредитлаш;

-қимматли қоғозлар сотиб олиш орқали корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришда иштирок этиш.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг барчасида бозор муносабатларининг ривожланиши учун мулкчилик шаклларини вужудга келишида ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш жойлари билан таъминлашда хорижий инвесторларнинг роли юқори бўлган. Бу фикрни келтириш билан республикани хорижий инвестицияларсиз бозор муносабатларига ўтиб бўлмайди деган фикрдан йироқмиз. Бозор муносабатлари ривожланган ҳар бир мамлакат иқтисодий аҳволни яхшилашда моддий (техника, технология, асбоб-ускуналар, молиявий ва интеллектуал) инвестициялардан оқилона фойдаланмоқда.

Шу ўринда инвестициялар жумласига қандай воситалар киришига аниқлик киритиб ўтсан. Инвестиция сифатида пул воситалари, мақсадли банк қўйилмалари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, кредитлар, заёмлар, омонатлар, технологиялар, ер, бино-иншоотлар, лицензиялар, шунингдек товар белгилари ва умуман бошқа барча мулклар ва мулкий ҳукуқлар, интеллектуал ҳукуқлар, интеллектуал қийматликлардан фойдаланилади. Инвестиция фаолиятининг обьекти бўлиб иқтисодий активлар, яъни иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига яна бунёд этиладиган ва модернизациялаштириладиган асосий фондлар ва айланма воситалар, ноишлаб чиқариш активлари, қимматли қоғозлар, мақсадли пул қўйилмалари, илмий-техникавий товарлар, бошқа мулк обьектлари, шунингдек, мулк ҳукуқлари ва интеллектуал мулк ҳукуқлари ҳисобланади. Инвестициялар ғоят турли-туман белгиларига кўра табақаланади, жумладан, асосий капитални кўпайтириш зарурати

билан боғлиқ соф инвестициялар ва асосий фондларнинг емири-лиши ўрнини қоплаш зарурати тақозо этган ялпи инвестициялар фарқланади. Бундай объектлар мулқ, молиявий воситалар, номод-дий қийматликлар бўлиши мумкин.

Ҳаракати йўналиши бўйича инвестицияларни фондлар таркиби-ни янгилаш, рационаллаштириш, кенгайтириш, алмаштириш ва ҳо-казоларга мўлжалланган инвестицияларга ажратиш мумкин. Мақ-садлар ва улар билан боғлиқ хатарлар нуқтаи назаридан венчурли (хатарли), бевосита, портфель ва аннуитет инвестициялар мавжуд.

Инвестиция субъектлари нуқтаи назаридан эса хусусий ва давлат инвестициялари фарқланади. Асосий капитал қўйилмалар, моддий айланма воситалар заҳиралари, қийматлик ва бошқаларни ўзида мужассам этган капитал тузилмалар инвестициялар қисми ишлаб чиқариш активларига инвестициялар бўлса, ишлаб чиқариш жара-ёнида бўлмаган активларга капитал тузилмалар инвестиция қисми ноишлаб чиқариш активларига инвестициялардир. Ушбу ноишлаб чиқариш моддий активлари – табиий активлар, яъни ер, табиий биологик ресурслар, сув ресурслари (ноишлаб чиқариш моддий активлари), ҳуқуқий шакллар, яъни ишлаб чиқариш жараёни билан алоқада бўлган ва бир институционал бирликдан иккинчисига вақти билан ўтадиган шакллар фарқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғриси-да» ги Қонунига мувофиқ эса инвестициялар мўлжалланган объек-тига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўли-нади [1.3.].

Капитал инвестициялар жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қўйиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестициялари жумласига техника ва технология-ларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўйилади-ган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, маля-каси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номод-дий неъматларнинг бошқа турларини ривожлантиришга қўйилади-ган инвестициялар киради.

Макроиктисодий даражада инвестициялар деганда ишлаб чиқаришга, уй-жой фондини, товар заҳираларини ўстириш ва шу кабиларга қилинган чиқимларнинг бир қисми, яъни ялпи ички маҳсулотнинг капитални ўстиришга қаратилган ва жорий даврда ишлатилмаган қисми тушунилади.

Микродарражада қабул қилинадиган инвестицион қарорлар, одатда, нисбатан мустакиллар. Бу қарорлар ўз мотивлари ва мақсадларига кўра турличадир ва тегишли молиявий натижаларга олиб келади, булар, одатда, ҳисоблаб чиқлади, башпорат қилинади ва танлаш мезони бўлиб хизмат қиласди.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, инвестиция иқтисодиёт ҳолатини тавсифловчи «асосий бирламчи» элемент деган ҳулоса қилиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, инвестиция маълум субъект орқали иқтисодиёт соҳаларидан даромад олиш ёки самарага эришиш мақсадида сарфланадиган экан, уни бевосита ва билвосита даромад келтирувчи инвестицияларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестиция тўғрисида ўзимизда қабул қилинган қонуннинг таҳлилидан келиб чиқиб инвестициянинг шартли равишда учта турини ажратиш мумкин:

1. Молиявий инвестициялар.
2. Моддий инвестициялар.
3. Ақлий (интеллектуал) инвестициялар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлари, депозит, сертификатлар, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қофозлар ҳамда уларга тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни билолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларнинг актив ва пассив қисмлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестициялар микдори жуда рангбарангдир, яъни улар мулкий ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулкий ҳуқуқлар гурухига кирадиган инвестицияларнинг турлари бозор муносабатларнинг нечоғлик ривожланишига боғлиқ. Миллий меҳнатга оид ҳак-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, қашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эгалик ҳуқуқлари киради. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари кўринишидаги инвестициялар ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини ўз ичига олади.

Иқтисодчи олимларнинг инвестициялар тўғрисидаги фикрларини, инвестициялар хусусида қонунларда келтирилган кўрсатмаларни умумлаштириб инвестицияга қуидагича таъриф берилади: «инвестиция деб ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларни бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор бир инвестицион объектга сарфланишига айтилади».

Иқтисодиётта киритилаётган инвестиция микдори ва унинг динамикаси мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, мазкур омил, ўз навбатида, инвестиция ресурслари манбаларининг таркибий тузилишига ва унинг барқарорлигига боғлиқдир. Инвестиция фаолияти ва унинг манбалари иқтисодиёт ривожининг жадал суръатларини белгилаб бериш билан бирга у ҳар қандай тизимда кўп жиҳатдан минтақа ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиб боришини ва тараққий этиш даражасини ифода этиши лозим.

Инвестиция деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсад даромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишdir.


Ўзбекистон Республикасида инвестиция хусусида қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинди ва ўтган вақт ичida улар анча такомиллаштирилди. Инвестиция тўғрисида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунда кўрсатилишича, инвестиция бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга кўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қофзолар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, ли-

цензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир. Бу иқтисодий таъриф инвестициянинг бозор иқтисодиёти шароитида тўлалигича фаолият кўрсатишини аниқ тасдиқлади. Жумладан, унда, биринчидан, инвестициянинг ўзига ва инвестиция фаолиятининг обьектларига кенг таъриф берилган; иккинчидан, инвестициянинг бевосита иқтисодий ва ижтимоий самара олишга мукаррар боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Демак, инвестицияга бозор муносабатларидан келиб чиқиб берилган таърифнинг ўзидаёк инвестиция жараёнининг ҳажми, асосий босқичлари, яъни жамгармалар (ресурслар), кўйилма маблағлар (сарф-харажатлар), самара (даромад, фойда) аниқ ва равshan кўрсатиб ўтилган. Худди шу каби ёндашув инвестиция фаолиятининг бозор муносабатларига ўтиши учун замин яратади, бу эса, молиявий, моддий ва аклий бойликларни қайта тақсимлашнинг вертикал ва горизонтал усусларидан бир хилда фойдаланишни таъминлаб беради.

Иқтисодий категория сифатида инвестиция куйидагича таснифланади: бирламчи жамғарилган капитални кўпайтириш мақсадида капитални тадбиркорлик обьектларига жойлаштириш; инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар.

Инвестициялар – бу ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига кўйилган капитал. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига кўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий хусусиятига кўра, у янги корхоналар куришга, узоқ муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб ускуналарга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган ҳаражатлардир.

Инвестициялар хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарисида ва унинг ташқарисида турли ишлаб чиқаришларга ва қимматбаҳо қоғозларга (акциялар, облигациялар) кўйилиши мумкин. Инвестициялар ялпи ва соф инвестицияларга ажратилиди. Ялпи инвестициялар – бу ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол қилинган қисмини қоплаш ҳамда уларни қўшимча ўсиши мақсадида ишлаб чиқариш жамгармалари ва ахоли маблағлари кўйилмаларидир. Бошқача сўз бидан айтадиганда ялпи инвестицияларни ташқаруви АХБОРОТ



ўз ичига амортизация ва соф инвестицияларни кўшади. Соф инвестицияларни аниқлаш учун ялпи инвестициялардан амортизация ажратилади.

Ялпи инвестициялар ва амортизация ўртасидаги нисбатга қараб иқтисодиётнинг аҳволи қандай эканлигини, яъни юксалиш, ё турғунлик ёки пасайиш даврини бошидан кечираётганлигини аниқлаш мумкин. Агарда, ялпи инвестициялар амортизациядан ортиқ, яъни соф инвестиция юқори бўлса, иқтисодиёт юксалишда бўлади, чунки унинг ишлаб чиқариш кувватлари ўсади. Ялпи инвестиция ва амортизация бир-бирига тенг бўлган чоғда иқтисодиёт турғунлик ҳолатида бўлади. Бу вазиятда соф инвестициялар нолга баробар ва иқтисодиёт шу йилда қанча капитал истеъмол килган бўлса, уни қоплаш учун шунчак ишлаб чиқаради. Ишchan фаоллик пасайиб бораётган иқтисодиёт учун ялпи инвестициялар амортизациядан кам бўлган ҳолдаги вазият хосдир, яъни иқтисодиётда йил давомида капитал ишлаб чиқарилганига нисбатан кўпроқ истеъмол қилинади. Бундай ҳолатда соф инвестициялар ишораси манфий бўлиб, унинг мутлак қисқаришини билдиради. Натижада, йил охирида капитал ҳажми йил бошидагига қараганда кам бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурслари манбалари макро ва микродаражада фарқланишидан қатъий назар, мамлакат инвестиция бозорида ўзига хос мавқега ва иқтисодий чегараларига эга. Бозор муносабати шароитида инвестиция ресурслари манбалари ичida кредитлар ўта муҳим стратегик аҳамиятга эгадир.

## Инвестиция жараёнларини бошқаришининг асосий функциялари<sup>1</sup>

ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЕНЛАРИНИНГ БОШҚАРИШИННИГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

инвестиция жараёнларини ривожланиш стратегиясини ишлаб чыкыш

инвестицияларни бошқаришининг самаралы ахборот түзүпнин яратыш

инвестиция жарәнлари таҳлилини амалга ошириш

инвестициялардан самаралы фойдаланыш ва ривожлантириш

инвестиция фаолияти доирасыда самаралы бошқаруу ва назорат түзүпнин амалга ошириш

инвестиционбозорни ривожлаништун таҳтил қылыш ва башоратлаш

давлат инвестиция сиёсатига мөс йүналишларни ишлаб чыкыш

давлат инвестицион дастурларини ишлаб чыкыш

инвестицион фаолиятни назорат қылыш, тартибга солиш, рагботлантириш бораңыздагы қонунчилук фаолиятини күріб чыкыш

инвестицион фаолиятни тартибга солиш چоралдырларини амалга ошириш ва мониторинг қылыш

<sup>1</sup> Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чықылган

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг ўз маблаг манбалари чекланган бўлиб, улар асосан, жорий ҳаражатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблаг сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни, нафақат, барқарорлаштириш, балки етарли миқдорда өшириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўз навбатида инвестиция жараёнларини бошқаришнинг асосий функцияларини 1.1.1-расмда кўришимиз мумкин.

#### *1.1.2-жадвал*

#### **Инвестиция фаолиятини бошқариш жараёни таснифи<sup>1</sup>**

1.	Давлат томонидан	инвестицион фаолликни тартибга солиш
		рағбатлантириш
		назорат қилиш
		конунчилликни кўриб чиқиш ва жорий этиш
2.	Соҳа (тармок) томонидан	инвестицияларни режалаштириш ва ташкил этиш
		инвестицияларни йўналтириш
		инвестицион лойиҳаларни жорий этишини бошқариш
		инвестицион лойиҳалар самараадорлигини (натижасини) баҳолаш
3.	Корхона томонидан	корхонанинг инвестиция портфелини бошқариш
		корхонанинг инвестицион фаолияти мониторинги ва сифатини баҳолаш
		қиска муддат инвестиция қўйилмаларини бошқариш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни самарали бошқариш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам миллий иқтисодиётта инвестицияларни йўналти-

<sup>1</sup> Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

ришда илмий асосланган ҳолда иш тутиш, капитал қайтишини жадаллаштириш, инвестиция лойихаларининг ижтимоий-иктисодий самарадорлик жиҳатларига эътибор қаратиш ҳамда инвестиция маблағларининг тармоқ ва соҳа тақсимотига оид илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимдир. Инвестицияларни бошқариш жараёни мураккаб бўлиб, бунда барча омилларни ҳисобга олиш лозим. Умумий ҳолда инвестицияларни бошқариш деганда қабул қилинган стратегия асосида инвестицион фаолиятни доимий равищда амалга ошириш ва ресурслар билан таъминланганлик устидан инвесторларнинг назоратини тушуниш мумкин. Инвестиция фаолиятини бошқариш жараёни таснифини 1.1.2-жадвалда келтирилганидек шартли равищда уч гурухга бўлиб ўрганиш мумкин.

Ушбу расмда келтирилган инвестиция жараёнларини бошқаришнинг асосий функциялари турли нуқтаи-назардан таҳлил этилган. Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, тартибга солиш ва шакллантириш, шунингдек инвестицион жараёнлар инфратузил масини ривожлантириш ва таъминотини ташкил қилиш асосида инвестиция фаолиятини бошқаришнинг таҳлил ва башоратлаштириш; стратегик, жорий ва тезкор бошқарув; фаолиятни назорат қилиш ва тартибга солиш каби умумий функцияларини ҳам келтириш мумкин. Шунингдек, инвестицияларни давлат томонидан бошқариш жараёнининг асосий мақсади куйидагилар эканини таъкидлаш лозим:

1. Инвестициялаш бўйича қонунчилик чора-тадбирларини кўриб чиқиши.
2. Молиявий, пул-кредит ва нарх шаклланиши ҳамда амортизацион сиёсатларини ўтказиш.
3. Давлат меъёрлари ва стандартларига амал қилишни назорат қилиш.
4. Монополияга қарши чора-тадбирлар, давлат мулки обьектларини хусусийлаштириш ҳамда инвестиция лойихаларни экспертиза қилиш.

## **1.2. Глобаллашув шароитида телекоммуникация соҳаси инвестиция жарабўнлиари ривожланишининг халқаро тенденциялари**

Ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан тараққий этиб бораётган бугунги глобаллашув шароитида мазкур соҳанинг илғор ютуқларини барча тармоқ ва жабҳаларга кенг жорий этиш мамлакатимизнинг келгуси равнақида муҳим омил ҳисобланади. Зеро, ахборот технологиялари бозорининг зарур таркибий қисми бўлган дастурий маҳсулотлар индустряси миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини оширишда, рақобатда устуворликка эришишда, валюта тушумларининг кўпайишида, импорт ўрнини босувчи миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш сиёсатини амалга оширишда ўзига хос ўрин тутади. Дастурий маҳсулотларни қисман ёки тўлиқ ишлаб чиқиш, уларни жаҳон бозорига олиб чиқиши, экспорт қилишни кенг жорий этган хориж тажрибалари, хусусан Корея, Ҳиндистон, АҚШ, Хитой мамлакатлари мисолида олиб қарасак, шундан далолат берадики, дастурий маҳсулотлар индустрясини ривожлантириш ҳар бир соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этишга, аҳолини иш билан бандлигини оширишга, интеллектуал мулкни шакллантириш ва ривожлантиришга, давлат экспорт салоҳиятини кучайтиришга, инвестициялар жалб этишга, натижада эса, мамлакат иқтисодиётини ўсишига олиб келади. Корея, Ҳиндистон, Хитой ва бошка давлатларнинг бой тажрибасини ўрганган ҳолда бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ахборот технологияларини жорий этишга катта зътибор қаратилмоқда.

Хорижий мутахассислар ахборот технологиялари ривожланишининг бешта асосий тенденцияларини ажратиб кўрсатади [2.34.90 б.]:

1. Ахборот маҳсулотларининг мураккаблашуви. Ахборот воситаси кўринишидаги ахборот маҳсулоти, эксперт таъминоти хизматининг маълумотлар базаси стратегик аҳамият касб эта боради. Турли шаклдаги (нутқ, маълумот, тасвир) ахборот маҳсулотлари эшигиш, кўриш ва англаш учун фойдаланувчининг талабига кўра ишлаб чиқилади ҳамда унга кулай вақтда ва шаклда маҳсулотни етказиб бериш воситаси вазифасини бажаради. Ахборот маҳсулоти борган сари якка фойдаланувчига тақдим этиладиган ўзига хос

хизмат ва ҳисобот-таҳлил ишлари натижалари ўртасидаги гибридга айланаб бормоқда.

2. Биргаликда ҳаракат қилиш қобилияти. Ахборот маҳсулотининг аҳамияти ошиб бориши билан мазкур маҳсулотларни компьютер ва инсон ёки ахборот тизимлари ўртасида идеал тарзда алмашувини ўтказиш имконияти илғор технологик муаммо касб этади. Ахборот маҳсулотларини қайта ишлаш ва узатиш муаммоси уларнинг келиши ва тез ҳаракатланиши бўйича тўлиқ мувофиқ бўлиши лозим.

3. Оралиқ бўғинларни тугатиш. Биргаликда ҳаракатланиш қобилиятининг ривожланиши ахборот маҳсулотлари алмасиши жараёнининг такомиллашувига, сўнгра ахборот манбай йўлидан истеъмолчига қараб (яъни бу соҳадаги етказиб берувчи ва истеъмолчилар) оралиқ бўғинлар ўрнатилади. Бунинг натижасида турли хил иқтисодий объектларда мутахассислар ўртасида видеоконференция, электрон киоск, электрон почта тизими орқали бевосита мулоқот қилиш имконияти туғилади.


4. Глобаллаштириш. Иқтисодий обьект йўлдош алоқа ва Internet тармогидан фойдаланиб ахборот технологиялари ёрдамида хоҳлаган жойда ва хоҳлаган пайтда иш олиб бориши мумкин. Айнан Internet туфайли одамлар дунёнинг ҳар қандай нуқтасидан туриб ўзаро мулоқот қилиш имконига эга. Бу ҳолатда доимий ва ярим доимий харажатлар янада кенг географик минтақада тақсимланиш ҳисобига устуворликка эга бўлади.

5. Конвергенция. Конвергенция ахборот технологияларини замонавий ривожланиш жараёнининг охирги босқичи сифатида кўриб чиқилади. Бунда маҳсулотлар ва хизматлар, ахборот ва дам олиш, шунингдек, овозли, рақамли ҳамда видеосигналларни узатиш каби иш режимлари ўртасидаги фарқ йўқолади.

Моддий ишлаб чиқариш ва ахборот бизнеси соҳалари ўртасидаги тафовут ўчиб кетади, фирмалар ва корпорацияларнинг фаолият турлари диверфикацияси, саноат тармоқлари, молия сектори ва хизмат соҳалари ўзаро уйғунлашиб кетади. Шундай қилиб, янги ахборот технологиялари – бу дунё миқёсида жамият тараққиётининг саноат асидан ахборот асрига қараб ўтиш асосидир. Мазкур тенденциянинг бизнесда қўлланилиши куйидаги ўзгаришларга олиб келади:

- ҳар бир иш ўрнида ресурслар етарли бўлганда ахборотни қайта ишлаш учун тақсимланган шахсий (персонал) ҳисоблашларни амалга ошириш;
- хабарларни жўннатиш учун иш ўринлари бирлашганда коммуникациянинг ривожланган тизимини яратиш;
- иқтисодий объект ахборот оқимиға уланганда, мослашувчан глобал коммуникацияларга эга бўлиши;
- электрон савдо тизимини яратиш ва ривожлантириш;
- иқтисодий объект интеграцияси – ташқи муҳит тизимидағи оралиқ бўғинларни бартараф этиш.

Халқаро эксперталар маълумотларига кўра 2012 йил ахборот технологиялари бозори 2011 йилга нисбатан 6,3 фоизга ва 2029.4 млрд. АҚШ доллари микдорини ташкил этган.




#### **1.2.1-Расм. 2010-2014 йилларда жаҳон бозорида ахборот технологиялари ривожланишининг динамикаси (млрд. АҚШ доллари)<sup>1</sup>**

Жаҳон ахборот технологиялари бозори ҳақида гапирар эканмиз, 1.2.1-расмдан кўриш мумкинки, 2012 йилда 2029.4 млрд. АҚШ доллари микдорида бўлган бўлса, 2013 йилга келиб, 2149.4 млрд. АҚШ

<sup>1</sup> ITU маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

долларини ташкил этмоқда, 2014 йилда эса 2264.6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

2014 йил жағон ахборот технологиялари бозорини таркибини күрадиган бўлсак, асосан уч қисмдан иборат. Унинг 18 фоизини дастурий маҳсулотлар, 32 фоизини хизматлар ва 50 фоиз қисмини ускуналар ташкил этади. Буни 1.2.2- расмда кўриш мумкин.




**1.2.2-расм. Жағон ахборот технологиялари бозорининг  
2014 йил учун таркиби<sup>1</sup>**

Хар бир дастурий таъминотни бирон бир техника ёки технологиядан фойдаланиш учун зарурий таркибий қисм деб қарайдиган бўлсак, техника технологияни ишлаб чиқиши тезлигига қараб дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариши жадаллиги белгиланади. Айнан шуни ҳисобига жағон ахборот технологиялари бозорини таркиби ўзгариши жадаллиги белгиланади.

Кейинги навбатда алоҳида мамлакатлар бўйича ахборот технологиялари бозорини таркибини ўрганиб чиқамиз. 1.2.3-расмда алоҳида мамлакатлар бўйича ахборот технологиялари бозори таркиби келтирилган бўлиб, АҚШ, Фарбий Европа давлатлари, Чехия, Польша, Руминия, Россия, Хитой мисолида кўриб чиқилган.

<sup>1</sup> ITU мәлумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



**1.2.3-расм. Алоҳида мамлакатлар бўйича ахборот технологиялари бозорининг 2014 йил учун таркиби<sup>1</sup>.**

1.2.3-расмдан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар ичида АҚШ дастурий маҳсулотлар бўйича етакчи ўринни эгаллаб келмокда. АҚШ ахборот технологиялари бозорининг ўзариши жаҳон ахборот технологиялари бозорига ижобий жиҳатдан ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Фарбий ва Марказий Европа мамлакатларида эса, бир неча йилдан бери ўзариш кузатилмайди.

Хусусан бу борада Президентимиз шундай фикр билдирганлар: "...замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишини жадаллаштириш зарур. Ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер асрида, интернет кундан-кунга ҳайтимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳакида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ" [1.15.].

Ўзбекистонда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, уларни экспорти, импорти борасида алоҳида концепция яратилмаган бўлсада, улар ахборот технологияларини асоси ҳисобланга-

<sup>1</sup> ITU мъалумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


ни учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ - 117-сон Қарори ушбу соҳанинг ривожланишига асос ҳисобланади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон фармони билан дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга солик ва божхона имтиёzlари берилган эди. Ушбу имтиёzlар 2006 йилгача амал қилди ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорининг ривожланишига замин яратди. Бундан ташқари мамлакатимизда ҳар йили дастурий маҳсулотлар ва инновацион ғоялар ярмаркалари ўтказилиб келинмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантириш борасида ҳуқуқий база шаклланган бўлиб, «Алоқа тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳукуқлар тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунлар, қонунисти ҳужжатлари шулар жумласидандир. Соҳага оид 11 та қонун, 40 дан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорлари, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва стандартлар қабул қилинган.

Қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда дастурий таъминотни ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгилаб келинмоқда. Ахборот ва компьютер технологиялари соҳасига ўқитиш ҳамда дастурий воситаларни реализация қилиш хизматларини кўрсатувчилар учун кўшилган қиймат солиғидан озод этиш бўйича нормалар бир неча йиллар давомида амал қилиб келмоқда. Охиригина беш йил мобайнида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишига ихтинослашган корхоналар, бошқа микрофирма ва кичик корхоналарга нисбатан ягона солик тўловини тўлашда имтиёzlар берилгани уларнинг иш самарадорлигини оширишда хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда республикамиз дастурий маҳсулотлар бозорини таҳлил қиласар эканмиз, куйидагиларни кўришимиз мумкин, яъни Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра кўпчилик корхоналарда 120 мингдан ортиқ нусхадаги турли дастурий маҳсулотлардан фойдаланади, улардан 48 фоизи амалий дастурий маҳсулотлар, 36 фоизи тизим ва 16 фоизи идора дастурий маҳсулотларидир.

1.2.4-расмда йиллик рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар сони келтирилган. Яратилган имкониятларни ҳисобга олинса, кейинги йиллар давомида ушбу кўрсаткичлар ўсиши кутилмокда.



**1.2.4-Расм. Йиллик рўйхатга олинадиган дастурий маҳсулотлар сони<sup>1</sup>**

Ўзбекистонда дастурий маҳсулотлар экспорт бозоридаги компанияларнинг бозор улуси мазкур компаниялар миқёсидан келиб чиқиб баҳоланганд. Баҳолаш натижалари Ўзбекистондаги дастурий маҳсулотлар экспортининг энг катта улушкини кичик компаниялар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳисботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

(10 кишидан кам), мустакил дастурчилар гурухлари ҳамда якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилардан ташкил топғанлыгини күрсатди. Шунингдек, ўрта ва йирик тижорат компанияларнинг ўрни ҳам салмоқлидир.

Сўнгги йиллардаги жаҳон ахборот технологиялари бозоридаги ижобий ўзгаришлар глобаллашув жараёнини тезлашувига, жамиятни ҳамда иқтисодиётни ахборотлашувига олиб келди. Бу эса ўз навбатида инсониятни ахбороттга бўлган қарашини ўзгартириди ва бизнес килишининг янги кирраларини очиб берди. Бундай ўзгаришлар мамлакатимизга ҳам ўз таъсирини ўtkазмай қолмади. Мамлакатимизда ахборотлашган жамият шаклланиши ахборотни асосий ресурслардан бирига айланишига олиб келди. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиши ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш, узатиш имкониятларини яратади. Ўз ўрнида ундаги ахборот алмашинувдаги ахборотларни узатиш, қабул қилиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимлари ривожланиши билан бевосита боғлаш мумкин. Бундай ривожланиши мамлакатимизни келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашига пойдевор хисобланади.

Ўзбекистонда телекоммуникация технологияларини кенг кўллаш ҳамда «ахборотлашган жамият» сари жадал интилиш мақсадида амалий чоралар кўрилмоқда. Аммо, бу борада қилинган ишлардан келгусида қилиниши керак бўлган ишлар кўлами ниҳоятда кенгdir. Жаҳонда телекоммуникация соҳаси ривожи жуда тезлик билан руй бербаётганлиги сабабли бу борадаги ҳар қандай сусткашлик мамлакат тараққиётига ўта салбий таъсир этиши мумкин. Ахборот-коммуникация соҳасининг ўрни ва аҳамиятини таърифлашда унинг камиди икки таркибий қисмини - телекоммуникация ва ахборот яратиш соҳаларини ажратиб қараб кўриш лозим. Ўзбекистон телекоммуникация соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятларини таҳлил қилган ҳолда соҳанинг устувор ва жадал ривожланишини таъминлаш, унинг бозор ислоҳотлари талабларига мос келувчи замонавий бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

Телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишларни инобаттга олиб, уларни

таҳлил қилиш асосида хориж тажрибасини ўрганиб, уни соҳани такомиллаштиришга йўналтириш лозим. Шуни ҳисобга олган ҳолда, хорижий компанияларнинг фаолиятини ва эришилган натижаларини «Ўзбектелеком» АҚ фаолияти натижалари билан таққослаб улардан умумий хулоса чиқариш зарур.

Япония телекоммуникация хизматлари бозорида “NTT Group” энг ривожланган ва бутун дунёда даромадлари бўйича юқори ўринларни эгаллаб турувчи компания ҳисобланади. Корпоратив гурух кенг кўламдаги хизматлар турини тақдим этади. Улар қаторига “NTT Group” томонидан оптик толали кенг полосали тармоқдаги хизматлардан тортиб, булутли технологиялар асосида мобил алоқа хизматлари ҳамда 160 мамлакатларда юқори сифатдаги тармоққа эга бўлиб, бутун дунё миқёсида иккинчи ўринда турувчи ахборот марказига эга. Бу имкониятлардан фойдаланган ҳолда “NTT Group” ахборот коммуникация технологияларини бизнес таҳлили ва уларни бошқариш бўйича консалтинг хизматларни ҳам тақдим этади. Шундай йўл билан “NTT Group” ўзининг ҳалқаро ҳамкорларини ва мижозларини қўллаб-куватлайди. “NTT Group” корпорациясининг энг асосий филиалларидан бири бу “NTT” компанияси ҳисобланади.

2014 йилнинг маълумотларига қараганда “NTT” 10507.4 млрд. япон иенаси миқдоридаги даромадга эга бўлган. Умумий сарф ҳаражатлари миқдори эса 9284.4 млрд. япон иенасини ташкил этган. Барча солиқ ва тушумларни олиб ташлангандан сўнг, соф фойда миқдори ҳажми 1223.0 млрд. япон иенасидан иборат бўлган. Бу эса 2013 йилга нисбатан 0,66 % ўсиш суватини кўрсатган. EBITDA – 3219.1 млрд. япон иенаси. EBITDA маржа – 30,6 % ни ташкил этган. Компания мобил алоқа фойдаланувчилари 60,129 минг абонент, кенг полосали тармоқ фойдаланувчилари эса 18886 минг абонентдан иборат.

Хитой телекоммуникация хизматлари бозорида “China Telecom Corporation Limited” (“China Telecom” Group филиаллари билан биргаликда) ўз фаолиятини юритиб, дунёдаги энг йирик телекоммуникация операторларидан бири сифатида маҳаллий алоқа, CDMA орқали мобил алоқа ва кенг полосали Интернет хизматларини етказиб берувчи компания ҳисобланади. Телекоммуникация хизмат-

ларини тақдим этиш натижасида 2014 йил маҳаллий телефон тармоқларининг ўрнатилган сифими умумий ҳисобда компания бўйича 163 миллион, кенг полосали тармоқ фойдаланувчилари сони 90 миллион ва мобил алоқа хизмати абонентлари сони 161 миллионни ташкил этган. Компания телекоммуникация ва бошқа турдаги хизматларни мижозларга тақдим этиш натижасида 2014 йилда 283,176 млн. хитой юанига тенг умумий даромадга эга бўлди. Умумий сарф ҳаражатлар эса 261,887 млн. хитой юуани, соф фойда эса 14,949 млн. хитой юанини ташкил этди.

Германия телекоммуникация хизматлари бозорида асосий оператор “Deutsche Telekom” AG немис телекоммуникация корхонаси бўлиб, у Европадаги энг йирик оператор ҳисобланиб, дунё миқёсида учинчи ўринни эгаллайди. “Deutsche Telekom” 1995 йил 1 январда акционерлик жамиятига айлантирилиб, 1996 йил ноябр ойида акциялари фонд биржасида котировка қилишни бошлади. Компания акцияларнинг 15 % Германия ҳукуматига, 17 % давлат тараққиёт банкига ва 68 % эркин айланишда бўлади. Компания 50 та мамлакатда филиалларга эга бўлиб, телекоммуникация хизматларини мижозларга тақдим этиш натижасида 2014 йилда 58,162 млн. евро умумий даромадга эга бўлган. Умумий сарф ҳаражатлар эса 23,913 млн. евро, соф фойда эса 1,516 млн. еврони ташкил этган. EBITDA – 18 млн. евродан иборат. “Deutsche Telekom” мобил алоқа фойдаланувчилари 140 млн.га яқин, кенг полосали тармоқ фойдаланувчилари эса 17 млн., IP-TV хизмати фойдаланувчилари эса 5,8 млн. абонентдан иборат.

«Ростелеком» АК – Россия телекоммуникация миллий оператори бўлиб, мамлакат бўйлаб соҳанинг ҳамма сегменти бўйича хизматлар кўрсатади. «Ростелеком» АК нинг асосий акционери давлат ҳисобланиб, «Связьинвест» АК, «Росимущество» ва «Внешэкономбанк» орқали 55 % оддий акцияларга эгалик қиласди. Компания ҳозирги кўринишни 2011 йил апрел ойида олди, чунки компания таркибига «Центр Телеком» АК, «СЗТ» АК, «ЮТК» АК, «Волга Телеком» АК, «Уралсвязьинформ» АК, «Сибиртелеинформ» АК, «Дальсвязь» АК ва «Дагсвязьинформ» АК кўшилди.

«Ростелеком» АК Россия бозорида кенг полосали тармоқ орқали Интернет ва телевидения хизматларини тақдим этиш бўйича юқори

ўринни эгаллайди: масалан, кенг полосали тармоқ орқали интернет абонентлари сони 9,2 млн.дан ортиқ, Ростелекомдан пулли ТВ хизмати абонентлари сони эса 6,6 млн.дан ортиқ, улардан 1,4 млн. федерал турдаги «Интерактивное ТВ» хизмати абонентлариидир.

«Ростелеком» АК молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларни кўриб чиқадиган бўлсак, 2014 йилда 321,251 млн. рубль даромад олган. 2013 йилга нисбатан даромад даражаси 6,2 % га ошган. 2014 йилда ҳаражатларнинг умумий ҳажми 267,426 млн. рубльни ташкил қилган.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир корхона бўйича куйидаги таҳлил натижаларини келтириш мумкин.

“Deutsche Telekom” энг юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, унинг бундай натижаларига эришишда асосий сабаб 50 дан ортиқ хориж мамлакатларида ўз компания бўлинмаларига ҳамда Германия, Европа мамлакатларида ўзининг глобал тармогига эга. Бундан ташқари унинг устунликлари куйидагилардан иборат:

- ҳалқаро телекоммуникация хизматлари бозорида юқори ўринларга эга;
- кўп йиллик тажрибага эга;
- телекоммуникация хизматларини янада ривожлантириш учун инновацион технологияларни жалб этилиш даражаси юқорилиги;
- юқори малакали ишчи ходимларга эга;
- мижозларга хизмат кўрсатишнинг универсаллиги;
- янги турдаги булатли хизматларни мавжудлиги;
- Интернет тармогига симсиз уланиш тизими йўлга қўйилгани;
- йирик бизнес ҳамкорларга эга ва х.к.

Бироқ ҳозирги кунда телекоммуникация хизматларининг қун сайин ривожланиши туфайли “Deutsche Telekom” да ҳам турли тўскинилклар ва қийинчиликлар мавжуд. Улардан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Европа телекоммуникация хизматлари бозорининг ривожланиши сусаймоқда;
- Кучли рақобат ва соҳанинг тез ривожланиши;
- Инвестицияга бўлган талабнинг кучлилиги.

«Ростелеком» АК ни кўрсак у қуйидаги устунликларга эга:

- Давлат ҳукумати томонидан ҳамма турдаги телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича лицензияларга эга;

- Энг йирик транспорт тармоғига эга;
- Россиянинг ҳамма кисмларида ўз тармоғига эга;
- Россияда технологик етакчилликка эга;
- жуда кўп давлат лойиҳаларига эга.

Лекин ўз устунликларидан ташқари телекоммуникация хизматлари бозорида ривожланишида ўз тўсқинликларига эга:

- Мобил алоқа хизмати бозорида кам улушга эга;
- Интерактив телевидиния қамрови юқори даражада эмас;
- Кучли рақобатчиларга эга.

«Ўзбектелеком» АҚ нинг молиявий ва умуман Ўзбекистон телекоммуникация бозоридаги тутган ўрнини ўрганиб чиқиб, унинг куйидаги устунликларини ажратишимиш мумкин:

- Мамлакат ва соҳа раҳбарияти томонидан кўллаб-куватланиши;
- Универсал хизматларни кўрсатиш бўйича монополист эканлиги;
- Мамлакатнинг барча аҳоли яшовчи пунктларида қишлоқ телефон стансияларини мавжудлиги;
- Махаллий телекоммуникация бозорида тўла устунлиги;
- Хизмат турлари кенглиги ва хизматларнинг ижтимоий аҳамиятга эгалиги;
- Алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича катта тажриба мавжудлиги;
- Юқори малакали ишчи кучи ва персонални бошқариш тизими;
- Ягона тармоқни мавжудлиги.

Лекин шундай устунликлари бўлиб, ўзига яраша заифликларга эга:

- Ускуналарнинг жисмоний ва маънавий эскириши;
- Ходимларнинг янгиликларга салбий муносабати;
- Реклама ва маркетинг сиёсатининг сустлиги;
- Мижозлар билан ишловчи ходимлар салоҳиятини пастлиги;
- Ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражаси етарли эмаслиги;
- Инновацион хизматларни жорий этиш даражасини сустлиги;
- Йирик шаҳарларда рақобатбардошлиқ даражасини пастлиги;
- Рентабеллик даражасини пастлиги;

Кўриб турганимиздек ҳар бир компания ўз мавқеи ва устунлиги-га эга бўлиб ҳам, жуда катта муаммоларга эга.

Тахлил натижаларини ўрганиб чиқсан ҳолда телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инвестицияларни кенг жалб этиш лозимлигини айтиш мумкин.

1.2.1-жадвалда телекоммуникация соҳаси индекслари бўйича дунё мамлакатлари рейтингги 01.01.2015 йил ҳолатига келтирилган.

Тармоқнинг тайёргарлик даражаси дебномланган индекс бўйича биринчи ўринда 6.04 кўрсаткич билан Финляндия давлати бўлса, ўнинчи ўринда эса Жанубий Корея республикаси 5.54 кўрсаткич билан турибди.

### 1.2.1-жадвал

#### Телекоммуникация соҳаси индекслари бўйича дунё мамлакатлари рейтингги (01.01.2015 йил ҳолатига)<sup>1</sup>

№	Индекслар номлари	Етакчи мамлакатлар	Индекс кўрсаткичлари
1.	Тармоқнинг тайёргарлик даражаси	1. Финляндия	6.04
		2. Сингапур	5.97
		3. Швеция	5.93
		4. Нидерландия	5.79
		5. Норвегия	5.70
		6. Швейцария	5.62
		7. АҚШ	5.61
		8. Гонконг	5.60
		Буюк Британия	5.54
		10. Жанубий Корея	5.54

<sup>1</sup> Тахлилий материаллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

		1. Дания	8.86
		2. Жанубий Корея	8.85
		3. Швеция	8.67
		4. Исландия	8.64
		5. Буюк Британия	8.50
		6. Норвегия	8.39
		7. Нидерландия	8.38
		8. Финляндия	8.31
		9. Гонконг	8.28
		10. Люксембург	8.26
2.	Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланганлик даражаси	1. Фолкленд ороллари	96.92
		2. Исландия	96.21
		3. Норвегия	94.65
		4. Швеция	93.18
		5. Нидерландия	92.86
		6. Дания	92.26
		7. Люксембург	91.95
		8. Бермуд	91.30
		9. Финляндия	89.88
		10. Лихтенштейн	89.41
3.	Интернетнинг ривожланганлик даражаси	1. Жанубий Корея	0.9462
		2. Австралия	0.9103
		3. Сингапур	0.9076
		4. Франция	0.8938
		5. Нидерландия	0.8897
		6. Япония	0.8874
		7. АҚШ	0.8748
		8. Буюк Британия	0.8695
		9. Янги Зеландия	0.8644
		10. Финляндия	0.8449
4.	Электрон хукуматни ривожланганлик даражаси		

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланганлик даражаси индекси бўйича дунёда биринчи ўриндан Дания давлати 8.86 кўрсаткич билан, ўнинчи ўриндан эса Люксембург 8.26 кўрсаткич билан жой олган.

Интернетнинг ривожланганлик даражаси индекси бўйича Фолкленд ороллари 96.92 кўрсаткич билан биринчи ўринда, Лихтенштейн эса 89.41 кўрсаткич билан ўнинчи ўринда жойлашган.

Электрон хукуматни ривожланганлик даражаси индекси бўйича Жанубий Корея Республикаси 0.9462 кўрсаткич билан биринчи ўринда, Финляндия давлати эса 0.8449 кўрсаткич билан ўнинчи ўринда турибди.

### **1.3. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш шакллари ва усуллари**

Телекоммуникация соҳаси бутун иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятта эга. Рақобатбардош, самарали ва қиймати нуқтаи назаридан афзал бўлган алоқа тармоқлари ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини оширишга, иш ўринларини кўпайтиришга, экспорт салмоғи ва солик тушумларини ўсишига, яъни иқтисодий тараққиётни орқага тортувчи монопол хизмат кўрсатишдан тудан фарқ қиласиган ижобий тенденцияларни шакллантиришга олиб келади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, буларнинг барчаси ўз навбатида соҳани янада жадалроқ ривожлантиришни тақозо этади. Яъни телекоммуникация тармоқлари нафақат жамият тараққиётини ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг, балки мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсиб боришининг муҳим омили бўлиб қолишининг асосий шартларидан биридир. Бу эса соҳанинг ривожига бўлган алоҳида эътиборни талаб этади.

Телекоммуникация соҳасини бошқариш тизими – бу қонуниятлар ва тамойиллар асосида тузилган шундай умумийликки, ундаги барча элементлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли атрофдаги шарт-шароит ва бошқа тизимларга нисбатан бир бутунлик сифатида намоён бўлади. Телекоммуникацияларни бошқариш тизимининг элементи мантиқан муайян фаолияти амалга оширувчи бир бутунлик таркибидаги минимал бирликдир. Телекоммуни-

кацияларни бошқариш тизимини оддий ва мураккаб тизим сифатида кўриш мумкин.

Телекоммуникацияларни бошқариш тизими мазкур соҳани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг аниқ мақсадига эришишга қаратилган воситалари, вакт ва макон билан ҳамоҳанг иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва илмий-техникавий тадбирлар мажмуини англатади.

Телекоммуникация соҳасининг фаолият кўрсатишидан мақсад эса, унинг жамият талабларини оқилона тъминлаш даражасидаги келгуси ҳолатига эришишдир.

Бошқарув элементларини таснифлаш белгиларини аниқлаб олиш дастлабки вазифа ҳисобланади. Таснифлашнинг биринчи белгиси бу телекоммуникацияларнинг ташки ва ички мухитларидир.

Ташки мухитнинг мазмуни шуки ўрганилаётган соҳа мустақил тизим сифатида маълум мухитда фаолият кўрсатади, у билан ўзаро алоқада бўлади, унинг таъсирида ўзгаради ва ўз навбатида унга фаол таъсир қиласди. Ташки мухит макро даражада олиб қаралганда иқтисодий, сиёсий, ҳукукий, технологик ҳамда табиий хусусият касб этиб, микродарражада у телекоммуникация хизматлари истеъмолчилари, соҳа тъминотчилари, шериклар, ракобатчилар, давлат ва маҳаллий бошқарув тузилмаларини ўз ичига олади.

Телекоммуникация соҳаси ташки мухитдан энергия, ахборот, инсон ресурслари, моддий, молиявий ва бошқа ресурсларни олади, уларни маҳсулот ҳамда хизматларга айлантиради ва яна уларни ташки мухитга қайтаради. Ташки мухитни телекоммуникация фаолиятига таъсир ўтказувчи икки таркибий гурӯхга ажратиш мумкин. Биринчиси, макродарражадаги ташки мухит, ўз навбатида уни иқтисодий, сиёсий, ҳукукий, ижтимоий, технологик ва табиий-жўғорфий қисмларга бўлиб қараш мумкин. Иккинчиси, телекоммуникация хизматларининг истеъмолчилари, хизмат кўрсатувчилар, ракобатчилар, шериклар, инфратузилма ташкилотлари, давлат ва бошқа органлар қаторидаги ишбилиармонлар мухити бўлган микродарражадаги ёки бевосита ташки мухит. Ташки мухит сифатида қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият органларини ўз ичига оловучи маълум давлат бошқаруви органлари тизимиға алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Телекоммуникация соҳасини бошқариш тизимига кучли таъсир кўрсатадиган кейинги ташқи обьектлар гурухига миллий ва хорижий рақобат қилувчи тузилмалар киради. Бу Ўзбекистон телекоммуникация соҳасини бошқариш тизими учун умуман янги элементдир. У фақат бозор муносабатларига хос бўлиб, телекоммуникация соҳасини бошқариш тизимининг ташки мухит талабларига мослашиши ва ўзини-ўзи ташкил этиш хусусиятининг такомиллашувини таъминлайди.

Соҳабошқарувчи ички элементлари классификацияси Ўзбекистонда телекоммуникация тизими ривожига бевосита алоқадор бошқарув элементларини қамраб олади. Бу классификация асосан телекоммуникация мажмууда фаолият кўрсатаётган ҳамда Республика хукумати қарорига кўра ҳар бир вазирликда, йирик соҳавий бирлашмаларда ташкил этилган ва ахборотлаштириш ҳамда ахборот технологияларини ривожлантиришга жавобгар бўлган таркибий бўлинмаларни ўз ичига олади.

Ушбу таснифда соҳа бошқарув элементларининг ҳозирги кунда шаклланган икки гурухини ажратиб кўрсатиш мумкин, булар:

- ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракатлар режасини амалга оширувчи ташкилотлар;

- соҳанинг ички тузилмалари.

Телекоммуникация соҳасини бошқариш турли усуслар билан амалга оширилади ва уларнинг ҳар бири бошқарувчи тизимнинг бошқарилувчи тизимга бўлган муайян таъсири билан тавсифланади. Ўзбекистон телекоммуникация соҳасининг ўзига хос хусусиятини ва уни бошқариш пиллапоясини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилаётган бошқариш усусларини икки катта гурухга ажратиш мумкин:

1. Соҳа ичидаги мувофиқ мухитни таъминлайдиган, соҳанинг ўз доирасида кўлланиладиган усуслар.

2. Телекоммуникация соҳасини давлат томонидан бошқариш усуслари.

Биринчи гурух усуслари уч кичик гурухга бўлинади: иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий бошқарув усуслари. Ушбу усусларнинг барчага маълумлигига қарамасдан шуни айтиб ўтиш керак-ки, улар Ўзбекистон шароитида иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий

мухит юқори даражада динамиклилиги натижасида тез ўзгарувчан хусусиятта эга. Буларнинг ҳаммаси телекоммуникация соҳаси менежменти томонидан унинг ҳар кунги фаолиятида ҳисобга олинган бўлиши керак.

Биринчи гурух усулларидан фарқли равишда иккинчи гурух усуллари республикага хос хусусиятларни ҳамда телекоммуникация соҳаси бозори шаклланиши динамикасини ҳисобга олган ҳолда ҳали етарли даражада илмий жиҳатдан таҳлил қилинмаган. Бизнинг фикримизча, бунга сабаб республиканинг дунё иқтисодий майдонига жадал кириб бориши ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг мустақилликнинг жуда кисқа муддатларида юқори суръатлар билан ривожланишига нисбатан бу жараёнларни илмий таҳлил қилишнинг ортда қолаётганлигидир.

Давлат томонидан тартибга солиш билвосита ёки бевосита хусусиятли бўлиши мумкин. Билвосита давлат томонидан тартибга солиш деганда давлат институтларининг бозор иштирокчилари сифатида бозорга чиқиб унинг қатнашчиси сифатида бозорнинг бошқа субъектлари фаолиятига таъсир этиши тушунилади. Тартибга солишнинг бу тури асосан ривожланган рақобат муҳити шароитида амал қиласди. Ўтиш даври иқтисодиёти шароитидаги Ўзбекистон учун эса, телекоммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш асосан, бевосита хусусият касб этади.


Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан бевосита тартибга солишнинг икки тури мавжуд [2.20.44 б.]:

1. Хўжалик юритувчи субъектларга тартибга солинадиган нархларда битимлар тузиш талабини қўювчи нарх белгилаш орқали тартибга солиш. Бу усул тўғридан-тўғри нархларни (тарифларни) ўрнатиш, нарх белгилаш формуалари ва қоидларини белгилаш, тузиладиган битимлар, муайян харидорлар гурухлари ёки сотувчилар гурухлари учун энг юқори ва паст нархларни белгилаш кўринишида бўлиши мумкин. Сотиладиган ёки харид қилинадиган маҳсулотлар (хизматлар) нархларини тартибга солиш нарх белгилаш орқали тартибга солиш жумласига киради.

2. Нарх белгиламасдан тартибга солиш. У хўжалик юритувчи субъектлар учун фаолиятларини ташкил этиш ёки амалга ошириш, ишлатиладиган анжомларга бўлган техник талаблар, фа-

олиятни амалга ошириш жойи ва вақти, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёки кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ҳамда бошқа шу сингарилар билан боғлиқ бўлган мажбурий талабларни белгилашни ўз ичига олади. Текшириш ва назорат қилиш ваколатлари ҳам нарх белгиламасдан тартибга солишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Нархи бўлмайдиган усуслар жумласига лицензиялаш, шу жумладан, техникавий тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, мажбурий суғурталаш кабилар киради.

Ўзбекистонда телекоммуникация соҳаси учун асосий бўлган давлат томонидан тартибга солишнинг умумлаштирилган усуслари



### 1.3.1-расмда келтирилган.

#### 1.3.1-расм. Ўзбекистон телекоммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш усуслари<sup>1</sup>


Мамлакатда бозор иқтисодиёти ривожланиши, давлат бошқарувининг эркинлашуви ва рақобат муҳити тўлароқ шакллана бориши билан давлат томонидан тартибга солишнинг юқорида

<sup>1</sup> Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

келтирилгандай бевосита усуллари ўз ўрнини билвосита усулларга бўшата боради.

Телекоммуникация соҳасида инвестицияларга бўлган талабни етарлича қоплаш ва бу инвестициялардан оқилона фойдаланиш таъминланганидагина соҳада юксалиш ва ривожланишга эришиш мумкин. Яъни соҳада амалга оширилаётган техник сиёсат натижасида инвестиция сиёсати шаклланади. Шу билан бирга инвестиция сиёсати мамлакатда ахборот-коммуникация соҳасини узоқ муддатларга мўлжалланган дастурларини амалга оширишнинг молиявий манбасини шакллантиради.

Умуман олганда, бозор ислоҳотлари шароитида корхоналарнинг хўжалик фаолияти борасидаги мустақиллиги мавжудлигига қарамай, улар давлат ва тармоқ доирасида олиб борилаётган инвестиция сиёсатига мослашишлари лозим. Аммо, бу сиёсат ўз моҳиятига кўра марказлашган буйруқбозлик тизимиға хос бўлган инвестиция сиёсатидан тубдан фарқ қиласи ва унинг амал қилиш доираси қўйидаги 1.3.2-расмда келтирилган тўрт функция билан чегараланади.



**1.3.2-расм. Давлат инвестиция сиёсатининг асосий функциялари<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Республикамизда ҳозирда амал қилаётган қонуний асосга мувофик инвестициялар қуйидаги асосий манбалар ҳисобига шаклланиши мумкин:

- давлат бюджетидан ажратмалар;
- аҳоли шахсий жамғармалари;
- чет эл компания ва фирмалари, молия институтлари ҳамда грантлари ҳисобига инвестициялар;
- хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳисобига тушадиган маблағлар бир қисмининг турли жамғармалар орқали инвестиция мақсадларига йўналтирилиши;
- фирма ва компаниялар соғ фойдаси ҳамда амортизация ажратмалари;
- банк кредитлари, қарзга жалб қилинадиган маблағлар;
- корхоналар акциялари эмиссияси ҳисобига инвестициялар.

Бу манбаларни умумлашган ҳолда икки катта гурухга ажратиши мумкин. Булар биринчидан, корхоналарнинг ўз маблағлари бўлиб, улар соҳанинг энг асосий тармоғи ҳисбланган телекоммуникацияларга йўналтирилади. Иккинчидан, ташқаридан жалб қилинадиган маблағлар.

Бу манбалар ичида Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш шароитида чет эл инвестицияларининг аҳамияти айниқса каттадир. Буни икки ҳолат билан тушунтириш мумкин: биринчидан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ускуна ва жиҳозларини республикада ишлаб чиқариш тараққий этмаганлигидир. Шу сабаб бу воситалар чет эл инвестицияси асосида ривожланган давлатлардан келтирилмоқда. Иккйинчидан, республиканинг ҳозирги ички молиявий салоҳияти тез ривожланиб бораётган соҳа талабларини етарли даражада қондира олмайди.

Чет эл инвестицияларининг бу қадар юқори аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда уларни жалб қилиш учун кенг миқёсда имкониятлар ва имтиёзлар яратилган. Республикаизда бугунги кунда чет эллик инвесторлар учун шаклланган хуқукий асос ҳамда кафолатларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- чет эл инвесторлари учун қонуний асоснинг барқарорлиги бўйича кафолатлар. Бунга асосан чет эл инвестори учун келгусида қонунларнинг ўзгаришидан қатъий назар инвестиция киритилган муддатдаги шартномага амал қиласди;

- чет эл инвестори мулкининг сақланиши бўйича кафолатлар;
- чет эл инвестори учун инвестиция натижасида ишлаб топилган маблағдан ўз хоҳишига биноан фойдаланиш бўйича кафолатлар;
- пул маблағларини республикага киритиш ва ундан олиб чиқиши ҳажмини чегараламаслик тўғрисидаги кафолатлар;
- инвестиция фаолияти тугагач тегишли маблағни четга қайтариб олиб кетиш ҳукуки;
- сугурта ҳимояси ҳамда турли сиёсий ва бошқа турдаги қалтис-ликлардан ҳимояланиш кафолати.

Булардан ташқари республикамизнинг амалдаги қонунчилигига асосан чет эл инвесторига 45 дан ортиқ солиқ ва бошқа имтиёзлар ўрнатилган. Буларга қўшимча равишда Ўзбекистонда телекоммуникация соҳасида фаолият юритаётган фирма ва компанияларга мобил алоқа ҳамда маълумотларни узатиш бўйича лицензиялар олиш ҳукуки берилган, уларга халқаро телекоммуникация хизматлари кўрсатишида яхши имкониятлар яратилган. Бу имтиёзлар ва имкониятлар чет эл инвесторларига республикада фаолият кўрсатиши учун кулай шароитлар яратмоқда.


Ўзбекистон телекоммуникация соҳасини чет эл инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда устувор ривожлантириш унинг мамлакат иктисолиётидаги салмоғининг тез суръатлар билан ортиб боришига олиб келди. Ҳозирги кунда соҳа Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 2 фоизга яқинини бермоқда, бу жаҳондаги ўртacha кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Эътиборлиси шуки, бу кўрсаткич салмоғи узлуксиз ўсиб бормоқда.

Биз юқорида инвестиция жараёнларини бошқаришнинг асосий функцияларига тўхталиб ўтиб, ушбу функцияларни турли нуқта-и-назардан таҳлил қилиб чиқдик. Ўз навбатида соҳалар миқёсисда инвестицияларни бошқаришнинг функциялари буғунги кунда муҳим аҳамият касб этадики, ҳар бир соҳада инвестицияларни самарали бошқариш жараёни ушбу соҳанинг иктисолий ўсишига ижобий таъсир этади.

**1.3.3-расмдан кўриниб турибдикি, соҳанинг инвестиция фаолиятини стратегик бошқариш бу – телекоммуникация соҳасининг инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишидан иборат бўлиб, бунда инвестиция фаолияти йўлида узоқ муддатли мақсадларни шакилан-**

тириш тушунилади ва бунда энг самарали инвестицион фаолиятга эришиш күзда тутилади.

Телекоммуникация соҳасида инвестицияларни бошқариш функциялари



### 1.3.3-расм. Телекоммуникация соҳасида инвестицияларни бошқариш функциялари<sup>1</sup>

Республикамизда амал қилаётган тартибга мувоғиқ чет эл инвестициялари куйидаги уч йўналишда кириб келади:

1. Халқаро молия институтларининг кредитлари ва қарзлари.
2. Чет эл фирма ва компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари, яъни корхона фаолиятини назорат қилиш ва фойданинг тегишли қисмига эгалик қилиш мақсадида узоқ муддатли капитал киритиш. Бу йўналиш одатда улушли ҳисобланган кўпшма корхоналар ёки тўлиқ чет эл капитали ҳисобига фирмалар тузилиши шаклида амалга оширилади.

3. Портфел инвестициялари - чет эл субъектлари томонидан корхоналар акцияларининг сотиб олиниши билан боғлиқ

Бу йўналишларнинг самарадорлиги турлича. Масалан, биринчи йўналиш, яъни кредит ва қарзлар олиш давлатнинг ташки қарздорлигини кўпайтиради, бу эса, мамлакат учун ҳам иқтисодий ҳам

<sup>1</sup> Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

сиёсий жиҳатдан нокулай. Шу сабабли ҳам телекоммуникация соҳасида олиб борилаётган инвестициявий сиёсатда кейинги икки йўналиш устувор аҳамият касб этиши лозим, улар одатда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари деб аталади.

Хозирги кунда Ўзбекистон телекоммуникация соҳасига чет эл инвесторини қизиктириш учун акцияси сотилаётган корхоналарда куйидаги йўналишларда шароитлар яратилиши талаб этилади:

Биринчидан, чет эл инвестори учун акциялар сотувидан тушган маблағнинг имкони борича кўпроқ қисми акцияси сотилган корхонада қолиши лозим, шундагина инвестор акцияни сотиб олишга қизиқади ва акциянинг бозор баҳоси юқори белгиланади. Зеро, корхона акция сотувидан келган маблағ ҳисобига ўз фолиятини тиклаб олиши ва ривожланишини таъминлаши лозим бўлади. Корхоналарнинг акциясини савдога чиқариш тажрибаси шуни кўрсатадики, кредиторлик қарзи юқори даражада бўлган корхоналар акцияларига талаб етарли бўлмайди, чунки тушган маблағнинг асосий қисми қарзни қоплашга йўналтирилиши лозим бўлади.

Иккинчидан, акцияси савдога кўйилган корхонада оқилона корпоратив тузилма яратилган бўлиши ва шунга монанд бошқарув тизими шакллантирилиши лозим. Чунки ахборот-коммуникация компанияларининг кўп сонли оператор-корхоналарга сегментлашгани оператив бошқарувни, молия-ҳисобот тизимини мураккаблаштиради, бу эса, компаниянинг чет эл инвестори олдидағи жозибардорлигини пасайтиради.

Учинчидан, корхона бир вақтнинг ўзида маҳаллий, худудий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматларини кўрсатиш имконига эга бўлмоғи лозим. Чунки тариф белгилашда кесишган субсидиялаш тамойили мавжуд бўлгани, яъни рентабелли хизмат тури ҳисобига норентабелли хизмат мавжудлиги ҳолатида бу хизмат турларини турли операторларга ажратиш самара бермайди.

Инвестиция сиёсатида киритилаётган маблағлар самарадорлиги масаласига алоҳида аҳамият берилмоғи лозим. Бу борада инвестицияларнинг шаклланиш манбалари ҳамда улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича таксимланишини оқилона бошқариш ушбу сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хорижий қарз берувчилар мамлакатдаги ўтиш шароити билан боғлиқ факторлар сабаб, баъзи бир муаммоларга дуч келади. Бу муаммолар асосан қарз олувчилар ҳақидаги ахборотларнинг тўлиқ етиб бормаслиги ва бу субъектлар иқтисодий барқарорлигига кафолатнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Қолаверса, айрим тижорат банкларининг ишидаги ғурунлар сабаб, берилган қарзлар фойдаланувчига ўз вақтида етиб бормайди. Шуларни ҳисобга олиб, республика телекоммуникация соҳасига чет элдан келган қарзларнинг асосий қисми бевосита давлат кафолати асосида берилган. Қарзларнинг қолган қисми тижорат кредитлари ёки мамлакат ички банклари кредитлари ҳиссасига тўғри келади. Маҳаллий банклар ҳиссасининг бу қадар камлиги уларнинг узок муддатли пассивлари етарли эмаслигидан, бу банклар кредит портфели асосан қисқа муддатли кредитлардан ташкил топган бўлиб, улар узок муддатли кредитлаш сиёсатини етарли олиб бормаётганлигидан далолат беради.

Инвестиция сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири маблағларнинг йўналишлар бўйича оқилона тақсимланишини таъминлаш билан боғлиқ. Телекоммуникация соҳасида жами инвестицияларнинг 80 фоиздан ортиқ қисми янги асосий фондлар шакллантиришга, яъни асосий капиталга йўналтирилмоқда.

Инновацион жараённи таъминловчи инвестициялар улуши (пәтентлар, лицензиялар, дастурий воситалар ва бошқалар) сўнгти йилларда ортиб бориши ҳам ижобий ҳолдир. Аммо, айланма маблағлар ва капитал таъмир улуши жуда кам.

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИГ ШАКЛЛАРИ**

Пул маблаглари, жамгармалар ва  
кимматли қоғозлар

Бинолар, иншоотлар ва  
моддий-техник ускуналар

Муаллифлик хукуки ва  
интеллектуал бойликлар

Табиий ресурслардан  
фойдаланиш хукуклари

Мулкчиллик хукуклари

### **1.3.4-расм. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестицияларнинг шакллари<sup>1</sup>**

Таъкидлаш лозимки, соҳа корхоналарининг айланма маблағлари массаси меъёр талабларига жавоб бермайди, асосий фондларнинг эскириш даражасининг юқорилиги эса капитал таъмир учун кўпроқ ҳажмда маблағ ажратилишини тақозо қиласи. Гап шундаки, соҳа инвестицияларининг асосий қисми янги қурилиш ҳамда кенгайтиришга йўналтирилса ва бир вақтнинг ўзида тармоқнинг эскирган қисми сақланиб қолса янгидан ўрнатилган воситалар самарадорлигини таъминлаб бўлмайди. Шу сабаб ҳам инвестицияларнинг янги қурилиш, модернизация, реконструкция ва капитал таъмир каби йўналишларга тақсимланиши, ўзаро нисбатининг оптималлигини таъминлаш ўта муҳимдир. Кўйида келтирилган 1.3.4-расмда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестицияларнинг шакллари кўрсатилган.

<sup>1</sup> Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Инвестициялар самарадорлигини таъминлашда уларнинг технологик ҳамда такрор ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш ҳам мухим. Инвестицияларнинг технологик таркиби уларнинг қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ҳамда машиналар ва жиҳозлар учун тақсимланишини англатади. Бундай тақсимланиш республика халқ хўжалигъ бўйича 50 фоизни ташкил этади, алоқа корхоналари инвестицияларида эса қурилиш-монтаж ишларининг улуши 9,5 фоиздан ортмайди ва 90 фоиздан ортиқ инвестициялар машиналар ва жиҳозлар учун сарфланмокда. Бу албатта, ижобий ҳолдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, реконструкция, техник қайта жиҳозлаш ва корхоналарни кенгайтириш инвестицияларнинг энг прогрессив йўналишлари ҳисобланади.

## **II БОБ. КОРПОРАТИВ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНИШИНИ ХИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШГА БЎЛГАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР**

### **2.1. Телекоммуникация соҳаси инвестиция фаолиятини бошқариш тизимини шакллантиришга бўлган услубий ёндашувлар**

Инвестициялар иқтисодиётнинг ўсишини ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Иқтисодий ислоҳотларнинг самараси ҳам оқилона ва тўғри инвестиция сиёсатини ўтказишга кўп жиҳатдан боғлиқdir. Бунинг учун ички сармояларни ҳам, ташки кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарурдир. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш молиялаштиришнинг энг тараққий этган замонавий шаклларидандир.

Маълумки, ўтиш иқтисодиёти шароитида инвестициялаш сармоя тузилмасини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш зарурати билан белгиланадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Ўзбекистоннинг тузилмавий инвестиция сиёсати қатор ва зифалар мажмууни ҳал этишга қаратилган бўлиб, улардан энг муҳимлари қуйидагилар хисобланади:

- бозор муносабатларига ўтиш жараёнида мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-куватлаш, корхоналарга ёрдам бериш;
- иқтисодиётнинг бир қанча истиқболли (импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган) тармоқларини ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва тармоқларни яратиш;
- ишлаб чиқариши технологик қайта қуроллантиришни рагбатлантириш.

Ўтказилаётган таркибий ўзгаришлар натижаси иқтисодий ҳаётимизда тадбиркорлик фаолияти, инновацион фаолият, инвестиция фаолияти, лизинг фаолияти, аудиторлик фаолияти, дилерлик фаолияти каби янги фаолият турларининг вужудга келишини таъминлади.

Барча корхоналарнинг фаолияти у ёки бу даражада инвестиция фаолияти билан боғликдир. Инвестициялаш бўйича қарор қабул қилишни турли омиллар мураккаблаштиради:

- инвестиция тури;
- инвестиция лойиҳаси қиймати;
- инвестициялашга йўналтириш мумкин бўлган молиявий ресурсларнинг чегараланганлик даражаси;
- қарорни қабул қилиш билан боғлиқ таваккалчилик даражаси;
- амалга ошириш мумкин бўлган лойиҳалар сони ва бошқалар.

Инвестиция заруриятининг асослари турлича бўлади. Умуман олганда уларни З турга бўлиш мумкин: мавжуд моддий техник базани янгилаш, ишлаб чиқариш фаолияти ҳажмини ошириш, янги фаолият турларини ўзлаштириш.

У ёки бу йўналиш бўйича инвестиция лойиҳасини қабул қилиш бўйича масъулият даражаси турличадир. Масалан, мавжуд ишлаб чиқариш кувватларини янгилаш бўйича қарор қабул қилиш деярлик қийинчиликсиз амалга ошади. Чунки, одатда, корхона раҳбарияти қандай ҳажмда ва қандай асосий воситалар кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Бироқ, гап асосий фаолиятни кенгайтириш билан боғлиқ инвестициялар ҳақида борса, масала мураккаблашади. Бунда бир қатор янги омилларни инобатга олиш зарур бўлади: товарлар бозорида корхона ҳолати ўзгариши хавфининг мавжудлиги; моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар кўшимча ҳажмларининг мавжудлиги; янги бозорларни ўзлаштириш имконияти ва бошқалар.

Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташки ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Шунга кўра, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб қиласди. Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим.

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг муҳим ва барқарор суръатларда ўсиб бораётган муҳим таркибий қисмларидан бири халқаро инвестициялар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси

Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг ракобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат” [1.25.65 б.].

Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг иқтисодий механизмини таҳлил қилиш ҳамда самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга. Хорижий инвестицияларни жалб этиш қабул қилинаётган мамлакатлар учун қатор афзаликларни вужудга келтиради. Хорижий инвестициялар «ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўллаб-кувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда».

Жаҳондаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиётини, моделларини чукурроқ ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибасини, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни моделлаш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг муҳим омилларидан бири – иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишдан иборат. Бу борада мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати қўйидаги тамойилларга асосланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
- хорижий инвестицияларни жалб этишнинг хукукий ва институционал асосларини такомиллаштириш;
- хорижий инвесторларга нисбатан «очиқ эшиклар» сиёсатини изчилилк билан олиб бориш;

– хорижий инвестицияларни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариладиган устувор тармоқларга йўналтириши.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кенг миқёсда жалб этиш ўтиш даврининг стратегик ва хорижий вазифаларини ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ. Ушбу вазифалар ичida энг муҳимлари – иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни модернизациялаш, юқори технологик рақобатбардош тармоқларни яратиш, илғор хориж технологияси ноу-хау ва бошқарув тажрибаларини жалб этишдир.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқими-нинг жадал суръатларда ўсишини куйидаги омиллар белгилаб бермокда:

1. Мамлакатда инвестиция муҳитининг барқарорлиги. Йирик инвестиция лойиҳалари узоқ муддатта мўлжаллаб амалга оширилиши билан тавсифланади. Юқоридаги сабабларга кўра инвесторларга биринчи навбатда, хорижий инвесторларга бизнес олиб бориш учун қулай инвестиция муҳити, ишонч керак.


2. Валюта курсини тартибга солишдаги ижобий ўзгаришлар. Миллий валютанинг диверсификациялашуви, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга ва импорт қилинадиган товарларга нисбатан рақобат курашида маълум афзалликни беради.

3. 2008 йилга қадар жаҳон товар бозорларидағи ижобий ҳолатлар ва миллий экспорт таркибидаги асосий товарларга (олтин, мис, пахта) қулай нарх конъюнктураси йирик миллий экспортёрларнинг молиявий имкониятларини кенгайтирди ва ўзларининг инвестиция дастурларини молиялаштиришнинг фаоллаштирилишига, кенгайишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро боғлиқ тармоқлар маҳсулотига талабнинг ўсишига сабабчи бўлди ва мультиплікатор самарасини харакатга келтирди.

4. Давлат молияси ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш ҳолатининг мұттадиллашуви, мамлакатимизга 18 ойлик импорт микдорига тенг олтин-валюта заҳираларининг жамланишига, бюджет тақчилигини бартараф этишга ва 2005 йилдан бошлаб бюджет профицитига чиқишига имкон берди.

Мазкур көнг күламли дастурни амалга ошириш учун мамлакаттимизда сүнгги йилларда жиддий тайёргарлик күриб келинмоқда. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози бу жараённи янада жадаллаштиришга турткы бўлиб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техника ва технологиялар, қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида умумий қиймати 42,5 млрд. доллардан зиёд бўлган қарийб 327 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестиция лойиҳалари нинг 73,5 % янги қурилиш, 23,1 % модернизация ва тиклашга, 3,4 % бошқа йўналишларга сарфланди.



**2.1.1-Расы. Телекоммуникация салынуда инвестиция фасилитиине болып табылады!**


Юқорида таклиф этилаётган телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш услубиёти йўналишлар бўйича кейинги бобларда алоҳида таҳлилий ишлар амалга оширилади. Бу таҳлилларни пировард натижасида телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш услубиёти аникланади. Таклиф этилаётган услубий ёндашув бевосита телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш истиқболларини белгилашга замин яратади. Бу эса пировард натижада телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолияти самарадорлигини ҳамда инвестицион жалб қилувчанликни оширишга асос бўлади.

Умуман олганда бозор талабларидан келиб чиқсан ҳолда “Ўзбектелеком” АҚ истеъмолчиларнинг истиқболдаги талабларини инобатга олиб инвестиция жараёнларини ривожлантириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд хизматлар ёки технологик жараёнларни ривожлантиришда истеъмолчиларнинг келгуси талабларини инобатга олиш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация ва маълумотлар узатиш соҳаси бўйича миллий операторнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришда асосий вазифа ҳисобланади.

Республика иқтисодиётидаги ҳамда “Ўзбектелеком” АҚ даги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда куйида келтирилган компаниянинг самарадорлиги ва барқарор ривожланишига таъсир этувчи иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришларини таҳлил қилиш услубиёти келтирилади.

Тадқиқот натижаларига кўра жалб этилган инвестициялар (I) ҳажмининг ўзгаришини ифодаловчи модел – бу куйидаги кўринишга эга параболик моделdir:


$$I = 1,0175 t^2 - 10,802 t + 68,454 \quad (R^2 = 0,5644) \quad (2.1.1)$$



**2.1.2-расм. Жалб этилган инвестициялар ҳажми ўзгаришининг параболик модели<sup>1</sup>**

Харажатлар ( $X$ ) эса, ўз навбатида экспоненциал модел бўйича ўзгаради, яъни:

$$X = 102,76 \exp(0,1963 t) \quad (2.1.2)$$



**2.1.3-расм. Харажатлар ўзгаришининг экспоненциал модели<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Соф фойданинг жалб қилинаётган инвестициялар микдори ва харажатларга боғлиқ бўлган икки ўлчовли чизиқли регрессия модели қуидагича бўлади:

$$S = 0,0548 I + 1,022 X - 3,093 \quad (2.1.3)$$

Юқорида келтирилган моделлар бўйича “Ўзбектелеком” АК га 2020 йилгача киритиладиган инвестиция микдори, олинадиган соф фойда ва унинг истиқболдаги самарадорлигини ҳисоблаш мумкин бўлади. Икки ўлчовли чизиқли регрессия модели бўйича кўриниб турибдики, агар Компанияга инвестиция киритилмаса ва тегишли харажатлар қилинмаса, унинг фаолияти самарадорлиги салбий томонга ўзгаради. Бу эса ўз навбатида Компанияни инвестицион жалб қилувчанлигига салбий таъсир кўрсатади.

## **2.2. Корпоратив бошқарув тизимида телекоммуникация соҳаси инвестицион жозибадорлигини баҳолаш услубиёти**

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан телекоммуникация соҳаларини ҳам чукур таркибий қайта ислоҳ қилишини ва бундай ислоҳ қилиш барча хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини тадқиқ қилишни тақозо этмоқда. Инвестиция фаолиятини ривожлантириш омиллари, тамойиллари ва усулларидан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатаётган иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, корхоналар хўжалик фаолиятини бошқаришида кам меҳнат ва харажатлар сарфлаш орқали харидорларнинг талаб-эҳтиёжларини тўла қондиришга ва юқори самарадорлик билан иш юритиб, фойда олишга эришишга ундейди.

Инвестиция фаолиятини ривожлантириш истеъмолчиларнинг ҳозир ва келажакдаги талабларини қондиришга қаратилган маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва сотиш, натижада фойда олиш билан боғлиқ фаолият туридир. Инвестиция фаолиятини ривожлантириш орқали корхонанинг маркетинг фаолиятини назарий ва амалий асосларини чукур билиш, тижорат хавф-хатарини ўз вақтида ҳис қилиш ва камайтириш, унинг вариантларини ҳисоблашда мав-

жуд бўлган турларидан энг маъқулини танлаш, рақобат шароитида бозорни юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан тўйинтириш, доимий талаб мавжуд бўлган шароитда харидорларнинг тури гурухлари учун сотиш нархини аниқлаш ва оқибатда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Мана шундай биз учун мураккаб даврда, хорижда инвестиция фаолиятини ривожлантириш борасида тўпланған бой тажрибадан фойдаланмаслик кечириб бўлмас хато бўлар эди. Шуни ҳам унумаслик керакки, биз энг катта тақчилликни - вақт танқислигини ҳам енгишимиз зарур.

Ўзбекистонда ҳозирги шароитда ахборот коммуникация соҳаси корхоналарининг кўплаб муаммолари анъанавий бошқарув усуслари ёрдамидагина қониқарли ҳал этилиши мумкин эмас. Хўжалик юритишнинг янги шароитида корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлайдиган менежерлар, ишлаб чиқарувчилар, техник мутахассислар, тижорат ходимлари ва пировард истеъмолчиларнинг куч-ғайратини бирлаштирадиган, фирмани истеъмолчи ва бозор талабларига йўналтирадиган, унга атроф-муҳит омиллари ўзгаришига мувофиқ иш тутиш имконини берадиган бошқарув тизими талаб қилинади.

Қолаверса, ахборот-коммуникация технологияларининг бутун дунёдаги сингари Ўзбекистонда ҳам тобора ортиб бораётгани, бу соҳа субъектларининг табиий монопол хусусияти йўқолиб бораётганлиги, хилма-хил алоқа турларининг жадаллик билан ривожланиши, бозорнинг рақобатлашувчи компанияларнинг турли хилдаги хизматлари билан тўлиши хизмат кўрсатиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, соҳани инвестиция фаолиятини ривожлантиришдан келиб чиқиб бошқаришни ташкил этишини жуда долзарб вазифага айлантиrmоқда. Шу билан бир қаторда ташки мұхит омилларининг турли-туманлиги, уларнинг динамикасини, ахборот-коммуникация соҳаси олдидаги эски ва янги муаммолар соҳа корхоналарини маркетинг ёндошувидан фойдаланишга, аниқ ва чукур ўйланган инвестиция фаолияти стратегиясини ишлаб чиқишига, зарур элементлардан, яхши йўлга қўйилган мониторинг тизимидан ҳамда ташки омиллар ва ички имкониятларни боғловчи бошқарув тизимидан фойдаланган ҳолда, уларни омилкорлик билан амалга оширишга ундумоқда.

Телекоммуникация соҳасининг инвестицион жозибадорлиги ни баҳолаш учун унга бўлаётган эътибор, биринчи навбатда ушбу соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларини келтириш лозим. Ушбу маълумотлар 2.2.1-жадвалда келтирилган.

### **2.2.1-жадвал**

#### **Телекоммуникация соҳасини бошқариш ва ривожлантириш бўйича фойдаланиладиган асосий меъёрий-хукуқий ҳужжатлар<sup>1</sup>**

№	Санаси ва сони	Номи	Мақсади
<b>Ўзбекистон Республикасининг қонунлари</b>			
	<u>Ўзбекистон Республикаси-ning Конуни 24.04.1997 й. №400-I</u>	Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида	Ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий хукукини амалга ошириш жараённида юзага келадиган муносабатларни тартиб-гасолади.
	<u>Ўзбекистон Республикаси-ning Конуни 12.12.2002 й. №439-II</u>	Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида	Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва саклаш хукуклари рӯёбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан умумлаштирилган

	<p><u>Ўзбекистон</u>  <u>Республикаси-</u>  <u>нинг</u>  <u>Конуни</u>  <u>11.12.2003 й.</u>  <u>№560-Л</u></p>	<p>Ахборотлаштириш тўғрисида</p>	<p>Ахборотлаштириш, ахборот ре- сурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан ибо- рат.</p>
<b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Қарорлари</b>			
	<p><u>Ўзбекистон</u>  <u>Республикаси</u>  <u>Президенти-</u>  <u>нинг Фармони</u>  <u>30.05.2002 й.</u>  <u>№ПФ-3080</u></p>	<p>Компьютерлашти- ришни янада риво- жлантириш ва ахбо- рот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғри- сида</p>	<p>Замонавий ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот база- ларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини риво- жлантириш, ахборот алмашувнинг электрон шаклларига изчиллик билан босқичма-босқич ўтиш ҳамда реал иктисадиёт тармокларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахбо- рот технологияларини кенг жорий етиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бў- лишлари учун шарт-шароитлар яра- тиш.</p>
	<p><u>Ўзбекистон</u>  <u>Республикаси</u>  <u>Президенти-</u>  <u>нинг Қарори</u>  <u>08.07.2005 й.</u>  <u>№ПК-117</u></p>	<p>Ахборот-коммуника- ция технологиялари- ни янада ривожлан- тиришига оид қўшим- ча чора-тадбирлар тўғрисида</p>	<p>2010 йилгача телекоммуникация тармокларини ривожлантириш, маълумотларни узатиш ва ахбо- рот-коммуникация технологияла- рини кўллашнинг мақсадли йўна- лишлари; 2010 йилгача маҳаллий давлат бо- шқаруви ва давлат ҳокимияти ор- ганлари фаолиятида ахборот-ком- муникация технологияларини кўл- лаш дастури; миллий ахборот-кидирув ти- зимини шакллантириш ва ривожлантириш дастури тасдикланган.</p>

			<p><u>Ўзбекистон</u> <u>Республикаси</u> <u>Президент Ка-</u> <u>рори</u> <u>21.03.2012 й.</u> <u>№ПК-1730</u></p> <p>Замонавий ахбо- рот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ахборот тизимларининг боскич-ма-босқыц интеграциялашуви асо-сида миллій ахборот тизимини ша-клендиришни таъминлаш;</li> <li>- давлат органларининг үз функцияларини бажаришда тезкорлық ва сифатни оширишга имкон берувчи фаолиятини автоматлаштириш ах-борот тизимларини яратиш;</li> <li>- давлат органлари томонидан тад-биркорлық субъектлари ва ахолига күрсатиладиган интерактив давлат хизметларин рүйхатини көнгайтириш ва сифатини яхшилаш, тегишли ах-борот ресурсларидан кенг күламда, шу жумладан, кишлоқ жойларда фойдаланишни таъминлаш;</li> <li>- ахборот ресурслари, технологиялари ва тизимларини, шу жумладан, ахборот хавфсизлігін таъминлаш тизимларини ривожлантириш ҳо-латини хисобға олган ҳолда ахбо-рот-коммуникация технологиялари соңасида бошқариш тизимини тако-миллаштириш;</li> <li>- Миллій ахборот тизимининг ах-борот хавфсизлігіні, унинг ахбо-рот тизимлари ва ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлаш.</li> </ul>
--	--	--	---

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари			
	<u>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори 06.06.2002 й. №200</u>	Компьютерлаштириши янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида	2002-2010 Ыилдарда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурЫ; компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бүйіча Мувофикаштырувчи Кенгаш тұғрисидағи Низом тасдикланған.
	<u>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 22.11.2005 й. №256</u>	Ахборотлаштириш соҳасыда норматив-хукуқий базани такомиллаштириш тұғрисида	Давлат ахборот ресурсларини шаклантириш тартиби тұғрисидағи Низом; Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиби тұғрисидағи Низом тасдикланған.
	<u>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори 17.12.2007 й. №259</u>	Интернет тармогида Ўзбекистон Республикасининг Хукumat порталы тұғрисида	Интернет тармогида Ўзбекистон Республикасининг Хукumat порталы тұғрисидағи низом тасдикланған.
	<u>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори 21.04.2009 й. №116</u>	Интернет тармогида Ўзбекистон Республикасининг Хукumat порталында ахбороттарни тақдым этиш ва жойлаштириш тартиби тұғрисида	Интернет тармогида Ўзбекистон Республикасининг Хукumat порталында жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахбороттар рўйхати тасдикланған.

	<p><u>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Карори 30.12.2012 й. №378</u></p>	<p>Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни хисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низом тасдиқланган.</p>
--	--	--	---

Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш деганда авваламбор соҳага инвестиция жалб этишга, инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олиш лозим.

Муаллифнинг фикрича, кучли рақобат мухитига эга бўлган телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини камайтириш бевосита телекоммуникация корхонасининг инвестицион жалб қилувчанлигини ошишига, қолаверса рақобат салоҳиятини юқори даражада бўлишига замин яратади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда тадқиқотлар мобайнида муаллиф томонидан телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланди ва асосий гуруҳларга ажратилди. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар иккита асосий гурухга тақсимланган ҳолда ўрганилди.

Бу омиллар ички ва ташқи омиллар бўлиб, фикримизча, телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва санарадорлигини оширишда келтирилган омилларнинг таъсири юқори бўлади. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқаришга таъсир кўрсатувчи омилларни синфланиши 2.2.1-расмда келтирилган. Фикримизча, ушбу расмда келтирилган инвестиция фаолиятини бошқаришга таъсир кўрсатувчи ички омиллар орасида юқори таъсир кучига эга омил бу инвестициялаш учун жалб этилган ички молиявий маблағларнинг етишмаслигидир. Чунки хизмат кўрсатиш соҳасида шаклланиб бораётган рақобат мухитида муқим

ўрин эгаллаш учун ҳар бир корхона авваламбор молиявий барқарорлик ва молиявий захираларга эга бўлиши даркор.

Фикримизча, ташқи омиллар орасидаги эга катта хавф бу соҳани катта микдордаги ташки қарзларини мавжудлиги хисобланади. Бу ерда ташқи қарзлари деганда телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш ҳамда янги замонавий ЭАТСлар қуриш учун Япония ва Жанубий Корея давлатларидан узоқ ўмдатга олинган катта микдордаги молиявий маблағлар тушунилади.



**2.2.1-расм. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқаришга таъсир кўрсатувчи омиллар<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Муаллифнинг фикрича, телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришни ва инвестицион жалб қилувчанликни оширишда маркетинг ёндошувини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки телекоммуникация хизматлари бозорида кучли рақобат мухити шаклланган ва бу рақобат мухитини асосий элементлари сифатида кўйидагиларни келтириш мумкин:

- бозорда катта ҳажмга эга бўлган хорижий инвестицияли корхоналарни фаолият юритиши;
- анъанавий телефон алоқаси ўрнини мобил алоқа тизими эгаллаётганлиги;
- Интернет хизматлари бозорини ривожланиши;
- рақамли телевединия тизимини жадал ривожланиши;
- барча бозор иштирокчилари томонидан кенг миқёсда қўшимча хизмат турларини жорий этилганлиги;
- симсиз алоқа тизимини шаклланганлиги ва ривожланиш даражасини юқорилиги;
- истеъмолчиларнинг янги замонавий телекоммуникация хизматларига бўлган талабини юқорилиги.

Демак, бугунги кунда телекоммуникация соҳаси бошқарувига ҳам маркетингли ёндашув мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хозирги пайтда бутун дунёда телекоммуникация хизматлари маркетингини бошқариш тизими ва унинг ташкилий тузилмаси буни янгича мушоҳада қилиш ва ислоҳотлар ўтказишдан иборат тадрижий ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Бу ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларининг жадаллик билан ривожланиши, бозор муносабатлари ривожининг асосий қонуниятлари қарор топиши ва янги ўйналишлар пайдо бўлиши, иқтисодий муносабатларнинг, шу қаторда ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларининг глобаллашуви билан боғлиқдир.

Маркетинг бошқаруви тизими миллий ва жаҳон бозорларида рақобат кураши воситаси сифатида фаол кўлланилади. Замонавий маркетинг бошқаруви катта бизнеснинг асоси ҳисобланади.

Шу сабабли бугунги кунда ахборот-коммуникация соҳаси субъектлари ҳакиқий маркетинг бошқарувнинг бош фалсафаси эканлигини, фақат унга таянибгина корхона узок муддатли

муваффакиятга эришиши, унинг ёрдамидагина рақобат мұхитида омон сақланиб қолиши мүмкінлигини тушуниб етмокдалар.

Маркетинг илмий йұналишининг асосчиларидан бири Ф.Котлер бу түшунчага қуидагича таъриф беради: «Маркетинг бошқаруви — ташкилотнинг мақсадыға эришиш учун мақсадлы міжозлар билан манбаатлы алмашинувларни ўрнатып, мустажкамлаш ва сақлаб туришга мүлжалланған тадбирларни таҳлил қилиш, режалаштириш, ҳәётта тадбиқ этиш ва амалға оширилишини назорат қилишдір» [2.35.40 б.].

Шундан келиб чиққан ҳолда, «маркетингни бошқариш» түшунчасини А.Н.Аріпов ва Т.К.Иминовлар қўйидагича таърифлашади: “Ахборот-коммуникация соҳасининг пировард мақсадларига эришиш учун мақсадлы міжозлар билан манбаатлы муносабатларни ўрнатып, уларни сақлаб туриш ва кенгайтиришга мүлжалланған дастурларни таҳлил этиш, режалаштириш, ҳәётта тадбиқ этиш ва амалға оширилишини назорат қилишдір”. Яъни, менежментни ривожлантиришнинг асосий мақсади амалдаги менежмент тизимини ислоҳ қилиш бўйича дастурий йұналишлар ва тадбирларни ишлаб чиқиши асосида ахборот-коммуникация соҳасидаги фойда ва даромаднинг янада ўсиб боришини таъминлашдан иборатдир [2.20.58 б.].

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида телекоммуникация корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш муаммосини ечишда маркетингли ёндашув асосий хисобланади. Бунда маркетингнинг асосий вазифаси истеъмолчи истаган ерда ва вактда унга хизматни юқори сифатли даражада кўрсатиш бўлиб чиқади. Маркетинг корхонанинг бозорга мүлжалланған бошқарув тизими бўлиб, кўйилган мақсадларга эришиш учун турли усул ва воситаларни кўллади. Бунда унинг асосий мақсадлардан бири бу корхонани ишлаб чиқариш фаолиятини, ўз хизматларини истеъмолчиларга қараб йўналтириш хисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра “Ўзбектелеком” АҚ кўрсатаётган хизматлар бўйича асосий рақобатчилари билан қиёсий таҳлили қўйидаги 2.2.2-жадвалда келтирилган.

Демак, мавжуд тармоққа асосан универсал хизматлар кўрсатиш бўйича акциядорлик компанияси телекоммуникация соҳасида мо-

нополист ҳисоблансада, қўшимча хизмат турлари бўйича кучли рақобатчиларга эга. Бу эса ўз навбатида маркетинг фаолиятини кучайтиришни талаб этади. Шу нуктаи назардан келиб чиқсан ҳолда бизнинг фикримизча “Ўзбектелеком” АКни имкониятларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналарда бозор шароитида янгича ишлашлари учун корхонага ёрдам берувчи ва бозор шароитида фойда олишга, бозорда ўз ўрнини топишда ёрдам берувчи маркетингта эҳтиёжлари пайдо бўлиши керак. Ҳозирги кунда телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, айрим хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик ҳолатининг юзага келиши шароитида иш юритиш телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустаҳкам бозор сегментига эга бўлишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш мухим аҳамият касб этади.

## 2.2.2-жадызы

“Айтекстеском” АК инвеститион жолидар таралууларинан бүткүнгө ассоциирақтарының бүткүнгө ассоциирақтарының көбөйлөштөө

№	Назарет түрлөрүнүү номи	Рақобатчилар	Рақобатчилар устунашты	“Үзбектелеком” АК түрлөрүү Монополист	“Узбектелеком” АК түрлөрүү Монополист
1.	Универсал жыныстар				
2.	Интернет жыныстар	«East Telecom» АК, «Саркор-телефон», «Нафтов», «Шарк телеком» на б.к.	Янни алдырот технологияларының бүткүнгө юкори таралыла гальминантанчик та масалалын калыптар	Янни тарык чалалуу2	“Үзбектелеком” АК түрлөрүү Монополист
3.	Мобайл атоска жыныстары	UNIS, Билайн, Ucell, Perfectium mobile	Күчтүү инвеститион сүйсөт, замондай менежмент тизими, янын технологик жарандырлардан фойдаланыш	Янни тарык чалалуу2	“Үзбектелеком” АК түрлөрүү Монополист
4.	Элекtron	Раунет, SMS-шлюз на башкаштар	Янни алдырот технологияларының бүткүнгө юкори таралыла гальминантанчик тегерлик, мөдөннөлүк борборорук та килини	Сифатын аймактар кургалыш	

“Мындаштар” төмөнкүлөнүү таралуулар

**Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятининг SWOT таҳлилини  
2.2.3-жадвалда келтирилган шаклда ифодалаш мумкин.**

### **2.2.3-жадвал**

#### **«Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятининг SWOT таҳлили<sup>1</sup>**

<b>Устунликлар</b>	<b>Имкониятлар</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– мамлакат ва соҳа раҳбарияти томонидан кўллаб қувватланиши,</li> <li>– универсал хизматларни кўрсатиш бўйича монополист эканлиги,</li> <li>– мамлакатнинг барча аҳоли яшовчи пунктларида телефон станцияларнинг мавжудлиги,</li> <li>– маҳаллий телекоммуникация бозорида тўлиқ устунлиги,</li> <li>– хизмат турлари кенглиги ва уларнинг ижтимоий аҳамиятга эгалиги</li> <li>– алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича катта тажриба мавжудлиги,</li> <li>– юкори малакали ишчи кучи ва персонални бошқариш тизими,</li> <li>– ягона тармоқнинг мавжудлиги,</li> <li>– ижобий молиявий натижага эгалиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– мустаҳкам ҳукукий тизмининг мавжудлиги,</li> <li>– давлат буюртмаларининг мавжудлиги,</li> <li>– инвесторларни жалб қилиш имкониятларининг юкорилиги,</li> <li>– амалий ҳамкорлик ва бирлашув стратегиясини тузиш имконияти,</li> <li>– маркетинг тадқиқотларини ўтказиш имконияти,</li> <li>– юкори сифатли хизмат кўрсатиш тизимининг мавжудлиги.</li> </ul>
<b>Занфликлар</b>	<b>Хавф-хатарлар</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– ускуналарнинг жисмоний ва маънавий эскириши,</li> <li>– ходимларнинг янгиликларга салбий муносабати,</li> <li>– реклама ва маркетинг сиёсатининг сустлиги,</li> <li>– мижозлар билан ишловчи ходимлар салоҳиятининг пастлиги,</li> <li>– ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражасининг пастлиги,</li> <li>– инновацион хизматларни жорий этиш даражасининг пастлиги,</li> <li>– йирик шаҳарлarda рақобатбардошлик даражасининг пастлиги,</li> <li>– рентабеллик даражасининг пастлиги,</li> <li>– ходимлар моддий манфаатдорлигининг пастлиги,</li> <li>– катта микдордаги қарзларнинг мавжудлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– мобил алоқа ва интернет хизматлари бўйича ракобатнинг кучлилиги,</li> <li>– инфляциянинг оз бўлсада мавжудлиги ва алмашув курслари риски,</li> <li>– малакали маркетологларнинг етишмаслиги</li> <li>– кадрлар кўнимсизлигининг юкорилиги.</li> </ul>

<sup>1</sup> Муалиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, «Ўзбектелеком» АҚ маркетинг фаолиятини мувофиқлаштиришда ва телекоммуникация хизматлари самарадорлигини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб боришда авваламбор юқорида келтирилган ҳолатлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **2.3. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг индикаторлар тизимини шакллантириш**

Фаровонликни ошириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланадиган телекоммуникация технологияларини ривожлантириш Ўзбекистон давлат сиёсатининг асосий устуворликларидан бири бўлиб бормоқда. Ўзбекистоннинг ривожланиб бораётган жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг тезлиги унинг сиёсий институтлар ва бошқарув механизмларини тезда такомиллаштира олиш қобилиятига боғлиқ. Шу маънода, институционал ислоҳотларни асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган телекоммуникация технологиялари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун улкан имкониятлар тақдим этади. Ахборотлаштиришни ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий технологияларни, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ва улардан фойдаланиш, фуқароларни ахборотга бўлган ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Биз, аввало, юқорида келтирилган ва бошқа илмий адабиётлардан олган назарий қарашларимиз асосида телекоммуникация хизматлари бозорига қуидагича таъриф беришни ўринли деб топдик, яъни, телекоммуникация хизматлари бозори – бу сотувчилар ва харидорларнинг замонавий ахборот, компьютер ва телекоммуникация технологияларининг биргаликдаги тўплами ёрдамида маълумотларни масофадан узатиш ва қабул қилиб олиш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатларидир.

Ҳозирги вақтда ҳаётимизга турли-туман телекоммуникация хизматларининг кириб келиши жуда сезиларли бўлмоқда. Булар маълумотлар узатиш – Интернетдан юқори тезликли фойдаланиш, тармоқ дисклари (виртуал диск макони), Интернетдаги шахсий файлли ресурслар, ўйинли серверлардан фойдаланиши ва бошқалар; овозли хизматлар – маҳаллий ва шаҳарлараро телефония, IP орқали радиоэшигтириш; видео – хизматлар – IP орқали телекўрсатув; пулли видеоканаллар, талабга кўра видео, видеотелефония, видеоконференцалоқа хизматлари, видеокўрсатув, ўйинли видеоприставка ва бошқалардир. Мумкин бўлган хизматларнинг келтирилган рўйхати уларнинг истеъмол хоссаларини аниқлаш ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бозорида талаб қилиниш даражасини баҳолаш имконини бермайди. Бирок, мақсадли бозорнинг бир нечта сегменти – хусусий ва корпоратив истеъмолчилар, иқтисодиёт секторларининг мавжудлиги маълум. Телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш, айниқса, иқтисодиёт секторларида, мамлакат иқтисодиёти ўсишининг ҳамда ахоли бандлигининг қучли ҳаракатлантирувчи кучи хисобланади. Масалан, Европа комиссиясининг маълумотларига кўра, Европа ҳамжамияти ялпи ва меҳнат унумдорлиги ўсишининг 40 фоизи телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш туфайлидир. Шубҳасиз, ривожланган мамлакатлар ўргасида иқтисодий ютуқлардаги фарқ, кўп жиҳатдан, телекоммуникация секторига қўйиладиган инвестициялар даражаси, бу соҳадаги тадқиқотларнинг кенглиги ва чукурлиги, шунингдек, ахборот жамиятининг рақобатбардошлилиги билан изоҳланади.

Замонавий компаниянинг ишдаги муваффақиятлари, фаолиятнинг қайси соҳасида ишламасин, унинг ахборот структураси билан узвий алоқадорликда. Телекоммуникация технологиялари компания ва корхоналарнинг фаолиятига, амалий жараёнларни тезлаштирган ҳамда оптималлаштирган ҳолда, таъсир этибгина қолмай, бу жараёнларнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ахборот технологиялари, уларга қўйилган маблағлар энг юқори даражада манфаат келтириши учун, амалий жараёнларнинг ривожлантирилиши ҳамда улар суюнадиган инфраструктуранинг такомиллаштирилиши параллел амалга оширилиши керак. Ўзбекистонда йилдан-йилга миллий иқтисодиётнинг турли секторида ахборот-коммуникация

технологиялари (АКТ) жорий этиб борилмокда. Ахборот-коммуникация ва телекоммуниация технологияларининг иқтисодий кўрсаткичлар ўсишига бошқарув тизимини такомиллаштиришга, алоҳида компанияларда ва иқтисодиёт секторларида ҳисобга олиш ҳамда ҳисоботнинг оптимал тизимларини яратишга бўлган таъсирини таҳлил қилиш, унинг юқори самарадорлигини қўрсатди. Ахборот жамияти – бу давлат бошқарув органлари, хусусий сектор, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти ўртасида янги, янада ишончли муносабатлар асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи восита сифатида ахборот-коммуникация технологиялари кўлланиш гоясига асосланган концепциядир. Бу барқарор ривожланиш йўлига ўтган ҳар бир мамлакат ўтадиган объектив жараёндир. Мамлакатимиз ҳам бу жараёндан четда эмас, у глобал ахборот жамиятини шакллантиришда тобора фаол қатнашмоқда. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси келажакда ахборот жамияти сари интилишга, унинг учун замин яратишга ҳамда уни шакллантириш шарт-шароитларига қаратилган. Бундай стратегия Ўзбекистонга тўла хукукли ҳамкор сифатида жаҳон иқтисодий маконига кўшилиш имконини беради. Бугунги кунда Ўзбекистонда АКТ, телекоммуникация технологияларини ривожлантириш, унинг афзалликларини ҳис қилиш ошиб бормоқда. Унинг таъсири давлат структуралари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида, ижтимоий соҳа, фан ва таълим ҳамда одамларнинг яшаш тарзида сезилади. У одамларга ўз имкониятларидан кенг фойдаланиш имконини беради ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш, фаровонликни ошириш, демократия, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадларига эришишга хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»-ги Конунига мувофиқ ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат ва жамият қурилиши соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида 2012 - 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида АКТни янада жорий этиш ва ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.

АКТни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21-мартдаги 1730-сонли қарорига биноан ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантиришнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

– давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ахборот тизимларининг босқичма-босқич интеграциялашуви асосида миллий ахборот тизимини шакллантиришни таъминлаш;

– давлат органларининг ўз функцияларини бажаришда тезкорлик ва сифатни оширишга имкон берувчи фаолиятини автоматлаштириш ахборот тизимларини яратиш;

– давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва ахолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, тегишли ахборот ресурсларидан кенг кўламда, шу жумладан, қишлоқ жойларда фойдаланишини таъминлаш;

– ахборот ресурслари, технологиялари ва тизимларини, шу жумладан ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларини ривожлантириш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бошқариш тизимини такомиллаштириш;

– миллий ахборот тизимининг ахборот хавфсизлигини, унинг ахборот тизимлари ва ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш бўйича аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида ахборот-коммуникация, банк, суғурта, лизинг, сайёхлик-экскурсия ва бошقا замонавий юқори технологик ва бозор иқтисодиётига мос хизмат турлари илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Шу билан бирга кўрсатилаётган хизматларнинг эришилган даражаси ва сифати, айниқса қишлоқ жойларда, иқтисодий ривожланган мамлакатлар даражасига, республика аҳолисининг реал талабларига, мавжуд ресурслар ҳамда имкониятларга тўлиқ мос келмайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, авваламбор қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқти-

содиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигига юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манбаатдор вазирлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилди.

2013 йили иқтисодиётнинг барча тармоқларига ва кундалик ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масаласига ўта муҳим эътибор қаратилди. Хусусан, «Шаҳарлараро коммутация марказларини янги авлод тармоқ технологиялари асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш» (NGN), «FTTX технологияси бўйича кенг қамровли форматда фойдаланиш имконини берадиган оптик тармоқларни ривожлантириш», «Ўзбекистон Республикаси минтақаларида EVDO технологияларини жорий этиш орқали CDMA-450 мобил тармоғини ривожлантириш» ва бошқа бир қанча йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Ушбу лойиҳаларнинг самарали ниҳоясига етказилиши дунёning замонавий алоқа ва ахборот воситалари юқори даражада ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилиш, ишбилармонлик соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича қўшимча имкониятлар яратади. Мамлакатимиз аҳолисининг 45 фоиздан зиёдини рақамли телевидение билан қамраб олишни кўзда тутадиган 5 та рақамли телевизион узаттични Жиззах, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ўрнатилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Электрон тијкоратни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси онлайн карточкалардир. Бугунги кунда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни Интернет орқали тўлаш мумкин. Айни вактда буларнинг барчаси замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича келгуси йилларда амалга оширишимиз зарур

бўлган кенг кўламли чора-тадбирлар тизимидағи дастлабки қадамлар бўлиб, бу ишларни изчил давом эттиришимиз лозим.

Давлат бошқарув органлари ҳамда барча манбаатдор ташкилотларни ривожлантириш мақсадида АҚТ ни қўллаш бўйича кўмаклашиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йил 31 декабрдаги 355 сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси 2013 - 2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича АҚТни жорий этиш самарадорлигини баҳолаш методикаси ҳамда жорий этилиши ва ривожланиши рейтингли баҳоланиши керак бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рўйхати тасдикланди. Бундан ташқари АҚТни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилиши самарадорлигини баҳолаш учун тақдим этиладиган ахборотларнинг сифати ва ишончлилигини ўрганиш тизими жорий этилди. NIS.UZ идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизимини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни қабул қилиш, ишлов бериш ва саклаш бўйича такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилди.

Шу қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳар йили 20 июнгача Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тегишли рўйхат бўйича индикаторларни кўллаган ҳолда аниқланадиган Ўзбекистон Республикасида АҚТни ривожлантириш ҳолати кўрсаткичлари тақдим этилиши ушбу соҳага бўлган эътиборни кўрсатиб келмоқда.

### 2.3.1-жадвал

## Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг ҳолатини аниқлашда кўлланиладиган индикаторлар тизими<sup>1</sup>

T/р	Индикатор	Ўлчов бирлигни	Изоҳ
<b>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этиладиган кўрсаткичлар</b>			
1.	Ўзбекистон Республикасининг жинслар бўйича доимий аҳолиси сони	киши	ҳисобот йили охиридаги ҳолати бўйича тақдим этилади
2.	Бир йилда жинслар бўйича иктисодий фаол аҳолининг умумий сони	киши	ҳисобот йили охиридаги ҳолати бўйича тақдим этилади
3.	Жинслар бўйича алоқа соҳасида ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш учун қабул килинадиган ходимлар сони; улардан бир йилда электр-радио-уяли ва пейжинг алоқа соҳасида	киши	ҳисобот йили охиридаги ҳолати бўйича тақдим этилади
4.	Аҳоли пунктларининг умумий сони	та	ҳисобот йили охиридаги ҳолати бўйича тақдим этилади
5.	Уй хўжаликларининг ҳисоблаб чиқилган сони	та	ҳисобот йили охиридаги ҳолати бўйича тақдим этилади
6.	Компьютерларга эга бўлган уй хўжаликлиари улуши	%	социологик сўров на-тижалари бўйича тақдим этилади
7.	Интернет тармоғидан фойдаланадиган уй хўжаликлиари улуши	%	социологик сўров на-тижалари бўйича тақдим этилади
8.	Ишлаб турган корхоналар ва ташкилотлар сони	та	ҳисобот йили охиридаги ҳолати бўйича тақдим этилади

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан умумлаштирилган

9.	Интернет тармоғидан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар сони	та	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйича тақдим этилади
10.	Локал ҳисоблаш тармогинга эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар сони	та	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйича тақдим этилади
11.	Компьютерларга эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар сони	та	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйича тақдим этилади
12.	Ялпи ички маҳсулотда АҚТ тармоғи улуши	%	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйинча тақдим этилади
13.	Корхоналар ва ташкилотлардаги ком-пьютерлар сони	та	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйинча тақдим этилади
14.	Интернет тармоғига уланган абонентлар сони	бирлик	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйича тақдим этилади
15.	Соғликни саклаш органлари ходимлари сони	киши	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйича тақдим этилади
16.	Маданият тармоғи ходимлари сони	киши	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйича тақдим этилади
17.	Асосий нархларда товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш	млн сўм	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйича тақдим этилади
18.	АҚТ соҳасида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми	млн сўм	Давлат алоқа вазир-лиги томонидан белгиланган рўйхат бўйича тақдим этилади
19.	Товарлар ва хизматлар экспортининг умумий ҳажми	минг АҚШ доллари	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйича тақдим этилади
20.	АҚТ соҳасида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми	минг АҚШ доллари	Давлат алоқа вазир-лиги томонидан белгиланган рўйхат бўйича тақдим этилади
21.	Товарлар ва хизматлар импортининг умумий ҳажми	минг АҚШ доллари	хисобот йили охирида-ги ҳолати бўйича тақдим этилади

22.	АКТ соҳасида товарлар ва хизматлар импорти ҳажми	МИНГ АҚШ доллари	Давлат алоқа вазирлиги томонидан белгиланган рўйхат бўйича тақдим этилади
<b>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тақдим этиладиган кўрсаткичлар</b>			
23.	Давлат бошқаруви органларининг ресурслари умумий ҳажмидаги АКТга харажатлар улуси	%	-
<b>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги томонидан тақдим этиладиган кўрсаткичлар</b>			
24.	Хисобот даврида АКТ соҳасида мутахассисликлар ва йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларини битириувчилар сони	киши	-

Кўриб турганимиздек телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантириш учун хукумат томонидан олиб борилаётган оқилона сиёsat натижасида нафақат хизматларнинг ўсиш суръатларини таъминлаш, балки янги хизматларни ишлаб чиқиши, худудлар бўйича уларни тўғри тақсимлаш кўзда тутилмоқда. Бу эса келажакда миллий телекоммуникация хизматлари бозорини ривожланишига турткни бўлади.

## **III БОБ. БОЗОРДАГИ РАҶОБАТНИ ЎСИШИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ БАҲОЛАШ**

### **3.1. Телекоммуникация соҳаси инвестицион жозибадорлигини ўсиши ва телекоммуникация бозори ривожланишининг тенденцияларини таҳлил қилиш**

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва эркинлаштириш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилаётганлиги натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида телекоммуникация хизматларига бўлган талабнинг ортиб бориши, иқтисодиётни эркинлаштиришга олиб келди. Ҳозирги кунда ахборот ва компьютер технологияларисиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Қайси соҳани кўрмасак, уларнинг ривожланиши ва шаклланишида ахборот технологияларнинг ўрни бекиёс. Барча соҳаларда бўлгани каби телекоммуникациялар соҳасида ҳам бозор муносабатларини шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шунингдек, ушбу хусусиятлар ҳар бир давлат учун маълум бир миллийликни вужудга келтиради. Мустақиллик йилларида шаклланиб, ривожланиб келаётган мамлакатимиз телекоммуникациялар хизматлари ҳам маълум бир ўзига хос йўналишлари билан ривожланмоқда.

Телекоммуникация соҳасидаги компаниялар, жамиятлар ва корхоналар томонидан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга оид ҳукumat қарорлари билан белгиланган дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича мамлакатимизда ҳозирга қадар тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Замонавий телекоммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш бўйича эришилган натижаларни кўрадиган бўлсак, ушбу соҳага бўлган эътиборни баҳолаш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳукуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш

ва инвестицион мухитини янада яхшилаш иқтисодий ривожланиш соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишининг амалий механизмини барпо этиш, мана шу асосда мамлакатдаги инвестиция мухитини янада яхшилашда МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ҳисобланади.


3.1.1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2011 йил ҳисобот даври давомида телекоммуникация соҳасидаги корхоналар томонидан 1874,0 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилди (2010 йилга нисбатан ўсиш суръати – 14,8%), шу жумладан аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 1250,2 млрд. сўмни ташкил этди (ўсиш суръати 12,3%). 2012 йилда эса корхоналар томонидан 2363,7 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилди (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати –19,9%), шу жумладан аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 1555,7 млрд. сўмни ташкил этди (ўсиш суръати 20,8%). 2013 йилда соҳа корхоналари 3081,1 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатдилар (ўсиш 22,5%), жумладан аҳолига алоқа 2064,3 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди (ўсиш 24,5%). 2014 йилда корхоналар томонидан 3700 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилди, ўсиш суръати 22,4%, жумладан аҳолига 2400 млрд. сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилди, ўсиш суръати 21%. 2015 йилда телекоммуникация соҳасидаги корхоналар томонидан 4 180,0 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилди, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 24,1%, жумладан аҳолига алоқа хизматларини кўрсатиш 2 673,0 млрд. сўмни ташкил этди, ўсиш суръати 25,4%. Компьютер дастурлаштириш хизматлари 189,2 млрд.сўмни ташкил этди, ўсиш суръати 21,6%.

Телекоммуникации сонасатын жана көрөнгендан күрсатылған чиңалдар  
 (2011-2015 жылдар учун)\*

Жылдар	2011 жыл	Үсніш суръяты %	2012 жыл	Үсніш суръяты %	2013 жыл	Үсніш суръяты %	2014 жыл	Үсніш суръяты %	2015 жыл	Үсніш суръяты %	Жыныс
Күрсегендегі показни											
1 Уақыттың хамағатар	1874,0	14,8	2363,7	19,9	3081,1	22,5	3700	22,4	4 180,0	24,1	15198,8
2 Ахолинга күрсегендегі шоктау хамағаттары	1250,2	12,3	1555,7	20,8	2064,3	24,5	2400	21	2 673,0	25,4	9943,2
3 Компьютер жасударларының хамағаттары											
Және	1874,0	123	2169,7	155	3081,1	202	3700	243	4 180,0	275	15198,8

\*Ниеткік мәндердің жоғары мәндең мәндердің ишшеб чиңалдары

Инвестиция дастурига киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича жами ўзлаштирилган маблағлари ва йиллик режа бажарилиши куйидаги графикда тасвирланган:




**3.1.1-расм. 2011-2015 йилларда инвестиция дастурининг режа асосида бажарилиши(%)<sup>1</sup>**

2011 йилда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига соҳа бўйича киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича жами 348,05 млн. АҚШ долл. (548,35 млрд. сўм) ўзлаштирилди. (йиллик режа 140 фоизга бажарилди). Тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича 2011 йилда 257,66 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилиши режалаштирилган, 344,99 млн. АҚШ долл. (543,5 млрд. сўм) ўзлаштирилиб, йиллик режа 134 фоизга бажарилган. Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган рақамли телевидение учун қабул қилгич (Set-top box) ларни йигишни ташкиллаштириш (“Навоий” ЭИИЗ) лойиҳаси бўйи.

<sup>1</sup> Йиллик ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Йича йиллик режа 3,06 млн. АҚШ долл. бўлиб, 3,06 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди. (йиллик режа 100%).



### **3.1.2-расм. 2011-2015 йилларда инвестиция дастуридаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича жами ўзлаштирилган маблағлари<sup>1</sup>**

Инвестиция дастуридан ташқари корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 53,9 млрд. сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастурига соҳа бўйича киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича жами 266,7 млн. АҚШ долл. (458,02 млрд. сўм) ўзлаштирилди (ҳисобот режаси 390 фоизга бажарилган). Инвестиция дастуридан ташқари корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 72,3 млрд. сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

2013 йилги Инвестиция дастурига соҳа бўйича киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича 2013 йилда режадаги 236,57 млн. АҚШ долл. ўрнига

<sup>1</sup> Йиллик ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

**3.1.2-жадвал**  
**Телекоммуникация саласында инвестиции дистурниниң бағдарламмалық күрсөткіштері\***

№	Инвестициина настыруннан бекарылыш (млн. АҚШ долл.)	2011 йыл				2013 йыл				2014 йыл			
		Амал да	Река риш (%)										
1.	Тұрғыдан-тұргы жалб қилемнан хорижий сармоялар хисобига амалға оширилаёттан лойихалар бүйінча (млн. АҚШ долл.)	344,99	257,66	134	208,23	189,79	110	199,7	83,8	238			
2.	Корхоналарнан үз маблагатари хисобига амалға оширилаёттан лойихалар бүйінча (млн. АҚШ долл.)	3,06	3,06	100	52,75	46,78	110	31,4	30,1	104			

\*Инвестициялардың асасында мұнайлық тектескендегі тұзметтік

260,98 млн. АҚШ долл. (493,12 млрд. сұм) ўзлаштирилди (режа 110,0 фоизга бажарилди), жумладан, тұғридан-тұғри жалб қилингандың сармоялар ҳисобига режадаги 189,79 млн. АҚШ долл. ўрнига 208,23 млн. АҚШ долл. (393,45 млрд. сұм) ўзлаштирилди (режага нисбатан 110,0 фоиз), корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 2013 йилда режадаги 46,78 млн. АҚШ долл. ўрнига 52,75 млн. АҚШ долл. (99,67 млрд. сұм) ўзлаштирилди (режага нисбатан 110 фоиз).

Соҳа бүйічка киритилген тұғридан-тұғри жалб қилингандың сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилады, лойихалар бүйічка 2014 йилда жами 231,1 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди, режа 203 фоизга бажарилди. Тұғридан-тұғри жалб қилингандың сармоялар ҳисобига амалга оширилаётган лойихалар бүйічка 2014 йилда 83,8 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди, режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 199,7 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди, режа 238 фоиз бажарилган.

Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган лойихалар бўйича 2014 йилда 30,1 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди, режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 31,4 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди, режа 104 фоизга бажарилган.

2015 йилги Инвестиция дастурига соҳа бүйічка киритилген лойихаларга асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда тұғридан-тұғри жалб қилингандың инвестициялар ҳисобига жами 235,48 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди, режа (233,76 млн. АҚШ долл.) 100,7 фоизга бажарилди.

**Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ва  
сотилган маҳсулотлар (2011-2015 йиллар)<sup>1</sup>**


№	Маҳсулотлар Йиллар	2011	2012	2013	2014	2015	Ўз- гариши (+,-)
		2011	2012	2013	2014	2015	
1.	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (млн. сўм)	2 153,0	665,4	9 734,5	17 851,2	15070,0	+12917
2.	Сотилган маҳсулотлар (млн.сўм)	2 153,0	665,4	5316,3	17 311,3	17700,0	+15547
	Фоиз	100	100	55	97	117	+17

“TELMAX ELEKTRONIKS” МЧЖ ИЧК («Koinot» ОАЖ)нинг саноат фаолияти телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган (аналог-рақамли концентраторлар ва бошқа АҚТ ускуналари). Бундан ташқари ҳисобот даврида жамият томонидан 9 790 дона рақамли телевидение сигналларини қабул қиливчи “Set-top-box” курилмаси ишлаб чиқилган. 2011 йилда жамият томонидан жами 2 152,99 млн.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва тўлиқ сотилган. 2012 йилда жамият томонидан 665,4 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва сотилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 123-сон қарорига мувофиқ “Ўзбектелеком” АҚ ва ZTE компанияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумига мувофиқ 2011 йил 30 август куни “Telecom Innovations” МЧЖ ҚҚ (“Навоий” ЭИИХ), “Ўзбектелеком” АҚ ва ZTE компанияси билан DSLAM курилмалари ва ADSL модемларни йиғиш линиялари ишга туширилди. 2012 йилда “Telecom Innovations” ҚҚ томонидан 6,1 млрд.сўмлик 50 500 дона рақамли телевидение сигналларини қабул қилиш ускуналарини (SET-TOP-BOX) ишлаб чиқарилган ва сотилган.

---

<sup>1</sup> Йиллик ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



### 3.1.3-расм. Ишлаб чиқарылған ва сотилған мәхсүлөтлар міндері<sup>1</sup>


2013 йил давомида соңадаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарылған жами маҳсулоттар ўсиши 26,1 % ташкил этган.

2014 йил давомида соңадаги корхоналар томонидан жами 17 851,2 млн. сұмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарылған (2013 йил якуні бүйіч 9734,51 млн.сұм, ўсиш 1,8 баробар), (2012 йил якуні бүйіч 665,4 млн.сұмни, ўсиш 26,8 баробар) ва 17311,3 млн.сұмлик маҳсулот сотилған (2013 йил якуні бүйіч 5316,3 млн.сұм), (2012 йилда бу күрсаткыч 6665,4 млн.сұмни ташкил этган). “TELMAX ELEKTRONIKS” МЧК ИЧК томонидан ҳисобот даврида жами 1813,3 млн.сұмлик маҳсулот ишлаб чиқарылған, “Навоий” ЭИИХда ташкил этилған “TELECOM INNOVATIONS” Күшма корхонаси томонидан ҳисобот даврида 12 892,2 млн.сұмлик маҳсулот ишлаб чиқарылған, “Olive Telecom” Күшма корхонаси томонидан 2013 йил давомида 3145,7 млн.сұмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарылған.

Республика ахолисини рақамли форматдаги теледастурлар билан қамрови 2010 йил якуні бүйіч 20,88% ташкил этган бўлиб 2011 йилда Республика ахолисини рақамли телевидение сигналлари билан таъминлаш қамрови 37,55 % га етказилди.

“Рақамли интерактив телевидение хизматларини кўрсатиш тизимини куриш” лойиҳаси тест режимида ишга тушрилди ва йил якунига IPTV абонентлари сони 1074 тани ташкил этди.

<sup>1</sup> Йиллик ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқылған.



### **3.1.4-расм. Республика аҳолисини рақамли телевидение сигналлари билан таъминлаш қамрови<sup>1</sup>**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли телерадиоэшиттиришга техник ва технологик ўтиш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-1741-сон Қарорига асосан “Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телевиденияни ривожлантириш” лойиҳаси бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ерусти рақамли (төлевизион) эшиттириш тармоғини ривожлантириш лойиҳаси учун Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япония тижорат банкларининг имтиёзли кредитини жалб этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.

Курилмаларни етказиб бериш учун ўтказилган танлов натижалари асосида Япониянинг «Ogawa Seiki Co., Ltd.» компанияси билан умумий суммаси 8 751 343 200 Япония йенаси миқдорида (80,54 млн. АҚШ доллари миқдорида) контракт имзоланди.

Республикадаги оптик толали алоқа линиялари асосида ташкил этилган магистрал тармоқларнинг узатиш тезлиги Тошкентда – 100 Гбит/с, Сирдарё, Жizzах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Андижон,

<sup>1</sup> Йиллик ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Фаргона, Наманганда, - 40 Гбит/с, Нукус, Ургенч, Қарши, Термизда – 30 Гбит/с ни ташкил этди.


Шунингдек, маълумотларни узатиш тармоғи учун IP/MPLS технологияси асосида ҳар бир вилоят марказигача 10 Гбит/с тезлиқда уланиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 октябрдаги Ф-3501-сон фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг ўкув жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича тегишли топшириқлари асосида “Ўзбектелеком” АК маблағлари ҳисобига умумий қиймати 16,2 млн. АҚШ долл. микдоридаги “Электрон таълим” миллий тармоғини барпо этиш лойиҳасининг биринчи босчик ишлари якунланиб, оптик толали алоқа линиялари асосида ташкил этилган корпоратив тармоқقا 80 та олий таълим муассасаларининг асосий обьектлари уланди ҳамда масофавий таълимни ташкил этиш учун керакли видео-конференция ускуналари ўрнатилиб ишга туширилди.

Кенг полосали телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчилар сонини 100 мингта етказиш бўйича белгиланган топшириқ асосида олиб борилган ишлар натижасида 2011 йилда республика бўйича ўрнатилган портлар сони 243,08 мингтани, фойдаланилган портлар сони эса 147,76 мингтани ташкил этди.

2012 йилда умумий ўрнатилган портлар сони 378 мингтани, фойдаланилган портлар сони эса 202,7 мингтани ташкил этди.

2013 йил мобайнида эса кенг полосали телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчилар сонини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида, умумий ўрнатилган портлар сони 575 145 тани, фойдаланилган портлар сони эса 288 997 тани (жорий йил бошига ўрнатилган портлар сони 378 минг тани, фойдаланилган портлар сони эса 202,7 минг тани) ташкил этган.



### **3.1.5-расм. Кенг полосали телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчилар сонини ошириш бүйича умумий ўрнатилган ва фойдаланилган портлар сони (минг дона)<sup>1</sup>**

Жорий йилнинг бошига нисбатан ўсиш мос равища 152,2%, 142,6%ни, 2012 йил бошига нисбатан ўсиш мос равища 2,4 баробар, 1,96 баробарни ташкил этди. FTTx технологияси асосида модернизациялаш ва ривожлантириш бүйича кўп қаватли биноларда 150 547 порт сифим орқали FTTB технологияси асосида ахолига хизмат кўрсатиш имкони яратилиб, бугунги кунга қадар 38 325 та абонентлар уланди (жорий йил бошига ўрнатилган портлар сони 66 294 тани, фойдаланилган портлар сони эса 13 803 тани ташкил этган).

- маълумотларни узатиш тармоғи бўйича олинган даромадлар - 7 087 212 млн. сўм

### 3.2.16-жадвал

#### “Ўзбектелеком” АКнинг худудий филиалларида маҳаллий телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар (2011-2014 йилларда, млн. сўм)<sup>1</sup>

№	Худудлар	Йиллар				Ўртача статистик ўзгариши (%)
		2011	2012	2013	2014	
1	Қоракалпогистон Республикаси	3 530 094	3 387 396	3 526 202	3 704 489	102
2	Андижон вилояти	2 494 714	2 288 033	2 431 375	2 537 949	101
3	Бухоро вилояти	3 319 100	3 910 773	4 037 238	4 321 874	109
4	Жizzах вилояти	299 305	311 233	316 191	337 367	104
5	Қашқадарё вилояти	1 166 362	311 233	1 276 296	1 453 045	184
6	Навоий вилояти	2 652 100	2 987 324	3 500 879	3 664 435	112
7	Наманган вилояти	3 384 776	3 908 711	3 515 430	3 926 719	106
8	Самарканд вилояти	833 336	689 388	665 289	794 915	100
9	Сурхондарё вилояти	795 949	495 003	455 683	530 240	90
10	Сирдарё вилояти	879 347	742 656	859 518	943 765	103
11	Тошкент вилояти	2 769 875	2 313 386	2 190 867	2 781 786	102
12	Фарғона вилояти	3 947 056	3 089 877	2 942 877	3 196 476	94
13	Хоразм вилояти	2 460 215	2 499 713	2 523 018	2 656 095	103
	Жами	28 532 229	26 934 726	28 240 863	27 228 879	99

<sup>1</sup> “Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Энг кўп микдордаги олинган даромадлар бўйича шаҳарлараро телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар микдори аиқланди ва у бошқа хизмат турларига нисбатан юқори микдорда даромад келтирганилиги белгиланди.

Компаниянинг худудий филиалларида маҳаллий телефон алоқасининг умумий даромадлари микдори 2011 йилда 28 532 229 млн. сўмни, 2012 йилда 26 934 726 млн. сўмни, 2013 йилда 28 240 863 млн. сўмни ва 2014 йилда эса 27 228 879 млн. сўмни ташкил этди, унинг 4 йил ичидаги ўртacha статистик ўзгариши 99% деб ҳисобланди (3.2.16-жадвал). Кўриниб турибдики 2011 йилдаги жами даромадлар бошқа йиллардагига нисбатан кўп. Худудий жиҳатдан, 2011 йилда энг кўп даромад микдори бўйича Фарғона вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятига тўғри келади. 2012, 2013 ва 2014 йилларда ҳам вилоятлар бўйича унча сезиларли ўзгариш рўй бермаган, Бухоро, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг кўрсаткичлари юқори бўлган.

### 3.2.17-жадвал

**“Ўзбектелеком” АКнинг худудий филиалларида шаҳарлараро телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар  
(2011-2014 йилларда, млн. сўм)<sup>1</sup>**

№	Йиллар Худудлар					Ўртacha статистик ўзгариши (%)
		2011	2012	2013	2014	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3 046 652	2 532 282	2 367 632	2 474 047	94
2	Андижон вилояти	3 320 652	2 641 309	2 562 623	2 770 902	95
3	Бухоро вилояти	4 204 500	3 677 099	3 958 038	3 746 207	97
4	Жizzах вилояти	692 524	577 391	562 746	551 475	93

<sup>1</sup> “Ўзбектелеком” АК Йиллик ҳисботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

5	Қашқадарё вилояти	2 168 099	1 909 800	2 187 443	1 825 588	95
6	Навоий вилояти	3 520 190	3 164 922	2 815 962	3 020 871	95
7	Наманган вилояти	2 865 626	2 966 845	2 899 763	3 019 944	102 <sup>o</sup>
8	Самарқанд вилояти	1 473 414	1 332 984	1 337 303	1 227 172	94
9	Сурхондарё вилояти	1 306 425	1 182 483	1 183 230	1 134 787	95
10	Сирдарё вилояти	1 520 541	1 469 871	1 306 353	1 370 406	97
11	Тошкент вилояти	3 223 020	3 140 480	3 479 429	3 316 656	101
12	Фарғона вилояти	3 069 582	3 320 513	3 048 213	3 077 465	100
13	Хоразм вилояти	3 723 773	3 107 741	2 684 469	2 456 993	87
	Жами	34 134 998	31 023 720	30 393 204	29 629 916	95

Шаҳарлараро телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар бўйича кўрсаткичлар миқдори 4 йил юбайнида пасайган ва ўргача статистик ўзгариши 95 % натижани бермокда (3.2.17-жадвал). Жами даромадлар миқдори қўйидагича: 2011 йилда 34 134 998 млн. сўм, 2012 йилда 31 023 720 млн. сўм, 2013 йилда 30 393 204 млн. сўм ва 2014 йилда эса 29 629 916 млн. сўмдан иборат.

Филиаллар ичидан 4 йиллик даромадлар миқдорида сезиларли ўзгариш сезилмаган ҳудудларга Тошкент Самарқанд ва Наманган вилоятларини киритишимиш мумкин.

2011 ва 2012 йиллар орлиғида даромадлар миқдорига эътибор қаратадиган бўлсак йилдан йилга нисбатан ўсиш фақат Фарғона ва Наманган вилоятларига тўғри келди.

2012 ва 2013 йилларни таҳлил қиласак, кўрсаткичларнинг йилда йилга ошаётганлигини бирмунча вилоятларда кўришишимиз мумкин.

Яъни, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида айнан ўзгаришлар ҳисобланган.

Ушбу асосий хизмат туридан олинган даромадлар микдорининг ўзгариши 2013 ва 2014 йилда бошқа йилларга нисбатан сезиларли даражада фарқ қиласди. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ўтган йилга нисбатан ўсиш кузатилган.

### 3.2.18-жадвал

#### “Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий филиалларида телеграф бўйича олинган даромадлар (2011-2014 йилларда, млн. сўм)<sup>1</sup>

№	Худудлар Йиллар	2011	2012	2013	2014	Ўртacha статистик ўзгариши (%)
1	Қоқақалпоғистон Республикаси	53 511	50 707	58 946	67 063	108
2	Андижон вилояти	24 924	28 271	56 404	121 506	176
3	Бухоро вилояти	14 300	27 235	31 486	64 604	170
4	Жиззах вилояти	7 800	6 640	9 607	15 737	131
5	Қашқадарё вилояти	19 234	18 352	13 299	11 211	84
6	Навоий вилояти	36 700	25 542	35 997	34 582	102
7	Наманган вилояти	48 520	47 126	61 744	85 333	122
8	Самарқанд вилояти	14 028	6 797	5 294	4 166	68
9	Сурхондарё вилояти	142 401	140 047	120 535	92 127	87
10	Сирдарё вилояти	41 001	18 124	14 995	14 641	75
11	Тошкент вилояти	24 000	19 720	30 013	58 976	144
12	Фарғона вилояти	58 000	67 501	74 738	120 753	130
13	Хоразм вилояти	67 450	81 075	63 069	59 044	97
	Жами	551 869	537 137	576 127	612 851	104

“Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий филиалларида телеграф бўйича олинган даромадлар ижобий жиҳатдан ўзгарган, яъни 2011-2014 йилларда ошган (3.2.18-жадвал). Даромадлар микдорининг ўзгарсанлиги ҳисобланган ўртacha статистик ўзгариш кўрсаткичидан ҳам

<sup>1</sup> “Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

кўриниб турибди ва у 104 %ни ташкил этади. Андижон, Жиззах, Тошкент, Фарғона вилоятларида кўрсаткичлар юқори тезликда ўзгарган, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида даромадлар миқдорининг пасайиши аниқланди.

### 3.2.19-жадвал

#### 2011-2014 йилларда “Ўзбектелеком” АКнинг худудий филиалларида маълумотларни узатиш тармоғи бўйича олинган даромадлар<sup>1</sup>

№	Йиллар Худудлар	2011	2012	2013	2014	Ўртача статистик ўзгариши (%)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	487 295	878 005	1 760 430	3 045 930	185
2	Андижон вилояти	855 364	1 265 309	1 774 167	3 182 334	156
3	Бухоро вилояти	732 100	1 384 479	2 687 492	4 904 316	189
4	Жиззах вилояти	47 400	154 650	303 605	544 039	234
5	Қашқадарё вилояти	300 000	465 762	872 436	1 633 389	177
6	Навоий вилояти	501 900	965 140	1 610 827	2 549 013	172
7	Наманган вилояти	560 000	871 554	1 407 196	2 356 254	162
8	Самарқанд вилояти	111 600	388 552	834 380	1 737 318	257
9	Сурхондарё вилояти	218 922	250 936	459 399	1 013 738	173
10	Сирдарё вилояти	497 995	814 800	1 388 795	2 452 269	170
11	Тошкент вилояти	950 000	2 220 189	4 068 376	6 749 431	194

<sup>1</sup> “Ўзбектелеком” АК Йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

12	Фаргона вилояти	1 427 000	1 255 638	2 048 938	3 727 265	144
13	Хоразм вилояти	397 636	1 138 969	2 070 858	3 652 726	215
	Жами	7 087 212	12 053 983	21 286 899	37 152 967	174

Юқоридаги 3.2.19-жадвалда маълумотларни узатиш тармоғи хизматидан олинган даромадларнинг жами йиллик кўрсаткичлари га эътибор қаратсак, йиллар мобайнида камида бир баробарга ўсиш суръати аниқланди. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу хизмат турининг таркибини Интернет хизматлари ҳам қамраб олади ва ундан тушган даромадлар унинг миқдорини ўзгартиради.

“Ўзбектелеком” АК да интернет хизматлари кўрсатиш жараёнини таҳлил этишда интернет хизматларини кўрсатувчи оператор ва провайдерларнинг вилоятлар кесимидағи фаолиятини ўргангандан ҳолда интернет хизматларини кўрсатишни бир нечта зонага бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади (3.2.20-жадвал).

Бу зоналар кўйидаги кўринишга эга:

- Биринчи зона - Тошкент шаҳри;
- Иккинчи зона – Фаргона водийси (Фарғона, Андижон, Намangan);
- Учинчи зона - Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари;
- Тўртинчи зона – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари;
- Бешинчи зона – Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари.

### 3.2.20-жадвал

**Интернет хизматлари кўрсатувчи оператор ва провайдерларни вилоятлар кесимида бозор улуси таҳлили, %  
(2014 йил ҳолатига кўра)<sup>1</sup>**

№	Оператор ва провайдерлар номи	1 зона	2 зона	3 зона	4 зона	5 зона
1	Ўзбектелеком АК	14,8	60,3	90,1	67,1	76,5
2	East telecom	15,3	14,1	7,2	25,6	14,6

<sup>1</sup> Келтирилган корхоналар Йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

3	Buston	10,3		2,4	7,3	8,2
4	Net city	3,5	9,6			
5	Саркор телеком	27,8				
6	Ars inform	5,1		0,3		
7	Sharq telecom	13,1				
8	Lit tel	1,9				
9	Sunrise	1,8				
10	Albatros	1,4				
11	Cron telecom	1,4				
12	Comnet		2,8			
13	Sinus		7,0			
14	Nukus infocom					0,8
15	Бошқа провайдерлар	3,5	6,0			
	Жами	100	100	100	100	100

Интернет хизматлари кўрсатиши таҳлилини зоналарга ажратган ҳолда ўрганишдан мақсад “Ўзбектелеком” АҚ турли вилоятларда бозор улушкини турлича бўлганлиги ҳамда турли вилоятларда турли оператор ва провайдерларнинг хизмат кўрсатиши сабаб бўлади.

Интернет хизматлари кўрсатувчи оператор ва провайдерларни вилоятлар кесимида бозор улushi таҳлилига кўра фақат Тошкент шаҳрида ўта қаттиқ даражадаги рақобат борлигини кўришимиз мумкин бўлади. Тошкент шаҳрида 1 % дан ортиқ бозор улушкига эга бўлган 11 та интернет оператор ва провайдерлар фаолият юритмоқда. Шунингдек бозор улushi 1 % дан кам бўлган оператор ва провайдерларнинг умумий улushi 3,5 % ни ташкил этган. 2014 йил якунларига кўра Тошкент шаҳрида бозор улushi энг юқори бўлган оператор сифатида Саркор телеком (27,8%) қатнашмоқда. Маълумот узатиш бўйича миллий оператор ҳисобланган “Ўзбектелеком” АҚ 14,8 % билан учинчи ўринда бормоқда. Қизиқ бир ҳолатга эътиборни қаратиш лозим, Саркор телеком бевосита “Ўзбектелеком” АҚ транспорт тармоғидан, яъни каналларни ижарага олган ҳолда фаолият юритади. Бу ҳолатда ҳам Саркор телеком томонидан тўғри инвестиция сиёсати олиб борилганлиги сабабли рақобат кучли бўлган Тошкент шаҳрида энг илғор интернет оператор бўлиб турибди.

Саркор телеком ўз фаолиятини фақат Тошкент шаҳрига қаратган, республикамизнинг бошқа вилоятларида ушбу интернет про-

вайдер фаолият олиб бормаяпти. Агар Саркор телеком вилоятларда ҳам ўз хизматларини тақдим этиш бўйича инвестиция сиёсатини олиб борадиган бўлса, рақобат кучсиз бўлган вилоятларда ҳам интернет хизматлари бозорида асосий сегментга эга бўлиши шубҳасиз. Чунки вилоятларда асосий бозор сегменти “Ўзбектелеком” АК га тегишли ва вилоятлардаги интернет хизматлари бозорида 5-6 нафар иштирокчи, жумладан, тўртингчи зона – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида фақат З оператор фаолият олиб бормокда холос. Жумладан, иккинчи зонада (Фарғона водийси) бозор улуши 2 % дан юқори бўлган 5 та оператор фаолият кўрсатмоқда. Бозор улуши 2 % дан кам бўлган операторлар улуши умуман олганда 6,0 % ни ташкил этган. Бозордаги асосий улуш “Ўзбектелеком” АК га тегишилдири, яъни 60,3 %. Умуман олганда фақат “Ўзбектелеком” АК ва East telecom бутун республика бўйлаб интернет хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Умуман олганда интернет хизматлари кўрсатиш бўйича мамлакатимизда ижобий натижалар кузатилмоқда. Лекин шу билан бир қаторда “Ўзбектелеком” АК мисолида фойдаланилмаётган имкониятларда самарали ва унумли фойдаланиш бўйича амалий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **3.2.21-жадвал**

#### **Компаниянинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари<sup>1</sup>**

т/р	Кўрсаткичлар номи	2013 йил	2014 йил	Меъёр дарајаси
1	Ўзининг айланма маблағлари билан таъминлаш коэффициенти	0,4	0,2	> 0,2
2	Тўлов қобилиятлилик коэффициенти	1,9	1,27	> 1,25
3	Жорий активларнинг рентабеллиги	0,03	0,05	> 0
4	Карзга олинган ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти	3,8	2,0	> 1

“Ўзбектелеком” АК амалга ошираётган турли фаолиятларининг натижаси 3.2.21-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга айниқса, рентабеллик кўрсаткичига асосланиб аниqlанади. Инвестиция лой-

<sup>1</sup> “Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

иҳаларининг бажарилиш жараёни ва унинг самарадорлиги бир нечта босқичларда ҳисоблаб чиқилади. Белгиланган тартибда меъёр даражасидан ошмайдиган кўрсаткичлар компаниянинг самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва кучли ракобат имкониятларига эга бўлиши учун кўйидаги омилларни эътиборга олиш ва чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Тошкент шаҳрида мавжуд кучли рақобат муҳитини ҳисобга олган ҳолда замонавий интернет хизматларини кўрсатишни таъминлаш мақсадида технологик жараёнларни янгилаш учун инвестиция сиёсатини устувор йўналишларини аниқлаш. Агар “Ўзбектелеком” АК Тошкент шаҳрида рақобатни бой берадиган бўлса, бу ҳолат вилоятларга ҳам ўз таъсирини ўтказади ва пировард натижада интернет хизматлари бозор улушини пасайишига олиб келиши мумкин;

- Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи операторлар ҳам интернет хизматларини кўрсатиш жараёнида фаол иштирок этаётганлигини ҳисобга олган ҳолда вилоятларда ҳам барқарор бозор улушига эга бўлишини таъминлаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш;

- “Ўзбектелеком” АК тармоғини ривожлантириш ва такомилаштириш ҳамда истемолчиларнинг истиқболдаги талабларини тўлиқ қондириш мақсадида HDSL, ADSL, FTTH, Wi-Fi, Wi-Max, 3G каби илғор технологияларни кўллаган ҳолда кенг полосали абонент тармоқларини тараққий этириш лозим;

- “Ўзбектелеком” АК тармоғи орқали рақамли ТВ ҳамда радиоэшилтиришларни жорий қилиш ва такомилаштириш, интеллектуал ва бошقا хизматлар (Triple play, IP-TV, видеоХизматлар ва ҳоказо) ни ривожлантириш бўйича истиқболли режалар ишлаб чиқиш ва бу жараёнларга инвестицияларни жалб этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу эса ўз – ўзидан компаниянинг битта ёки бир нечта сотув маркаларини профессионал тақдим этишини талаб этади. Бундай ёндашиб кўйидагиларни эътиборга олиши керак:

А. Юридик омил – брэнд ва суб-брэндларни хукукий ҳимоялаш ва легаллаштириш;

Б. Брэнд ва суб-брэндларни қабул қилиши онгли омили – фалсафий, яхшилик ва юқорилик рамзи сифатида қабул қилиш;

В. Қабул қилишнинг эстетик омили – яъни яхши (гармоник) эшитилиши ва чиройли визуал кўриниши;

Г. Қабул қилишнинг онгсиз омили – брэнд ва унинг элементлари-нинг эсда қолиши ҳамда уларнинг ижобий маъно ва ижобий ҳисси-ётлар билан боғланиши ҳамда суб-брэндларнинг ўзаро боғланиши;

Д. Иқтисодий омил – тўлақонли номоддий актив сифатида брэндни капиталлаштириш имконияти, яъни уни стандартлаштириш ва тизимлаштириш;

Е. Рекламанинг унумдорлиги омили – рекламага сарфланган ҳар бир сўмнинг оператив қайтарилишини максималлаштириш.

Бугунги кунда санаб ўтилган омилларнинг биттаси ҳам Компаниянинг брэндлари ва суб-брэндларини тақдим этишда тўлақонли ишлаб чиқилмаган ёки ҳал қилинмаган. Кейинги беш йил учун Компания олдига қўйилган мақсадлар ва режалаштирилган ривожланиш динамикаси Компания бошқарувини ушбу лойиҳани биринчилар қаторига кўшишга ва Компания ривожланишида брэндингта профессионал ва тизимли ёндашишнинг ўқклиги сабабли вужудга келадиган рискларни тамоман бартараф этишга мажбур қиласи.

Умуман олганда бозор талабаридан келиб чиқсан ҳолда “Ўзбектелеком” АК истеъмолчиларнинг истиқболдаги талабларига мос равишда инвестиция жараёнларини бошқаришни такомиллаштириши ва ривожлантириши мақсадга мувофик ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд хизматлар ёки технологик жараёнларни ривожлантиришда истеъмолчиларнинг келгуси талабларини инобатга олиш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация ва маълумот узатиш соҳаси бўйича миллий операторнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

### **3.3. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида телекоммуникация соҳаси корхоналари инвестиция фаолиятини бошқариш тизимини шакллантириш хусусиятлари**

Мамлакатимизда мустақилик йилларида телекоммуникациялар бозори жаҳон ҳамжамияти талабаридан ва меъёларидан келиб чиқиб такомиллашиб бормокда. Телекоммуникациялар бозорининг

мамлакат миқёсидаги ўрни, жумладан, «Ўзбектелеком» АК нинг бозордаги мавқеига ҳамда фаолиятини ривожлантириш борасидаги қилинаётган ишларга боғлик.

«Ўзбектелеком» АК ўз тармоғи билан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини қамраб олган йирик телекоммуникация оператори ҳисобланади. Ўзининг замонавий технологиялар негизида курилган телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда, компания мутлоқ ва мобил алоқа операторлари ва провайдерларига каналларни изкарага бериш, халқаро ва шаҳарлараро алоқа, товушли алоқа ва маълумотларни узатиш хизматларининг барча турлари, Интернет тармоғидан фойдаланиш, видеоконференцалоқа, CDMA стандартидаги мобил алоқа каби хизматларни кўрсатади, теле ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш учун каналларни ташкил этади.

«Ўзбектелеком» АК Ўзбекистон давлат идоралари ва муассасалари учун телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи етакчи компания ҳисобланади. Компания таркибида 22 та филиал фаолият юритади, улардан 14 таси ҳудудий, 8 таси ихтисослаштирилган филиал ҳисобланади ва 3 та шўйба корхонаси мавжуд. «Ўзбектелеком» АК турғун, шаҳарлараро ва халқаро алоқа, маълумотлар узатиш ва Интернет хизматларини кўрсатувчи саккизта қўшма корхоналарда ўз улушига эга. Телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш натижасида алоқа инфратузилмаси янада яхшиланмоқда. Бутун мамлакат бўйича туман марказлари миқёсида маънавий эскирган аналог телефон станциялари замонавий рақамли станцияларга алмаштирилди. Оптик-толали алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги рақамли каналлар яратилган, тармоқни кенгайтириш ва унинг ишончлилигини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Яратилган инфратузилма симсиз технологияларни, хусусан, мобил алоқани тез суръатлар билан ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Натижада Республика вилоятлари, туман марказлари ва шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоғи билан қамраб олиш даражаси 100 % ни, қишлоқ аҳоли пунктларини телекоммуникация тармоғи билан қамраб олиш даражаси 96,4 % ни ташкил этди.

Фикримизча, компаниянинг бу қадар тезлик билан молиявий ривожланишига у кўрсатаётган замонавий хизмат турларининг шаклан ва миқдоран тез ортиб бораётганлиги, компаниянинг узлуксиз равишда телекоммуникациялар бозорида маркетинг ва молиявий таҳлил ўтказиб бораётганлиги ҳамда ушбу хизматларни компания раҳбарияти томонидан харидорлар талабларидан келиб чиқиб тез ва сифатли жорий этилаётганидир. Масалан, ҳозирда компания томонидан IDD calls, операторлар ёрдамида телефон қилиш (Operator assisted calls), ҳалқаро кириш трафикни қайта ишлаш (Termination of incoming international traffic), коммутацияли транзит (Switched tranzit), канал сигимларини ижарага бериш (Capacity lease), канал сигимларини сотиш (Capacity sales), ТВ узатишларини ташкил этиш (Occasional Use TV Services), маълумот узатиш (FR, X.25, IP), (Data transmission), ISDN уланиш (ISDN connection), HCDS (Home Country Direct Service), Call Back хизматлари, карточкалар орқали ҳалқаро телефон алоқа ҳамда Интернет хизматлари олиш каби ўнлаб турдаги замонавий хизматлар жорий этилган ва уларни харидорларга тақдим этишнинг сифат кўрсаткичлари такомиллаштирилиб борилмоқда.

“Ўзбектелеком” АҚ нинг инвестиция фаолиятини таҳлил қилишда асосан давлат инвестиция дастури асосидаи белгиланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига эътибор қаратишимиз зарур деб хисобладик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2264-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган 2015 йилда янги, амалдаги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш бўйича йирик инвестицион лойиҳаларининг манзилли дастуридан кўчирма сифатида куйидаги 3.3.1-жадвални келтириш мумкин.

### 3.3. I-жадвал

#### Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар<sup>1</sup>

№	Ташаббус ва лоиҳалар турни	Лойиҳалаш куввати	Амалга ошириш муддати
1.	Кенг полосали оптик алоқа тармоқларини куриш	6100 км оптик алоқа тармоқларини куриш	2015-2017 йиллар
2.	“Ўзбектелеком” АК “Uzmobile” миллый алоқа оператори филиалларининг тармоқларини яратиш (II боскич)	База станцияларни ва коммутаторларни, радиореле курилмаларини ўрнатиш	2014-2017 йиллар
3.	Миллый умумтаълим электрон кутубхона (Ўзбекистон Миллый утубхонаси билан ҳамкорликда)	Мултимедиали ахборот ресурсларини ишга тушириш	2014-2015 йиллар
4.	Радиомониторинг ва телерадиоузатиш тизимини модернизация килиш (III боскич) ЭМММ	мавжуд фаолиятни давом этириш	2014-2015 йиллар
5.	Ўзбекистон Республикасида рақамли уатиш тармоғини ривожлантириш	Рақамли узаткичлар ўрнатиш	2015-2017 йиллар
6.	“COSCOM” ХК алоқа тармоқларини техник ва технологик кенгайтириш	26074 млн. дақиқали эфир вақтини тақдим этиш	2015 й.
7.	«Unitel» МЧДК мобил алоқа тизимини кенгайтириш (навбатдаги боскич)	Абонентлар сиғимини 10,8 млн.га ошириш	2015 й.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

**“Ўзбектелеком” АҚда амалга оширилган лойиҳалар (2011 йил учун)\***

<b>№</b>	<b>Лойника номи</b>	<b>Лойника книмати</b>	<b>Молиялаштириш ман- баи</b>	<b>Лойиха максади</b>
1.	“Жиззак-Булунғур ОГАД (отгик толани алоқа линияси) ку- риши”	500 000,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акция- дорлик компаниясининг маблаби хисобидан амал- га оширилди.	Лойихада кўзла тутилган ОТАД Жиззах вилояти ва Самарқанд вилоятларининг төғлиқ ва аҳоли яшаш пунктларини кесиб ўтган бўлиб линиянинг умумий узунлиги 73,26 км ташкил этди.
2.	“Ҳалкаро коммута- ция марказларини кенгайтириш”	2 285 553,2 АҚШ дол- лари	“Ўзбектелеком” акция- дорлик компаниясининг маблаби хисобидан амал- га оширилди.	Лойиха асосида XKM 1 и XKM 4 коммутация тизимлари кенгайтирилди ва реконструкция ки- лиш бўйнча умумий 17174 канал, бунинг асосида XKM 1 томонидан 10850 телефон каналлари ва XKM 4 томонидан 6324 телефон каналларига кенгайтирилди.
3.	“Ҳалкаро пакетни коммутация марказ- ларини кенгайти- риш”	1 710 000,00 АҚШ дол- лари	“Ўзбектелеком” акция- дорлик компаниясининг маблаби хисобидан амал- га оширилди.	Ҳалкаро пакетни коммутация марказларидаги ўт- казиш сифори имкониятларини 10 Гбит/с. гача оширилди ва кенгайтирилди.
4.	“FTTB технологияси асосида телекомму- никация тармоқла- рини ривоҷланти- риш ва модерниза- цияш”	3 560 700,0 сўм	I босқич, (Средства ФРИКТ)	Тармоқларни тўлиқ ҳажмда FTTB технологияси асосида ташкил этилди, бу асосида 1375 яшаш жойларida 37 032 портларни ўрнатни ва инга тушириш кўзда тутилган.

5.	“ТТТ” филиали транспорт тармоги-ни кенгайтиши ва модернизациялаш”	75 063,0 АҚШ дол-лари	“Ўзбектелеком” акци-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амал-га оширилди.	“ТТТ” филиали тармокларда бошкерув тизимила-ри учун CISCO маршрутизаторини ўрнагли-ши кўзда тутилган.
6.	“Ҳалқаро коммуна-ция марказларини кенгайтириш”	123 725,0 Евро	“Ўзбектелеком” акци-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амал-га оширилди.	Лойҳа доирасида АХЕ810 коммутация тизимида автоматикаштирилган раками курилмаларни кен-гайтириши ХКМ1 ва ХКМ4 да узумий 17174 ка-нашарни, жумладан, ХКМ1 да 10850 ва ХКМ4 да 6324 каналларни
7.	“Ўзбекистон Респуб-бликасида “электрон тарым” миллий тармогини ташкил этиш”	12 480 000,0 АҚШ дол-лари	“Ўзбектелеком” акци-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амал-га оширилди.	2011 йилда ушбу лойҳани 1 боскучининг ре-ализацияси натижасида 80 Олий ўкув юргулари (шу жумладан МинВУЗ, Фонд «Истебод» ва 3 та марказ) “Электрон тарым” миллий тармолига уланган, мультимедиали аудиторияларни ташкил этиши асосида 132,9 км оптик тошли алоқа линия-лари ўтказилган. 2 боскич Лойҳа доирасида 80та олий тарлим тизими объектларини корпоратив тармокка ула-ниши, шунингдек ҳар бир Олий ўкув юргуларида мультимедиали аудиторияларни ташкил этиши кўзда тутилган.

8.	“Тошкент шаҳрида телекоммуникация тармоқтарини ривожлантириш ва мондернизилаш”	2 059 020,5 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди	216/217, 225, 229, 242, 244, 252, 273/278 -АТС ларида NGN технологияси асосида умумий 101 008 та раками станицалар коммутацион жиҳозларини алмаштириш, шунингдек, «БРМ» филиалини корпоратив фойдаланувчилари учун 20 000 ракамда дастурий коммутаторлар ўрнатилиши на «iskratec» компанияси томонидан лойишининг реализация кирилини назарда тутилган
9.	“Маълумотларни узатиш гармоқварии ни кенгайтириш”	1 085 832,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди.	Ахолининг барча қатлами учун кенг полосали уланиш тизимини ташкил этиш, DSLAM база ускуналарини умумий 27 432 портларни, маъломатлар узатиш тармоғини кенгайтириш, хизмат турпаридан фойдаланишини таъминлаш кўзда тутилган
10.	“Телекоммуникация тармоқтарида абонентлар базасини кенгайтириш”	198 528,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди.	Ушбу лойиҳаданинг мақсади «HUAWEI INTERNATIONAL PTE., LTD» ва ZTE CORPORATION компаниясининг IAD курилаларини ўрнатиш хисобланади. Умумий майдори - 654 дона.
11.	“Ургут-Шахрисабз” ОТАЛ (оптик толали алоқа линияси) куришиш”	1 160 000,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди.	Лойиҳа доирасида халкаро, шахарлараро алоқа ва Интернет учун кулай магистрали каналларни кенгайтириш ва ошириш назарда тутилган.

\* “Ўзбектелеком” АҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ушбу 3.3.2-жадвалдан кўриниб турибдики, 2011 йилда “Ўзбектелеком” АҚда умумий ҳисобда 11 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилган бўлиб, уларнинг деярли барчаси компаниянинг ўз маблаглари ҳисобидан молиялаштирилган. “Жиззах-Булунғур ОТАЛ (оптик толали алоқа линияси) қурилиши” лойиҳасининг асосий мақсади оптик толали алоқа линияларининг Жиззах вилояти ва Самарқанд вилоятларининг тоғли аҳоли яшаш пунктларигача етказилишини таъминлашдан иборат бўлиб, унинг умумий миқдори 500 000,0 АҚШ долларини ташкил этган. Шу йилда амалга оширилган лойиҳалардан бирни сифатида “FTTB технологияси асосида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш” ни келтиришимиз мумкин. Лойиҳанинг белгиланган мақсади натижасида тармоқларни тўлиқ ҳажмда FTTB технологияси асосида ташкил этилди, бу асосда 1375 яшаш жойларида 37 032 портларни ўрнатиш ва ишга туширишга эришилди. “Ҳалқаро коммутация марказларини кенгайтириш” лойиҳасининг амалга оширилиши доирасида AXE810 коммутация тизимида XKM1 ва XKM4 да автоматлаштирилган рақамли қурилмаларни умумий 17174 каналларни кенгайтириш, жумладан, XKM1 да 10850 ва XKM4 да 6324 каналларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг таълим тизимида ахборот технологияларини қўллаш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширилиши айнан 2011 йилдаги 2 босқичли “Ўзбекистон Республикасида “электрон таълим” миллий тармоғини ташкил этиш” лойиҳаси доирасида бажарилди. Ушбу лойиҳанинг 1 босқичининг реализацияси натижасида 80 Олий ўқув юртлари “Электрон таълим” миллий тармоғига уланган, мултимедиали аудиторияларни ташкил этиш асосида 132,9 км оптик толали алоқа линиялари ўтказилган. 2 босқичда эса лойиҳа доирасида 84 та олий таълим тизими объектларини корпоратив тармоққа уланиши, шунингдек ҳар бир Олий ўқув юртларида мултимедиали аудиторияларни ташкил этиш кўзда тутилган.

**3.3.3-жадвал**

**“Ўзбектелеком” АҚда амалга оширилган лойиҳалар (2012 йил учун)\***

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа кий-матти	Молиялаштириш манбани	Лойиҳа мақсади
1.	“CDMA-450 мобил алоқа гарногини ризо-вожлантириш”	20,3 млн. АҚШ доллари	Хитой тараскиёт банки 14 млн. доллар	-коммутация станицялари интерфейс модулини ва база станицяларини STM-1 даражасида кенгайтириш ва модернизациялаш; -радиочастоталарни кабул килиниш имкониятини ошириш массадида каналларни күшиш;
2.	““Байсун-Денau” оптик толали алоқа линияси объекти”	1,26 млн. АҚШ доллар (2 486 171 104,24 сўм)	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясиning маблағи хисобидан амалга оширилди.	Бойин-Денов оралиғида 102,27 км оптик алоқа линияси курниш фойдаланишига топширилди. (1,315 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди). Халқаро ва шахарлараро алоқа, Интернет хизматлари учун каналларни кенгайтирилди, 614 400 телефон сўзлашувлари имкониятлари учун СТАЛни ўрнаттилди
3.	“Ўзбектелеком” АҚ халқаро пакетли коммутация марказларини модернизациялаш ва кенгайтириш”	3,00 млн. АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясиning маблағи хисобидан амалга оширилди	Ушбу лойиҳани реализацияси натижасида ХПКМда ички интернет каналларини такдим этиши имкониятини в с 10 Гбит/сек дан 40 Гбит/сек гана ошириш кўзда тутилган.

4.	“Ўзбектелеком” АҚ маҳаллий телекомму- никация тармоклари- ни(NGN) янги авлод технологиялари асо- сида ривожлантириш ва модернизациялаш	16,60 мин. АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акция- дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди.	Лойиха доирасида 292,05 минг сифумга эта коммутация станицалари модернизация ки- лиши максадида телекоммуникация ускуна- лари келтирилиб, монгаж ишлари якунланди ва мавжуд абонентларни янги АГСларга улаш буйича ишлар амалга оширилмоқда. (18,14 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди.);
5.	«ЎзМобайл» фили- алиди (CDMA-450) мобил алоқа тар- мокларни кенгай- тириш ва модерниза- циялаш	9,00 млн. АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акция- дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди	Лойиха доирасида 150та (89 режалаштирил- ган ) янги база станицалари урнатилди, аҳоли яшаш жойларида CDMA-450 симсиз алоқа тармогини ошириш назардә тутилди.
6.	Ракамларни халқаро форматга ўтказиш хизмати	54 851,3 АҚШ долларни	“Ўзбектелеком” акция- дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси бийосидаги 239-АТС (ALCATEL S-12) ракамиш тизимини халқаро форматга ўтка- зиш учун курилмавий ва дастурий таъмино- тини кенгайтириш ва модернизация килиши. «Алжатель-Лусент» компанияси (Россия Фе- дерацияси)

7.	“Маълумотларни узатиш тармоклари-ни кенгайтириш”	622 337,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акция-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди. 24 624	Маълумотлар узатиш тармогини кенгайти-риш учун умумий сигимдаги 35 784 портларда DSLAM EIS6000 ZyXEL ускунчалигини комплекс сотиб олиш.
8.	“Маълумотларни узатиш тармоклари-ни кенгайтириш”	1 135 538,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акция-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди.	Маълумотларни узатиш тармогини кенгайти-риш учун умумий сигимдаги 35 784 портларда DSLAM EIS6000 ZyXEL ускунчалигини ком-плекс сотиб олиш.
9.	Раками интерактив телевидения хизмат-ларини тақдим этиши тизмаларини ташкил этиши	541 702,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акция-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди.	Лойиҳанинг максади “Ўзбектелеком” АКИИГ корпоратив ва маҳсус мижозлари учун тўлиқ хажмада замонавий раками телевидидни хизматларини тақдим этиш, кенгполосали уланни тармогига интегрaktiv раками тели-видидни платформаларини ташкил этишдан иборат.
10.	“Киплок жойларнида “УзМобайл” филиали(CDMA-450 МГц) мобил алокса стандартини кенгайтириш”	82 008,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акция-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга оширилди.	Лойиҳа доирасида 5100 дона майдордаги йуналишилган антенналарни ўрнатиш режа-лаштирилган. Унинг реализациясин CDMA-450 стандарти оркали кўрсатилаштган мобил алокса хизматлари сифати, ҳажми ва турарини оши-риш, гармоҳни кенгайтиришини таъминлаш назарда тутилган.

11.	“УЗИ” СП абонент базаларини көнгайтириши	60 623,0 АҚШ доллары	“Ўзбектелеком” акция-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга ошириди.	MSAN ва Optix Metro 1000 узатни тизимлери курилмаларини ўрнегитиши
12.	Тошкент-Бухоро, Бухоро-Карши-Термиз-Дену (DWDM/SDH), магистрал алоқа линияларини көнгайтириши	4 373 850,0 АҚШ доллары	“Ўзбектелеком” акция-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга ошириди.	“Ўзбектелеком” АҚнинг Тошкент-Бухоро ва Бухоро-Карши-Термиз-Денов йўналишида-ги магистрал транспорт тармоқларидаги DWDМ технологиялари буйича маълумотлар узатиш тизими ускунларни ўрганилди. Лойханнинг реализация жараённица кашшок жойларидаги турли хилдаги хизматларни тақдим этиши имконияти яратилди.
13.	“БРМ” филиалида маълумотларни узаттиш тармогини модернизациялаштириши	244 104,0 АҚШ доллары	“Ўзбектелеком” акция-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга ошириди.	Лойхиха додирасида “Ўзбектелеком” АҚ мен-голосали уланиш тармоқларидаги хизмат кўрсатишни тақдим этиш учун BRAS маршрутизатор интерфейс ускунларини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Лойханнинг реализацияси натижасида тармоқлар ва тизимлар бошқарув дарражасининг ошишини таъминланаш кўзда тутилган
14.	“БКМ” филиалида VoIPни көнгайтириши,	736 475,0 АҚШ доллары	“Ўзбектелеком” акция-дорлик компаниясининг маблаги хисобидан амалга ошириди.	Халқаро операторлар билан боланиш макслиди, VoIP коммутация сиимини 64 та Е1 (1920 та бир вақтдаги сўзлашувлар, 30 та овозни тадим слот) ва АМТС, ХКМ-1, ХКМ-4 ларни 8 та Е1 оқимга кенгайтириши.

\* “Ўзбектелеком” АҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқылган

3.3.3-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2012 йил майданида компанияда инвестиция фаолияти бўйича 15дан ортик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилган. Лойиҳаларнинг амалдаги ҳолати давлат инвестиция дастури доирасида белгиланган режа асосида бажарилган ва умумий миқдорда энг кўп маблағ ажратиласкан лойиҳалар қаторига “Ўзбектелеком” АК маҳаллий телекоммуникация тармоқларини (NGN) янги авлод технологиялари асосида ривожлантириш ва модернизациялаш лойиҳасини мисол килиб келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1668-сон қарорида “Ўзбектелеком” АК бўйича амалга оширилиши белгиланган инвестиция лойиҳаларининг йил якунига бўлган ҳолати қуйидаги чаро:

1. Бойсун-Денов оралиғида 102,27 км оптик алоқа линияси курниш фойдаланишга топширилди. (1,315 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди);

2. Ургут-Шахрисабз оралиғида 72,6 км оптик алоқа линияси курниш фойдаланишга топширилди. (1,16 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди);

3. Халқаро коммутация марказларини янги авлод тармоғи (NGN) технологияси асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш лойиҳаси доирасида Кўкон ва Бухоро шаҳарларида халқаро коммутация марказларини модернизациялаш бўйича ишлар амалга оширилиб, коммутация сифимлари 2 ҳисса кўпаяди (6,7 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди). Лойиҳа бўйича ишларни якунлаш 2013 йилга белгиланган;

4. “Ўзбектелеком” АКнинг маҳаллий телекоммуникация тармоғини NGN технологиялари асосида модернизация қилиш ва ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 292,05 минг сифимга эга коммутация станциялари модернизация қилиш мақсадида телекоммуникация ускуналари келтирилиб, монтаж ишлари якунланди ва мавжуд абонентларни янги АТСларга улаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. (18,14 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди.);

5. Халқаро пакетли коммутация марказини кенгайтириш ва модернизация қилиш лойиҳаси доирасида келтирилган телекоммуникация ускуналарини монтаж ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа на-

тижасида ХПКМнинг ўтказиш қобилияти 40 Гбит/с гача етказилди. Курилмаларни фойдаланишга топшириш 2013 йилга белгиланган (3,38 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди);

6. “ЎзМобайл” филиали CDMA-450 мобил алоқа тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтириш” лойиҳаси доирасида CDMA-450 симсиз тармоғи билан қамраб олиш даражаси 58 фоиздан 71,2 фоизгача кенгайтириш имкониятини берадиган 121 та база станциялари (режага нисбатан 1,36 баравар кўп) ўрнатилди, натижада абонентларга, шу жумладан қишлоқ жойларидаги фойдаланувчиларга Интернет хизматларини кўрсатиш имкони яратилди. Курилмаларни фойдаланишга топшириш 2013 йилга белгиланган (10,1 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди).

Шунингдек Мобил алоқа тармоғини ривожлантириш бўйича мобил алоқа компаниялари томонидан маълумотлар узатиш хизматларини кўрсатиш, яъни учинчи (3G) ва тўртинчи (4G) авлод тармоғини кенгайтиришга қаратилган 175,7 млн. долларлик лойиҳалар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-3858-сон фармойиши ҳамда Агентлик 2012 йил 22 июндаги 194-сон буйруғига мувофиқ, Huawei компанияси билан ҳамкорликда 2012-2014 йиллар мобайнида амалга ошириш кўзда тутилган 5 та лойиҳа бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда ҳамда CDB банки (Хитой) кредитлари ҳисобидан молиялаштириш бўйича CDB банки, Huawei компанияси, ОАТ “Алоқабанк” ва “Ўзбектелеком” АҚ ўргасида келишпув имзоланди.

### 3.3.4-жадвал

**“Ўзбектелеком” АҚда амалга оширилган лойиҳалар (2013 йил учун)\***

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа киймати	Молиялаштириш манбани	Лойиҳа мақсади
1.	“FTTx технологияси асосида кенг поласали оптик тармоқларни ривожлантириш”	17 527,61 минг АҚШ доллари	- Хитой давлат тараққиёти банкининг кредити -11 913,60(85%); - “Алокабанк” билан кредити – 5 614,01(15%)	Абонент тармоқларини FTTx архитектураси асосида модернизация қилиш мақсадида жорий йилда умумий узунилиги 2032,1 км дан ортиқ оптик алоқа линиялари курилди.
2.	“CDMA-450 мобил тармоғини EVDO технологиясини қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси худудларида ривожлантириш, шу жумладан қишлоқ жойларида”	62 699,40 минг АҚШ доллари	- Хитой давлат тараққиёти банкининг кредити -53 294,49 минг АҚШ доллари(85 %); - “Алокабанк” билан кредити – 9 404,91(15)%	Ушбу лойиҳани реализация қилиш мақсадида “Ўзбектелеком” АҚда 450 МГцли CDMA 2000 1x ва CDMA 2000 1x EV-DO rev A тармоқларини кенгайтириш ва модернизациялаш оркали қўшимча база станциялар ва ускуналарни ўрнатиш кўзда тутилган.

			I-вариант: “Ўзбектелеком” АҚ ўз маблағлари хисобидан <b>10 976,54</b> минг АҚШ доллари, Хитой давлат таракқиёти банкининг кредити <b>8 500,00</b> минг АҚШ доллари II-вариант: “Ўзбектелеком” АҚ ўз маблағлари хисобидан <b>6 238,20</b> минг АҚШ доллари, Хитой давлат таракқиёти банкининг кредити <b>8 500,00</b> минг АҚШ доллари	
3.	“Ўзбекистон Республикаси коллежларини “электрон таълим” тармоғига улаш”	I-вариант импорт қилинаётган ускуналардан божхона тўловлари бўйича имтиёзларни хисобга олмаган ҳолда: <b>19 476,54</b> минг АҚШ доллари ёки <b>39 149,41</b> млн. сум, II-вариант <b>14 738,20</b> минг АҚШ доллари ёки <b>29 624,95</b> млн. сум	Таълим сифатини янада ошириш ҳамда таълимда ахборот тизимларини киритиш ва такомиллаштириш мақсадида ушбу лойиха доирасида мамлакатимиз коллежларини ягона корпоратив тармокка улаш амалга оширилди.	

4.	<p>“Ўзбекистон Республикасида “электрон таълим” миллый тармоғини ташкил этиш”</p>	<p>16 214,8 минг АҚШ доллары</p>	<p>Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди</p>	<p>Олий таълим мұассалари орасида оптик алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги алоқа каналларини ташкил этиш; Юқори тезликдаги тармоқ асосида олий ўкув юртлари орасида ахборот алмашувини ташкил этиш; Юқори сифатли овоз ва тасвирии узатиш тизимларини тадбик этиш, ҳамда ўкув контентини түлдириш ва янги таълим дастурларини ишлаб чиқиши; Олий таълим мұассалари ва ахборот ресурс мартазлари (күтубхоналар) орасида маълумотлар алмашинувини йўлга кўйиши; Республика телекоммуникация тармоғи ресурсларини унумли ва рационал ишлатиш; Масофавий таълим тизими учун шароит яратиш.</p>
----	---	--------------------------------------	---	--

5.	“Халқаро Коммутация Марказларини(NGN) янги авлод тармоклари технологиялари асосида кенгайтириш ва модернизациялаш”	14,00 млн. АҚШ доллары	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Лойиха 2 боскичдан иборат: 1- боскич «Ўзбектелеком» АК халқаро коммутация марказларида Е1, 1 386 портлани реконструкция ва кенгайтириш. 2- боскич. Режани реализация қилиш (2012-2013йиллар.)
6.	““Ўзбектелеком” АК халқаро пакетли коммутация марказларини модернизациялаш ва кенгайтириш”	3,00 млн. АҚШ доллары	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Лойиха доирасида Интернет тармогига уланиш тезлигини 40 Гбит/с.гача ошириш кўзда тутилган.
7.	““Ўзбектелеком” АК CDMA-450 симсиз алоқа тармокларини кенгайтириш ва модернизациялаш”	9 000 000,0 АҚШ доллары,	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Лойиха асосида аҳоли яшаш пунктларида 150 (режада 89 ) та янги база станциялари ўрнатилди, қишлоқ ҳўжалик пунктларида CDMA-450 симсиз алоқа тармоги оширилди.

8.	“БРМ” филиалида IP/MPLS маълумотларни узатиши тармогини ривожлантириш	827 880,0 минг АҚШ доллари,	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Лойихада «БРМ» ва «ТШТТ» филиалларида 7600 ва 7200 серияли Cisco маршрутизатор ускуналарини захиралаш ва кенгайтириш учун СПД IP/MPLS тармок интерфейс платаларини ўрнатиш кўзда тутилган.
9.	“Ўзбектелеком” АК геоахборот тизимларини ташкил этиш”	941 994,0АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Лойиханинг мақсади СПД компаниялари тармоқлари базаларида VPN/VLAN тармоқларини куриш, аппаратларда ташкил этиш, худудий ажратилган тизимларга уланишини ташкил этишдан иборат.
10.	“Маълумотларни узатиши тармоқларини кенгайтириш”	1 115 700,0АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	“Ўзбектелеком” АКнинг 35064 портларида кенгполосали уланиши тармоқларида ўрнатилган DSLAM Zyxel IES 6000 ускуналари сигимини кенгайтириш.

\* “Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июн-даги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сон Қарорининг 1-иловасига асосан “Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини 2013-2020 йилларда ривожлантириш дастури” тасдиқланган бўлиб, унга асосан 2013 йилда биржатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши белгиланган. Жумладан:

1. Коммутация марказлари, жумладан, 2- ва 3-халқаро коммутация марказлари сифими 1386 портга (5 баробар) кенгайтирилди ва халқаро коммутация марказлари умумий сифими 3262 портга етказилди. Халқаро коммутация марказини IMS янги авлод тармоғи NGN технологиялари бўйича модернизация қилиш ва кенгайтириш лойиҳаси бўйича келтирилган техник ускуналарнинг монтаж ишлари олиб борилмокда.

2. Магистрал, зонаичи ва маҳаллий тармоқларни захиралаш ва кенгайтириш, шунингдек абонент тармоқларини FTTx архитектураси асосида модернизация қилиш мақсадида жорий йилда умумий узунлиги 2032,1 км дан ортиқ оптик алоқа линиялари қурилди.

3. Кенг полосали маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириши мақсадида, бир вақтнинг ўзида 128 минг кенг полосали уланишларни амалга ошириш имконига эга BRAS қурилмаси тест режимида ишга туширилди.

4. Ахборот-маълумот хизматлари марказини (Call-center) яратиш лойиҳаси бўйича умумий қиймати 1,45 млн.АҚШ долларига тенг шартнома имзоланди, қурилмаларни ўрнатиш учун жойлар тайёрланмокда.

5. Кўп фойдаланиладиган маълумотларни сақлаш мақсадида куввати 4 Гбит/с маълумотни сақлаш ва қайта ишлаш имконига эга Кэшлаш маркази ишга туширилди. Тизимнинг ўтказувчанлик қобилиятини 16 Гбит/сек.гача кўтариш имконияти мавжуд. Кэшлаш самарадорлиги 35% - 42% ташкил этади ва ҳозирги кунда умумий интернет каналини 500 Мбит/с. гача тежаш имконини бермокда.

### 3.3.5-жадвал

## “Ўзбектелеком” АҚда амалга оширилган лойиҳалар (2014 йил учун)\*

	Лойиҳа номи	Лойиҳа қиймати	Молиялашти- риш манбан	Лойиҳа мақсади
1.	“CDMA-450 мобил тармоғини EVDO технологиясини кўллаған ҳолда Ўзбекистон Республикаси худудларида ривожлантириш”	17,47 млрд. дол- лар	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясинынг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	“Ўзбектелеком” АҚнинг кўрсататиган хизматлари сифатини ошириш мақсадида кўшимча база станцияларни ўрнатиш кўзда тутилган.
2.	““Жиззах” МИЗ (махсус индустрыйал зонаси) худудида GPON-телеқоммуникация қурилмаларини ишлаб чиқиш ва қайта йиғишини ташкиллаштириш”	3 млн. АҚШ дол- лари	“Huawei Technologies Co., Ltd” (КНР) компанияси томонидан	“GPON технологияси асосида телеқоммуникацион қурилмаларни ишлаб чиқаришни ташкил килиш” (“Huawei Technologies Co., Ltd”)
3.	““Жиззах” МИЗ (махсус индустрыйал зонаси) худудида телеқоммуникация қурилмаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш”	0.5 млн. АҚШ дол- лари	“Jiangsu Zhongtian Technology(“Co.” (КНР) компанияси томонидан	“Оптик тармоқларни қуриш учун аксессуар қурилмаларини ишлаб чиқаришни ташкил килиш” (“Jiangsu Zhongtian Technology Co., Ltd”)
4.	“Ҳалқаро Коммуникация Марказларини кенгайтириш ва модернизациялаш ва IMS киритиш”	9 348228,40 АҚШ дол- лари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясинынг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	IP Multimedia Subsystem (IMS) технологияларини киритиш – бу (3GPP, ETSI TISPAN) янги авлод тармоқлари архитектураси (NGN) мультимедиа хизматларини кўрсатадиган телеқоммуникация операторлари учун стандартлаштирилган

5.	Тактли синхронизация тизимини модернизация қилиш ва ягона аниқ вақт тизимини жорий этиш	655 611,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	“Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармогида Тактли синхронизация тизимини модернизация қилиш ва ягона аниқ вақт тизими ни жорий этиш 546 та чыкыши портлар (ПЭИ, ВЗГ, АРСС) ва 20 та сервер чикиш портлари.
6.	“Ахборот-маълумот хизматлари марказини (Call-center) яратиш” лойиҳаси	1 450 350,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Лойиҳаси доирасида 2013-2014 йилларда худудларда жами 13 та янги Call-center марказларини ташкил этиш белгиланган. -Тошкент шаҳридаги мавжуд марказ модерни зация: килинди; -Хар бир вилоятда Call-center марказлари очилди ва жами 150 та янги иш ўринлари яратилди; Натижада давлат бо шқаруви ва ҳўжалик юритувчи органлар томонидан аҳолига ах борот-маълумот хизматларини кўрсатиш учун имконият яратилди.
7.	““Ўзбектелеком” АК IP-TV тармоқларини кенгайтириш”	618 777,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Лойиҳа доирасида “Ўзбектелеком” АКда IP-TV тармоқларини кенгайтириш ва модернизациялаш режалаштирилган.

\* “Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича куйидаги ишлар амалга оширилди, жумладан:

1. “Ўзбекистон Республикаси магистрал тармоқлар ўтказувчанлигини кенгайтириш” лойиҳаси бўйича: Huawei компанияси билан 65,71 млн. АҚШ долларига тенг микдорда шартномалар имзоланди

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 декабрдаги 991-ф-сон фармойиши билан амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида келтириладиган ва божхона тўловларидан озод этиладиган курилмалар рўйхати тасдиқланди.

Хозирги кунда “Ўзбекистон Республикаси магистрал тармоқлар ўтказувчанлигини кенгайтириш” лойиҳаси бўйича 25,89 млн. долларга тенг курилмалар келтирилди.

2. “Ўзбектелеком” АК “Ўзмобайл” мобил алоқа оператори тармоғини яратиш” лойиҳасининг 1-босқичи (Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2267-сон қарорига мувофиқ Хитой тараққиёт банки кредит манбалари хисобидан молиялаштириш белгиланган.

“Huawei” компанияси билан қиймати 35,03 млн. АҚШ долларига тенг шартнома имзоланди. Хозирги кунда, 34,74 млн. АҚШ долларига тенг курилмалар келтирилди.

3. “Телекоммуникация тармоқларида ахборот хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси бўйича “Huawei” компанияси билан қиймати 10,0 млн. АҚШ долларига тенг шартнома имзоланди ва 8,96 млн. АҚШ долларига тенг курилмалар келтирилди.

4. “Жиззах” МИЗда этилаётган 4 та қўшма корхона бўйича ZTT компанияси, Huawei компанияси, ZTE компанияси ва AsiaTelco компаниялари билан тегишли таъсис ҳужжатлари имзоланди.

“Жиззах” МИЗ ҳудудидан “Ўзбектелеком” АК учун 1,6 га ер майдони ажратилди, курилиш ишларини амалга ошириш учун 8,2 млрд. сўмлик шартномалар имзоланди ҳамда бугунги кунга қадар жами 5,8 млрд. сўм микдорида маблағ ўзлаштирилди.

“Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини 2013-2020 йилларда ривожлантириш дастури”га мувофиқ, ҳозирги кунга қадар куйидаги ишлар амалга оширилган:

1. “Кенг полосали оптик тармоқларни ривожлантириш” лойиҳасининг биринчи босқичида 2013-2014 йилларда тармоқ сифимини 110 минг портга кенгайтириш белгиланган бўлиб, жорий йилда 10 666 портга кенгайтирилди, 27 640 портга тенг ускуналарни монтаж ишлари олиб борилмоқда. Режа 34,8 % ба-жарилди.

Лойиҳа бўйича Huawei компанияси билан 6,9 млн. АҚШ долла-рига тенг микдорда шартномалар имзоланиб, жорий йилнинг биринчи ярмида 69 120 портга тенг қурилмаларни келтириш режа-лаштирилган.

2. “Оптик алоқа линияларини қуриш” лойиҳаси доирасида 2013-2014 йилларда 2 900 км оптик алоқа линиялари қурилиши белгилан-ган бўлиб, бугунги кунда 3600 км оптик алоқа линиялари қурилди. Режа 124,1% га бажарилди.

3.“Худудларда “ЎзМобайл” (CDMA-450) мобил алоқа тармоғи-ни ривожлантириш орқали юқори тезликдаги Интернет (EVDO тех-нологияси) хизматларини кўрсатиш” лойиҳаси доирасида 201 та EVDO технологияси база станцияларини ўрнатиш орқали қамров даражасини ошириш белгиланган.

4.Ҳисобот даврида “ЎзМобайл” (CDMA-450) мобил алоқа тар-моғини ривожлантириш мақсадида қўшимча 28 та база станциялари келтирилиб, монтаж қилинди. Ҳозирги кунда қўшимча 280 та база станциялар келтириш ва ўрнатиш бўйича тендер савдолари ўтка-зилмоқда.

5. “NGN технологияси асосида коммутация қурилмаларини кенгайтириш” лойиҳасининг 2014-2015 йилларда умумий сифими 250 минг рақамга тенг коммутация қурилмаларини ўрнатиш бел-гиланган бўлиб, 2014 йилда умумий сифими 20 512 рақамга тенг 22 та коммутация қурилмалари (MSAN) ўрнатилиб ишга туши-рилди ва 12 416 рақамга тенг 10 та коммутация қурилмалари кел-тирилиши кутилмоқда.

6. “Коммутация марказларини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида:

Коммутация марказлари, жумладан Бухоро ва Қўқон шаҳар-ларидаги халқаро коммутация марказлари сифими 1 386 портга кенгайтирилди.

Халқаро коммутация марказини IMS технологияси асосида модернизация қилиш лойиҳаси бўйича курилмалар келтирилди ва монтаж ишлари якунланди.

7. “Халқаро пакетли коммутация марказини кенгайтириш” лойиҳасининг биринчи босқичида (2014-2015 йилларда) Бухоро вилоятида 40 Гбит/с тезликдаги ХПКМни ташкил этиш бўйича монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг ХПКМ умумий тезлиги 80 Гбит/с ни ташкил этади.

8. “Маълумотлар узатиш мультисервис тармоқларини куриш” лойиҳаси доирасида 2013-2015 йилларда мультисервис тармоқлар ўтказувчанилигини:

- вилоят марказлари даражасида 40 Гбит/сгача;
- туман марказлари даражасида 10 Гбит/сгача кенгайтириш белгиланган.

Техник топшириқ ва Дастрлабки техник-иқтисодий асос (ДТИА) ишлаб чиқилди. ДТИА тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда.

9. “Магистрал оптик линияларни кенгайтириш ва захиралаш” лойиҳаси доирасида 2013-2014 йилларда 600 км оптик линиялар куриш белгиланган.

Лойиҳа доирасида Ғузор-Бойсун, Мўйнок-Қибла-Устюрт, Жаслик-Каракалпакия, Бузатав-Қўнғирот, Денов-Узун-Шарғун, Узун-Тожикистон чегара каби йўналишларда 650 кмдан ортиқ оптик магистрал алоқа линиялари курилди ва захираланди. Режа 108 % га бажарилди.

10. “Корпоратив секторга мультимедиа хизматларини кўрсатиш учун студиялар яратиш” лойиҳаси доирасида 2014-2015 йилларда худудларда жами 13 та мультимедиа студияларини ташкил этиш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда студиялар манзиллари аниқланди ва техник топшириқ ишлаб чиқилди.

11. “Ахборот-маълумот хизматлари марказини (Call-center) яратиш” лойиҳаси доирасида худудларда жами 13 та янги Call-center марказларини ташкил этиш ишлари якунланиб, марказлар ишга туширилди. Режа 100 % га бажарилди. Лойиҳа доирасида жами 150 та янги иш ўринлари яратилди.

12. “Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини (Дата-центр) яратиш” лойиҳаси бўйича Дата-центр ташкил этиш бўйича Концепция, Техник топширик ва Дастробеконинг асоси (ПТЭО) ишлаб чиқилди. Ҳозирда зарур қурилмаларни келтириш ва ўрнатиш бўйича тендер савдолари якунига етказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2264-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги инвестиция Дастури”га асосан Вазирлик томонидан жорий йилда жами 223,39 млн. АҚШ доллари (570,906 млрд. сўм) миқдоридаги 7 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 майдаги 02/1-5454-сон топшириғига мувофиқ, жорий йил I ярим йиллигига 84,05 млн. АҚШ долл. (214,8 млрд. сўм) миқдорида маблағ ўзлаштириш топширилган.

Ҳисобот даврида Инвестиция дастурига киритилган ва қўшимча лойиҳалар ҳисобига жами 100,81 млн. АҚШ долл. (257,6 млрд. сўм) миқдорида маблағ ўзлаштирилиб, ҳисобот режаси 120 фоизга бажарилган.

Жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:

- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - 92,34 млн. АҚШ долл. (235,99 млрд. сўм);
  - корхоналарнинг ўз маблағлари - 1,72 млн. АҚШ долл. (4,4 млрд. сўм);
  - тижорат банклари кредит маблағлари - 6,75 млн. АҚШ долл. (17,2 млрд. сўм)ни ташкил этади.

### 3.3.6-жадвал

#### “Ўзбектелеком” АҚда амалга оширилган лойиҳалар (2015 йил учун)\*

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа книймати	Молиялашти- риш манбани	Лойиҳа мақсади
1.	“Азимут” ССС қабул килувчи ва узатувчи спутник ан- тенналарини ўрнатиш	1 508 856,0 АҚШ дол- лари	“Ўзбектеле- ком” акция- дорлик ком- паниясининг маблағи ҳисо- бидан амалга оширилди.	Интернетта уланиш хизмат- ларини кўрсатиш вақтида халқаро тармоқ трактларини захиралаш учун янги қабул килувчи ва узатувчи тўлиқ комплект ускуналарини ўрна- тиш. (4 портли, “С” даражали диапазон частот антенналари 1 метрдан кам бўлмаган диа- метрли рефлектор билан)
2.	“Худуд” ракамли те- леканалини яна ташкил этишда мате- риал-техник базаларни таъминлаш	351 614,0 АҚШ дол- лари	“Ўзбектеле- ком” акция- дорлик ком- паниясининг маблағи ҳисо- бидан амалга оширилди.	«Худуд» рақамли телекана- лини ташкил этишда халқаро стандарт ва талабларга жавоб бера оладиган материал-тех- ник база билан таъминлаш режалаштирилган..
3.	““ТШТТ”- филиали IP-MPLS тармоқларини кенгайтириш”	607 181,6 АҚШ дол- лари	“Ўзбектеле- ком” акция- дорлик ком- паниясининг маблағи ҳисо- бидан амалга оширилди.	Лойиҳанинг реализацияси Интернет ва маълумотларни узатиш тармоқлари фойдала- нувчиларига юқори тезликт- даги уланишни ташкил этиш, маълумотлар узатиш тезли- гини ошириш мақсадида IP/ MPLS мултисервис тармоқла- рини кенгайтиришни ишлаб чиқишдан иборат.
4.	“Тошкент – Бухоро йўналишида магистрал телеком- муникация тармоқларини кенгайтириш”	410 246,0 АҚШ дол- лари	“Ўзбектеле- ком” акция- дорлик ком- паниясининг маблағи ҳисо- бидан амалга оширилди.	Лойиҳа доирасида “Тош- кент – Бухоро йўналишида магистрал телекоммуникация алоқа тармоқларини кўшимча 100G кенгайтириш режа- лаштирилган.

6.	“Ўзбектелеқом” АК магистрал тармоғини Ўзбекистон Республикаси туман марказларигача кенгайтириш ва ишончлилигини ошириш”	65 700 000,00 АҚШ доллары	- Хитой давлат тараққиёти банкининг кредити - 29 775,96минг АҚШ доллари (85 %); - “Алоқабанк” билан кредити - 5 254,58 минг АҚШ доллари (15%).	“Ўзбектелеком” АК мавжуд магистрал ва зонаичи транспорт тармокларини захираланди, халқаро йўналишларга чиқиш тезлигини 100 Гбит/сек.га, вилоят марказларигача магистрал тармок ўtkазувчанилигини 40 Гбит/сек.га, зонаичи магистрал тармок ўtkазувчанилигини 10 Гбит/сек.га етказилади.
7.	“Ўзмобайл”-мобил алоқа оператори миллий тармоғини ташкил этиш (1боскич)“	35 000 000,00 АҚШ доллары	- Хитой давлат тараққиёти банкининг кредити - 5 865,00минг АҚШ доллари (85 %); - “Алоқабанк” билан кредити -1 035,00 минг АҚШ доллари (15%).	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти худудида GSM (2G), UMTS (3G) ва LTE (4G) технологияларини қўллаган ҳолда янги мобила алоқа тармоғини ташкил этиш; Мазкур лойиха доирасида 2G, 3G ва 4G технологияси қўлланган 340·та база станцияларини ўрнатиш орқали 1 млн. ракамга тенг комутация курилмалари ўрнатиш режалаштирилган.
8.	“FTTx технологияси асосида кенг полосали оптик уланиш тармоғини ривожлантириш”	6 900 000,00 АҚШ доллары	- Хитой давлат тараққиёти банкининг кредити - 55 859,04 минг АҚШ доллари (85 %); - “Алоқабанк” билан кредити – 9 857,48 минг АҚШ доллари (15%)	Тошкент шаҳрида кенг полосали портлар сонини 69 120 тага ошириш режалаштирилган.

10.	“Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация ва ахборот коммуникация инфраструктураси магистрал тармогини ривожлантириш”	11 816 610,00 ўз маблаглари 57 018 630,00 АҚШ доллары	Кредит ЈВІС	Лойиха доирасида Мультисервис тармоқлар ўтказувчалигини: - вилоят марказлари даражасида 40 Гбит/сгача; - туман марказлари даражасида 10 Гбит/сгача кенгайтириш белгиланган.
11.	IMS (IP Multimedia Subsystem) технологияси асосида коммутация марказларини модернизациялаш (2 боскич)	2 614 951,00 ўз маблаглари 12 662 242,00 кредит эвазига АҚШ доллары	Кредит ЈВІС	IP технологияси асосида янги хизмат турларини жорий этиш. IMS технологиясидан фойдаланувчилар сонини 100 000 тага ошириш.
12.	“NGN технологияси асосида коммутация курилмаларини кенгайтириш”	3 974 770,00 ўз маблаглари	20 870 270,00 Кредит поставщика АҚШ доллары	Республика миқёсида NGN технологияси асосида умумий сиғими 250 минг рақамга тенг коммутация курилмаларини ўрнатиш белгиланган.
13.	“Маълумотларни саклаш ва қайта ишлаш марказларини ташкил этиш («Дато-центр»)”	8,4 млн.	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблаги ҳисобидан амалга оширилди.	Тошкент шаҳрида 5 000 Тбайт сиғимдаги Дата-центр куриш Лойиха бўйича Дата-центр ташкил этиш юзасидан Концепция, Техник топширик ва Дастрлабки техник-иктисодий асос (ПТГЭО) ишлаб чиқилди. Зарур курилмаларни келтириш ва ўрнатиш бўйича тендер савдолари ўтказилди.

14.	“Корпаратив секторга мультимедиа хизматларини кўрсатиш учун студиялар яратиш”	3,8 млн. АҚШ долларлари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Республика худудларида жами 13 та мультимедиа студияларини ташкил этиш белгиланган.
-----	---	-------------------------	--	---

\* “Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Оптик алоқа линияларини қуриш лойиҳаси доирасида лойиҳа смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилди, мазкур лойиҳа асосида участкаларда жами 1050 км оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди ва 3,8 млрд.сўм (1,5 млн. АҚШ долл) маблағ ўзлаштирилди. Жорий йил якунига қадар жами 1 800 км оптик алоқа линияларини қуриш режалаштирилган.

“Ўзмобайл” миллий мобил алоқа оператори тармоғини яратиш (2-3 босқич) лойиҳаси доирасида техник шартлар ҳамда тармоқ жадваллари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ускуна етказиб беरувчи компанияни аниқлаш бўйича эълон қилинган тендер савдоларида тижорат таклифларни баҳолаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 2 декабрдағи ПҚ-2267-сон қарори ижроси бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 2 декабрдағи ПҚ-2267-сон қарорига асосан “Ўзбектелеком” АК томонидан умумий қиймати 116,7 млн. АҚШ долларига teng қуийдаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши белгиланган:

1. “Ўзмобайл” мобил алоқа миллий оператори тармоғини ташкил этиш” лойиҳаси бўйича 2014-2015 йилларда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти худудида GSM (2G), UMTS (3G) ва LTE (4G) технологияларини қўллаган ҳолда янги мобиль алоқа тармоғини ташкил этиш;

Лойиҳа доирасида бугунги кунда 221 та АМҚ, 169 та хона ва 34 та контейнер тайёрланган, 173 та объектда қурилмаларни монтаж ишлари якунланган, 382 та база станциялар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти миқёсида жорий йил апрел ойида ишга туширилган.

Бугунги кунда тармоққа уланган абонентлар сони 26 000 тани ташкил этмоқда.

2. “FTTx технологияси асосида кенголосали оптик тармоқларни ривожлантириш” лойиҳаси бўйича Тошкент шаҳрида кенголосали алоқа тармоғи 69 120 портга кенгайтирилиши ва Тошкент шаҳрида юқори тезликдаги интернет, видеокўнғироқ, IP TV ва бошқа интерактив хизматлар кўрсатиш учун қулајлик яратиш кўзда тутилган.

Шартномага асосан 1,04 млн. АҚШ доллари микдорида дастлабки тўлов амалга оширилди, қурилмалар ўрнатилиши мўлжалланган 17 та объект қурилмаларни ўрнатиш учун тайёрланган, жойларда монтаж бригадалари ташкил этилган. Лойиҳа доирасида қурилмалар август ойида келтирилиши кутилмоқда.

3. “Ўзбектелеком” АК магистрал тармоғини Ўзбекистон Республикаси туман марказларигача кенгайтириш ва ишонччилигини ошириш” лойиҳаси бўйича бугунги кунда қурилмалар ўрнатиладиган 267 та объект тайёрланган, алоқа линиялари техник нормаларга келтирилган.

Ҳозир 30,84 млн. долларлик қурилмалар келтирилган бўлиб, Тошкент шаҳар телекоммуникация транспорт тармоғи ўтказувчалиги 10 баробарга кенгайтирилиб, 10 Гбит/сдан 100 Гбит/сга етказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июн даги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида” ПҚ-1989-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини 2013-2020 йилларда ривожлантириш дастури” тасдиқланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида куйидаги ишлар амалга оширилган:

Кенголосали оптик тармоқлар сифимини кенгайтириш мақсадида 69 120 портга телекоммуникация қурилмалари келтирилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунда телекоммуникация қурилмалари ўрнатиладиган барча объектларда тайёргарлик ишлари тугастилган. Қурилмалар жорий йил август ойи якунига қадар келтирилиши кутилмоқда.

“NGN технологияси асосида коммутация курилмаларини кенгайтириш” лойиҳаси доирасида 2015 йилда умумий сифими 250 минг ракамга тенг коммутация станцияларини модернизация қилиш белгиланган. Ҳозирги кунда лойиҳанинг техник шарти ва Дастлабки техник иқтисодий асоси ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идоралар билан келишиш жараёнида.

“Халқаро пакетли коммутация марказини кенгайтириш” лойиҳасининг биринчи босқичида 2014-2015 йилларда ХПКМ ўтказувчанлик имкониятини 40 Гбит/с дан 100 Гбит/сга етказиш белгиланган бўлиб, Бухоро шаҳрида Халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) ва Вазирликнинг ахборот тизимларини татбиқ қилиш маркази боғламаларини куриш лойиҳалари бўйича ёпиқ тендер савдодари якунланди. Ғолиб компаниялар билан тегишли шартномалар имзоланди, юклар тўлиқ келтирилиб, монтаж ишлари якунланди.

Мазкур лойиҳа доирасида кенг полосали хизматларни янада ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрида бир вақтда 128 000 та сессияга мўлжалланган қўшимча BRAS ускунаси келтирилди ва ишга туширилди.

“Ўзбекистон Республикаси магистрал тармоқлар ўтказувчанлигини кенгайтириш” лойиҳаси доирасида магистрал тармоқлар ўтказувчанлигини халқаро йўналишда 10 маротаба (100 Гбит/сгача), вилоятлар марказларигача 4 маротаба (40 Гбит/сгача) ва туманлар марказларигача 10 маротаба (10 Гбит/сгача) кенгайтириш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда телекоммуникация ускуналари ўрнатилиши белгиланган обьектлар шай ҳолатга келтирилган, ускуналарни монтаж қилиш бригадалари тузилган. Телекоммуникация курилмаларини жорий йил август ойида келтирилиши кутилмоқда.

2014-2015 йилларда “Маълумотлар узатиш мультисервис тармоқларини куриш” лойиҳаси доирасида мультисервис тармоқлар ўтказувчанлигини:

- вилоят марказлари даражасида 40 Гбит/сгача;
- туман марказлари даражасида 10 Гбит/сгача кенгайтириш белгиланган.

Ҳозирги кунда лойиҳанинг Техник топшириғи ва Дастлабки техник-иктисодий асоси ишлаб чиқилган.


“Корпоратив секторга мультимедиа хизматларини кўрсатиш учун студиялар яратиш” лойиҳаси доирасида 2014-2015 йилларда

ҳудудларда жами 13 та мультимедиа студияларини ташкил этиш белгиланган бўлиб, Лойиҳанинг техник топшириғи ва дастлабки техник-иктисодий асоси ишлаб чиқилган.

“Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини (Дата-центр) яратиш” лойиҳаси доирасида 2013-2014 йилларда Тошкент шаҳрида 5 000 Тбайт сифимдаги Дата-центр қуриш белгиланган.

Ҳозирги кунда тендер савдолари якунланган бўлиб, ғолиб компания билан шартнома имзоланди ва қурилмаларни ишлаб чиқариш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ, компания телекоммуникация тармоқларига инвестиция лойиҳаларининг жорий этилиши, “Ўзбектелеком” АК учун барқарор ривожланишининг муҳим шартларидан бўлган, устувор йўналишларнинг амалга оширилиши ҳисобланади. “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолияти компания олдига қўйилган асосий вазифалари, савдо бозорларини кенгайтириш ва мавжуд телекоммуникация хизматлари бозорида рақобатбардошлиқ ҳолатини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда амалга оширилади.




**3.3.1-расм. Ўзлаштирилган капитал маблаглар умумий ҳажми (млрд.сўм)<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> “Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

2012 йилда “Ўзбектелеком” АК ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажми 121,9 млрд. сўмни ташкил этди (3.3.1-расм). Бу ўтган йилга нисбатан 2,9 баробар ўсиш натижасини берган. 2013 йилдаги “Ўзбектелеком” АК ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажми 141,4 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 1,16 баробар ўсиш натижасини берган. 2014 йилда эса “Ўзбектелеком” АК томонидан ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажми 131,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Кенг полосали юқори тезликдаги интернет тармоғига уланишни ривожлантириш ва мавжуд тармоқларни захиралаш мақсадида канал ташкил этувчи ускуналарни ўрнатилиш учун 2013 йилда 2257,4 км, 2014 йилда эса 2000 км оптик толали алоқа линиялари қурилиши амалга оширилди (3.3.2-расм).



**3.3.2-расм. Оптик толали алоқа линиялари қурилиши (км)<sup>1</sup>**

Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини амалга ошириш бўйича “Telecom Innovations” ва “Olive Telecom” кўшма корхоналари томонидан 2013 йилда 14,2 млрд. сўмлик ва 2014 йилда эса “Telecom Innovations” томонидан 20,4 млрд. сўмлик телекоммуникация маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. “Telecomm Innovations” корхонаси томонидан рақамли телевидения сигналларини қабул қилувчи 40минг

<sup>1</sup> “Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

дона IPTV ускуналари, 65 минг 800 дона ADSL модемлари, 35 минг “Home Gateway” ускуналари ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистондаги интернет хизмати абонентларининг учдан бир қисмидан ортиги кенголосали уланиш хизмати фойдаланувчилари, бу ракамлар мунтазам равишда ўсиб бормоқда. КПУ хизматининг кулайлаштириш ахборот коммуникация технологиялари нинг барча соҳалар фаолиятига жадаллик билан мунтазам жорий этилиши шароитида мажбурий талабга айланмокда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда КПУ тармоқлари ва турли ахборот ресурсларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2013 йилда тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфраструктузилмасини ривожлантириш дастури кенг полосали уланишни ривожлантиришга навбатдаги туртки бўлди. Мазкур дастур доирасида магистрал шаҳарлараро ва вилоят ички тармоқларида транспорт тармоқларини кенгайтириш бўйича ишлар амалга оширилди, бутун республика бўйича оптик толали алоқа линиялари қурилди, мобил кенг полосали уланишни ривожлантириш учун 2000дан ортиқ базавий станциялар ўрнатилди.

Мобил КПУ фойдаланувчилари сони қайд этилган КПУ абонентларига нисбатан анча кўплигини ҳисобга олиб, асосий вазифаларидан бири тақдим этилаётган мобил интэрнети сифатини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг қатор: Coscom, Unitel ва Uzmobile мобил алоқа операторлари Тошкент шаҳрида 4G LTE тўртинчи авлод мобил алоқа технологиясини жорий эта бошлидилар, бунда уланиш тезлиги 100гача етказилиши мумкин. Бутун республика бўйича мазкур технологиянинг қамраб олиш ҳудудини босқичма босқич кенгайтириш режалаштирилмокда.

Хозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистоннинг 10дан ортиқ телекоммуникация операторлари кўп қаватли уйлар ва биноларда FTTx архитектураси асосида, оптик толали уланиш ёрдамида кенг полосали уланиш технологиясини фаол жорий этмоқдалар. Бу технология мультимедия хизматларининг кенг турларини олиш имконини беради.

Ушбу кўрсаткичлар барчани қониқтиради деб айтиб бўлмайди. Шу сабабли телекоммуникация хизматлари бозори операторлари

томонидан миңтақаларда кенг полосали уланиш портларининг кенгайтирилиши бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мазкур жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилда тасдиқланган 2015-2019 йилларда ахборот коммуникация технологияларини манзили ривожлантириш дастурига мувофик амалга оширилмоқда.

Дастур ўзида умумий суммаси 883,7 млн доллардан иборат 9 та йирик инвестиция лойиҳаларини жамлаган, улар орасида қуйидаги лойиҳалар мавжуд:

- мобил алоқа тармоқларини, хусусан, HSPA+, 4G LTE технологияларини ривожлантириш;
- қайд этилган ва симсиз кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш;
- маълумотлар узатиш магистрал ва мултисервис тармоқларини кенгайтириш, оптик толали алоқа линияларини куриш;
- мултимедия хизматларининг янги турларини жорий этиш ва контентни ривожлантириш учун кулай шароитларни яратиш.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қуйидагилар кўзда тутилган:

- қайд этилган кенг полосали уланиш портлари сонини 2,2 марта ошириш;
- маълумотлар узатиш тезлигини 20 марта ошириш;
- 20дан ортиқ янги хизмат турларини жорий этиш, жумладан, IP-телевидения, IP-телефония ва бошқа хизматларни янада ривожлантириш.

Мазкур барча ишлар мамяқатимиз эксперtlари томонидан етакчи халқаро мутахассисларни жаоб этган ҳолда, маҳсус ишлаб чиқилган ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури доирасида, комплекс равишда амалга оширилмоқда. Умуман олганда, мамлакатимизда телекоммуникация инфраструктурасининг ҳозирги ҳолатини таҳлили қилиш мухим аҳамиятга эга.

**3.3.7-жадвал**  
**Телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг асосий кўрсатиччлари\***

№	Йиллар Кўрсаткиччлар номи	Йиллар				2014 йўзга- риши (%)
		2011	2012	2013	2014	
1.	Ўрнатилган АТС, ракамлар сифими номи	1 987 586	1 966 454	1 994 452	2 024 834	2
2.	Ракамларига ўзараси, %	97,1	98,8	100	100	3
3.	Маҳаллий тармоқка ўрнатилган ракамли сифимлар ўчиши, ракам	-	11 514	27 998	30 382	38
4.	Ўрнатилган кенг полосали тармоқ портлари сифимининг ўсиши, порт номи	61 657	110 138 868	148 868	46 508	33
5.	Шахарларро, халқаро, зонанчи алоқа каналлар узунлиги, млн. канал км.	232,7	276,2	381,3	448,9	52
6.	Улардан ташкил этилган оптик кабели алоқа линияси	219,4	263,5	368,2	435,9	50
7.	Магистрал кабел алоқа линиялари, км.	5 523,1	5 449,7 829,0	5 6171,699	6171,699	89
8.	Жумладан, ОТАД, км.	5 137,9	5 435,8 821,1	5 6171,699	6171,699	83

9.	Магистрал алокса линиялари оркали ташкил этилган каналлар узунлигиги, минг. канал км.	216 869,9	259 258,8	366 837,4	431 908,2	50
10.	Жумладан, ОТАД, минг канал км.	203 940,2	246 949,2	354 239,7	419 310,5	49
11.	Мобил алокаси тармоқлари коммутикация марказлари сони, бирлик	5	5	6	6	83
12.	Мобил алокаси тармоғи коммутикация марказлари узумий сыймиининг рахамалар усиси:	20 000	140 000 000	304 000	620 000 000	49
13.	Республика ахоли пунктлари камтраб олиш зонаси, %	58,1	71,3	71,4	74	79

\* “Ўзбектелеком” АҚ маълумотлари асосида муалиф томонидан ишлаб чиқилган

Юқоридаги 3.3.7-жадвалда телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг 2011-2014 йиллар бўйича асосий кўрсаткичлари келтирилган. Ўрнатилган кенг полосали тармоқ портлари сифимининг ўсиши белгиланган лойиҳалар асосида йилдан йилга бажарилиб келинмоқда. Шаҳарлараро, халқаро, зонаичи алоқа каналлар узунлиги 2011 йилда 232,7 млн. канал км, 2012 йилда 276,2 млн. канал км ва 2013 йилда 381,3 млн. канал кмни, 2014 йилда эса энг юқори кўрсаткич билан 448,9 млн. канал кмни ташкил этди. Улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси ҳам йиллар мобайнида факат ўсиш сурати билан ҳисобланган ва 2014 йилда 435,9 км деб ҳисобланди. Асосий кўрсаткичлардан бири сифатида Республика аҳоли пунктлари қамраб олиш зonasининг фоиз кўринишидаги кўрсаткичини ҳам келтириш мумкин ва 4 йил давомида бу кўрсаткич ўргача ҳисобда 20 фоизга ошган. Магистрал кабел алоқа линиялари 2011 йилда 5 523,1 км, улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси 5 137,9 км, 2012 йилда 5 449,7 км, улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси 5 435,85 км, 2013 йилда 5 829,0 км, улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси 5 821,1 кмва 2014 йилда 6171,699 км, улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси 6171,699 км деб ҳисобланган.

Магистрал алоқа линиялари орқали ташкил этилган каналлар узунлиги, мобил алоқаси тармоқлари коммутация марказлари сони, мобил алоқаси тармоғи коммутация марказлари умумий сифимишнинг рақамлар ўсиши кўрсаткичлари ҳам ўз навбатида 2011-2014 йиллар оралиғида ўсиш суратлари натижасини берган.

Бу кўрсаткичларга эътибор қаратсақ, 4 йил давомида факатгина ўсиц кўрсаткичларини кўриш мумкин ва айтиш мумкинки, телекоммуникация тармоқларининг юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлари унинг ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Кенг полосали юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишни ривожлантириш ва мавжуд тармоқларни захиралаш мақсадида канал ташкил этувчи ускуналарни ўрнатилиш учун 2000км оптик толали алоқа линиялари қурилиши амалга оширилди, жумладан, бутун Республика бўйича кўп қаватли турар жой биноларигача FTTB тармоғини ривожлантириш ишлари олиб борилди.

Демак, телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини таҳлили натижаси ижобий самара бер-

мокда ва бу келгусида режалаштирилган, белгиланган вазифалар доирасида амалга оширилиб келинмоқда.

2012 йилда амалга оширилган “Ўзбектелеком” АК маҳаллий телекоммуникация тармоқларини (NGN)» янги авлод технологиялари асосида ривожлантириш ва модернизациялаш лойиҳаси, 2015 йилдаги “Ўзбектелеком” АК магистрал тармоғини Ўзбекистон Республикаси туман марказларигача кенгайтириш ва ишончлилигини ошириш” ва ““Ўзмобайл” мобил алоқа оператори миллий тармоғини ташкил этиш” инвестиция лойиҳаларининг вилоятлар кесимидағи фаолиятларини таҳлили кўрсатилган. Ҳар бир лойиҳанинг мақсади ҳар хил ва шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда лойиҳалар бўйича ҳудудларда турлича вазифалар бажарилади.

“Ўзбектелеком” АК маҳаллий телекоммуникация тармоқларини (NGN)» янги авлод технологиялари асосида ривожлантириш ва модернизациялаш лойиҳаси асосида вилоятларга MSAN коммутацион қурилмаларни етказиб бериш ва ўрнатиш вазифаси амалга оширилган. Демак, таҳлилдан билиб олишимиз мумкинки, Навоий вилояти, Коракалпогистон Республикаси ва Самарқанд вилоятларига кўп микдордаги коммутацион қурилма талаб этилмайди.

Бундан фарқли равишда, 2015 йилда амалга оширилган ва ҳозирда ҳам амалга оширилиб келинаётган инвестиция лойиҳалари бўйича вилоятлар бўйича ўрнатилган станциялар микдори ва аниқланган обьектлар микдори таҳлил қилинган. Шунингдек, лойиҳа доирасида қайси ҳудудлар учун қанча маблағлар сарф этилганлиги ҳам ажратиб кўрсатилган.

Юқоридагилардан холоса килиб айтганда, «Ўзбектелеком» АК бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникация хизматлари бозорида етакчи мавқега эга. Компания замон ва макон талабларидан келиб чиқиб ўзининг хизматлари бозорини такомиллаштирилмоқда ва ривожлантирилмоқда. Таҳлилларимиз унинг молиявий салоҳияти кейинги йилларда кескин ошганлигини кўрсатади. Эндиликдаги бош вазифалар – молиявий барқарорликни сақлаб қолиш, филиаллар ўргасида молиявий ҳисоботлар юритиши ва назорат этиш тизимини замон талаблари даражасида ташкил этиш ва тинимсиз янги технология ва хизмат турларини жорий этиб боришидир.

## **IV БОБ. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТISODIY МЕХАНИЗМЛАРИ**

### **4.1. Телекоммуникация соҳаси инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг институционал механизмлари**

Мамлакатимизда инновацион технологияларни ривожлантириш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва бунинг асосида миллий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартлардан бири бўлиб, инвестиция фаолиятини фаоллаштириш, иқтисодиётнинг реал секторига киритилган ички ва хорижий инвестиция ресурсларидан фойдаланган ҳолда сармоя қўйилмалари кўламларини салмоқли даражада кенгайтириш ҳисобланади.

Умумий инвестиция жараёнининг муҳим элементларидан бири бўлиб тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади, улар ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг динамик ривожланиши учун зарур бўлган молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларининг, илғор технологиялар ва бошқарувнинг замонавий усулларини истиқболли манбаларидан бирини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг инвестициялар тўғрисидаги қонунчилиги МДҲ мамлакатлари қонунчилик тизимидағи энг илғор тизимларидан бири бўлиб, ҳалқаро инвестиция хукукининг асосий қоидаларини, хусусан, хорижий инвестор хукукларининг кафолатлари тўғрисидаги, инвесторлар учун маълум преференцияларни бериш тўғрисидаги қоидаларни ва бошқаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга соловчи хукукий-меъёрий ҳужжатлар 4.1.1-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни инвестиция фаолиятининг қонуний асосини қуриб, бошқа қонунлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси худудидаги инвестиция фаолиятининг хукукий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитини белгилашга хизмат қиласди.

**4.1.1-жадвал**  
**Инвестиция фоалиятини давлат томонидан тартибга солувчи хукукий-мэйрий хужжатлар\***

<b>№</b>	<b>Қабул килинган йили</b>	<b>Номи</b>	<b>Максади</b>
1.	Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1996й. 263-1-сон Конуни	Хориждан маблаг жалб килиш түгрисида	Лойихаларни хориж инвесторларининг маблаглари хисобига амалга ошириш
2.	Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998й. 609-1-сон Конуни	Чет эл инвестициялари буйина турина масалаларни хал этиши	Чет эл инвестицияларни буйина турина масалаларни хал этиши
3.	Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998й. 611-1-сон Конуни	Чет эллик инвесторлар хукукларининг кафолаглари ва уларни химоя килиш чоралари түгрисида	Хорижий хамкорлар ва инвесторлар хукукларинин кафолаглари, уларни конун доирасида химоя килиш
4.	Ўзбекистон Республикасининг 24.12.1998й. 719-1-сон Конуни	Инвестиция фаолияти түгрисида	Ўзбекистон Республикаси худудига инвестиция фаолиятининг хукукий, иктисолий ва ижтимоий шарт-шарондларини белтилаш
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.04.2005й. ПФ-3594-сон Фармони	Түргилан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рагбатлантириш борашибдаги кўшимча чора-тадбирлар түгрисида	Мамлакат иккисодиётининг янада ривожлантириш максадида тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рагбатлантириш

6.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 01.05.2006й. 74-сон Қарори	Хорижий инвестициялар иштагро- кидаги корхоналарга берилетган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширингач дөир кўшимча чор-тадбирлар тўрисида	Корхоналар фволиятида хориж инвестициялари ўрнини тақомил- лаштириш ва уларнинг имтиёзла- рини белгилаш масалалари
7.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 04.08.2014 йил 215-сон Қарори	Истиқболли инвестиция тақиғифла- рни келишиб механизмини хамда хорижий инвестициялар ва кре- дитларни жалб этиш жараёнини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўрисида	Истиқболли инвестиция тасдиqlарни келишиб механиз- мини хамда хорижий инвестици- ялар ва кредитларни жалб этиш жараёнини тақомиллаштириш
8.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 22.01.2016 йил 15-сон Қарори	Марказлаштирилган инвестициялар хисобига молиялаштириладиган инвестиция лойихаларини лойиха- лаштириш ишларини ва экспертиза- дан ўтказишни тақомиллаштиришга дөир кўнимча чора-тадбирлар тўрисида	Марказлаштирилган инвестици- ялар хисобига молиялаштирила- диган лойихаларни экспертизадан ўтказиш тизмини тақомил- лаштириш
9.	Ўзбекистон Республикасининг 25.08.2015 йил ЎРК-392-сон Конуни	Инвестиция ва пай фондлари тўри- сигда	Инвестиция ва пай фондлари фа- волиятини тақомиллаштириш
10.	Ўзбекистон Республикаси Президенти- нинг 24.07.2008 йил ПК-927-сон Каори	Хорижий инвестициялар ва кредит- ларни жалб этиш хамда ўзлашти- риш жараёнини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўрисида	Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш хамда узлаштириш жараёнини тақомил- лаштириш.

\*Муаллиф томонидан умумлаштирилган

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвесторлари тўғрисида”ги Қонуни хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишининг бош қонунчилик акти бўлиб, республикамиз иқтисодиётининг ривожланишида хорижий сармоя билан ҳамкорлик қилиш доирасидаги илгор фикрларни ўзида жамлаган. Хукуқий ҳужжат сифатида Қонун ўзининг асосий низомларида ҳалқаро инвестиция қонунчилигининг ҳалқаро андо-заларига жавоб беради. Унда Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестиция фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги асосий тушунчалар ва тамойиллар ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар хукукларини кафолатлаш ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши бизнинг мамлакатимиздаги инвестицион хукуқий иқлимини яхшилашнинг ижобий ва муҳим босқичи бўлди. Қонуннинг З-моддасида кўрсатилишича, “Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиурса, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида кўлланилади. Чет эллик инвестор ўз ҳоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларни қўллаш хукуқига эгадир” [1.4.]. Ўзбекистон қонунчилигида бундай маҳсус барқарорлаштириш даврининг мавжудлиги республикамизда инвестиция иклимини яхшилаш жараёнининг муҳим томони ва самарали воситаси сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси худудида инвестиция фаолиятини амалга ошираётган хорижий инвесторлар хукукларини ҳимоялаш чора- тадбирлари ва кафолатлари “Чет эллик инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”- ги қонун доирасида белгиланади. Хорижий инвесторларга уларнинг келиб чиқиши мамлакати, миллати ва диний эътиқоди бўйича дис- криминациянинг йўклиги, ўз маблагларидан эркин фойдалана олиш кафолатлари, инвесторлар фаолиятига тегишли бўлган ахборотдан эркин фойдаланиш, миллийлаштириш ва реквизициядан кафолатлаш каби асосий кафолатлар тақдим этилади. Давлат инвесторлар хукукларини барқарорлигини таъминлайди. Умуман олганда маз-

кур қонуннинг коидалари давлат кафолатларининг умумий қабул қилинган халқаро андозаларига жавоб беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллий ва хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолияти учун барқарор, оптимал қонунчилик базаси, ишончли хукукий кафолатларининг мавжудлиги, давлатнинг инвестициялар ва инвесторлар хукукларининг ҳаққоний ҳимоясини таъминлай олиши, бу соҳага оид самарали институционал тузилманинг ташкил қилиниши Ўзбекистоннинг хорижий сармоя учун жозибадорлигини оширади.

Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг, жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат жаҳон тажрибалари ни ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қиласдан, дунёдан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизори таъсирида Ўзбекистон иктиносидётидаги чукур иктиносидий ислоҳотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилар экан, уни инвестиция фаолиятини ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидланларидек, “Узқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, кудрати ва иктиносидётимизнинг ракобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат” [1.26.65 6.].

Инвесторлар ўзлари эгалик қиласидан ва қарзга олинган мулкий ҳамда аклий қадриятларини тадбиркорлик фаолиятига ишлатиш түғрисида қарорга келган инвестиция фаолияти субъектларидир. Инвесторлар улуш қўшувчилар, кредиторлар, харидорлар ролида майдонга чиқишлиари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа қатнашчилари вазифаларини бажаришлари мумкин:

Инвестиция жараёнининг асосий иштирокчилари бўлиб давлат, корхона ва ташкилотлар, компанииялар ва жисмоний шахслар хисобланади. Ўз навбатида буларнинг ҳар бири инвестиция жараё-

нининг талаб ҳамда таклифида иштирок этишлари мумкин.

Инвестиция фаолиятининг субъектлари бўйича уларни асосий уч гурухга ажратиш мумкин, яъни булар:

- давлат инвестициялари;
- хусусий инвестициялар;
- чет эл инвестиациялари.

Давлат инвестицияларига - шу давлатнинг давлат бюджети ва маҳаллий бюджет шаклидаги маблағларнинг бир қисмини, ишлаб чиқаришни кўллаб-кувватлаш, ижтимоий ва иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жойлаштириш тушунилади.

Давлат томонидан маблағ ажратиш йўли билан, айни вақтда бу ишни ҳукумат ва бошқарув органлари инвестиция ва ссуда ресурсларини бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига амалга оширади. Бозор иқтисодиёти шароитларида давлатнинг инвестиция фаолиятидаги роли асосан фан-техника тараққиётини рағбатлантириш, малакали ишчи кучини етиштириб бериш, ишлаб чиқариш инфраструктурасига маблағлар ажратиш сингари қиммат турадиган жараёнларга давлат сектори бюджетидан етарли маблағ бериш билан чекланиши керак. Бундан ташқари, иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва фан-техника тараққиётини тезлаштириш, жамоат ишлаб чиқариши соҳаларини согломлаштириш, қолоқ туманлар ижтимоий инфраструктурасини индустирилаш ҳамда яхшилаш мақсадларида иқтисодиётнинг устувор соҳаларига давлат томонидан ссудалар ва субсидиялар кўринишида ёрдам берилиши мумкин.

Кўп корхоналар фаолият туридан қатъий назар, ўзини фаолиятини таъминлаб туриш учун кўп микдорда маблағга муҳтоҷ бўлади. Бу корхоналарнинг ҳам узоқ ҳамда қисқа муддатли харажатлари мавжуд. Корхоналарнинг қисқа ва узоқ муддатли харажатларини молиялаштириш учун корхоналар турли хилдаги қарз мажбуриятлари ва акцияларни муомалага чиқаради. Ўз навбатида уларда бўш пул маблағлари мавжуд бўлса, улар бу маблағларни бошқа фаолиятга йўналтиради ва бу орқали даромад олади.

Жисмоний шахслар эса инвестиция жараёнига турли хил усулда маблағ етказиб бериши мумкин, масалан пул маблағларини банк ҳисоб рақамларида жойлаш, облигация, акция ва сугурта полисларини сотиб олиш, турли хилдаги мулкни сотиб олиш ва ҳ.к. Моли-

лиявий инструментларни танлаш – муҳим масала бўлиб, у инвестор ўз олдига қўядиган мақсадларига боғлиқдир.

Чет эл (хорижий) инвестициялари – бу чет элдан кириб келаётган маблағлар оқими ҳисобланади. Инвестициянинг ушбу тури ҳам давлат ва хусусий турларини ўз ичига олади. Бунда инвестиция фаолияти давлатлар, юридик шахслар ва чет эл фуқаролари томонидан чет эл инвестицияларини бериш йўли орқали амалга оширилади.

Мулкка эгалик қилиш ҳукуқига, бекаму-кўст хўжалик юритиш ёки оператив равишда бошқариш ҳукуқига, шунингдек даромадлар манбаига, жамғармаларига эга бўлган ва қарзга бериладиган ҳамда жалб этиладиган маблағларни олиш ҳукуқидан фойдалана оладиган ватан ва чет эл фуқаролари, юридик шахслар, шунингдек хорижий давлатлар томонидан биргаликда инвестициялар ажратиш йўли билан.

Демак, инвестицияларни амалга оширишда инвестиция фаолиятини олиб бориш шакллари ҳам мулкчилик шаклларига қараб белгиланади. Маблағларнинг қайси соҳаларга ажратилиши, ҳажмлари ва инвестициялар беришда қатнашиш шартларига қараб инвестиция фаолияти объектлари тавофут қилинади. Инвестициялар деганда иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳукукларини йигинди-сига тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини куйидаги йўллар билан амалга ошириш мумкин:

- юридик шахслар тузиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан мол-мulkни ёки акцияларни олиш;

- кимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;

- концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;

- мулк ҳукуқини, шу жумладан улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектлари-га, турар жойларга мулк ҳукуқини, шунингдек, ерга ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу

жумладан, ижара асосида фойдаланиш) хукукини қонун хужжатларига мувофиқ олиш.

Тадбиркорликнинг мулкчилик туридан қатъий назар инвестиция фаолияти доирасида давлат бюджети, бюджетдан ташқари фонdlар, корхонанинг ўз маблағлари, тижорат банклари маблағлари ва аҳоли томонидан жойлаштирилган улушли маблағлар ҳисобидан тўғридан-тўғри молиялаш орқали ўз фаолиятини амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестициялар марказлашган инвестиция ҳисобланади.

Инвесторлар ўз сармояларини бирор лойиҳага жалб қилишдан олдин нафақат сармоя жалб қилинаётган обьектни таҳлил қилишади, балки шу обьект жойлашган мамлакатда сармояланяётган соҳа ривожланиш даражасини ҳам урганадилар. Ўзбекистон улкан сармояланиш потенциалига эгадир. Мустақиллик даврида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур модернизациялаштиришга қаратилган лойиҳалар ўз самарасини бераяпти. Ўзбекистонга сармоядорларни жалб қилишда мавжуд ижобий омиллар ва шароитлар қуидагилар:

1. Сиёсий турғунлик .
2. Тезлик билан ривожланаётган иқтисодий инфратузилма.
3. Кулай солиқ тизими.
4. Кулай географик жойлашув.
5. Минераллар ва хом ашёга бой бўлган база.
6. Юқори малакали ишчи кучи.
7. Яшаш учун қулайлиги.

Умумдавлат аҳамиятига молик бўлган, аниқ мақсадга мўлжалланган комплекс давлат дастурларининг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгилайдиган тартибда ишлаб чиқилиди ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат бюджетидан молияланадиган инвестицияларнинг ҳажмларини тасдиқлайди. Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши хукуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини сугурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

**Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш күйидаги йўллар билан амалга оширилади:**

- инвестиция фаолиятини қонунчиллик негизини такомиллаштириш;
- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табакалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;
- асосий фондларни жадал амортизация қилиш;
- меъёрлар, қоидалар ва стандартларни белгилаш;
- монополияга қарши чораларни қўллаш;
- кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;
- ерга ва табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;
- инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиши.

Хозирги даврда инвестиция муносабатлари капиталларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасаррuf этиш борасидаги муносабатларни қамраб олади ва нафақат миллий иқтисодиёт доирасида, балки ҳалқаро иқтисодиёт даражасида ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнларини акс эттиради.

Маълумки инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиши функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг хукуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади. Давлат харажатларини молиялаштириш учун турли даражадаги бюджетларга зарур маблағлар тушумларини таъминлашга қаратилган фискал вазифанинг бажарилиши, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Тартибга солиши функциясининг ишлатилиши давлатнинг такрор ишлаб чиқарилаш жараённида ай-

рим тармоқларга инвестициялар оқимларини бошқариши билан амалга оширилади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг турли соҳаларида капитал жамғарилиши жараёнларини кучайтириш ёки сусайтириш, адолининг тўловга қобил талабини кенгайтириш ёки қисқартириш йўллари билан тартибга солиш функциясидан фойдаланилади. Соликларни тартибга солиш макроиқтисодий жараён ва пропорцияларга таъсир этишига қаратилади. Соликка тортишда имтиёзлар асосан микроиқтисодиётта қаратилган ва иқтисодий субъектлар манфаатларини ҳисобга олади. Биз юқорида кўриб ўтган функциялар солик ставкалари миқдорини ўзгартириш, имтиёзлар ва санкциялар (жазо чоралари) кўллаш, солик кредитлари бериш, тўлов муддатларини кечитириш ва бошқа йўллар билан амалга оширилади.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда соликларнинг инвестиция фаолиятини рагбатлантиришга қаратилган тартибга солиш функциясидан самарали фойдаланилади. Масалан: Япония, Тайван, Жанубий Кореяда ўтиш даврида солик протекционизмидан унумли фойдаланилган, АҚШ да «буюк депрессия»ни бартараф этиш даврида ҳам худди шундай бўлган.

Фан-техника таракқиётини рагбатлантириш учун солик имтиёзлари турларидан бири инвестиция солик кредити ҳисобланади. АҚШ да солик имтиёзининг бу тури 1962 йилдан то 1986 йилга қадар кўлланилган. Бунда чегирма миқдори техника-жихозлар тури ва уларнинг хизмат муддати бўйича табақалаштирилган. Бу имтиёзнинг вариантларидан бирида АҚШ ишлов берувчи саноатидаги корпорациялар фойда солигининг ишга туширилган ҳамда хизмат муддати 8 йил ва ундан ортиқ бўлган техникалар қийматининг 7 фоизи миқдорида, хизмат муддати камроқ бўлган техникаларни ишга туширилганлик учун камроқ миқдорларда қисқартириш хукуқини олдилар.

Японияда, масалан, саноат компаниялари илфор техника ва технологияга қилинган инвестицияларнинг 7 фоизига тенг миқдорда фойда солигини қисқартириш хукуқига эга. Канадада бундай чегирма илфор техникага қилинган инвестицияларнинг 7 фоиздан 20 фоизигача миқдорини ташкил қиласи.

Бозор иқтисодиёти шароитида у ёки бу инвестиция обьектига қўйилма қўйиш шу мақсаддан келадиган даромад даражасига боғлиқ. Даромад меъёри, у орқали эса ушбу активларнинг баҳолари,

инвестиция товарларига бўлган талаб ва таклиф орқали аниқланади. Бундай ҳолларда давлат ўзининг пул-кредит сиёсати орқали инвестицияга бўлган талаб ва таклифни тузилиши ва нисбатига таъсир этиши мүмкин. Натижада эса инвестиция қатнашчилари молиявий активларнинг даромадлилик меъёрига ўз таъсирини ўтказади. Бизга маълумки ҳар бир давлат ўзининг иктиносидий ҳолатидан келиб чиқиб у ёки бу турдаги инвестиция бозорини тартибга солиш концепциясини кўллайди. Жаҳон амалиётида қўлланилган ҳар қандай концепциялар икки даражали мақсадни ўз ичига олади:

1. Оралиқ мақсад - талаб ва таклиф нисбати, фоиз ставкалари ва пул массасининг ўсишини мутаносиблаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилади.

2. Пировард мақсад - миллий даромадни ўстириш, ахолининг бандлик даражасини таъминлаш, инфляцияни пасайтириш ва бошқалар хисобланади.

Оралиқ мақсад эса пул-кредит ва молия соҳасидаги талаб ва таклиф ўргасидаги мос келадиган нисбатни тартибга солиш мўлжалли сифатида хизмат қиласди.

Пировард (стратегик) мақсад пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқаришга таъсир этиши даражасини аниқлайди.

Умуман олганда давлат томонидан инвестиция фаолиятини тартибга солиш куйидаги мақсадларга боғлик:

- ишлаб чиқариш ва бандлик ўргасидаги тебранишни текислаш;
- баҳони барқарорлаштириш (хеч бўлмаганда инфляция даражасини пасайтириш);
- миллий даромадни ўстириш;
- тўлов балансини яхшилаш (ички ва ташки қарзларни қисқартириш);
- давлат бюджети камомадини пасайтириш.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан рафбатлантиришда амалга ошириладиган чора тадбирларга куйидагилар киради:

1. Кредит экспансияси (тижорат банклар томонидан бериладиган кредит ресурсларнинг фоиз ставкасини пасайтириш йўли билан ссуда капиталининг таклифини ошириш).

2. Давлат маңбаатдор бўлган тармоқларни бюджет ресурслари хисобидан кредитлаш.

3. Давлат манфаатдор бўлган қарздор тармокларнинг тўлов қобилиягини кафолатлаш.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги Қонунида кўйидаги давлат томонидан инвестиция фаолиятини тартибга солиш чоралари белгиланган:

- инвестиция фаолиятининг Қонунчилик негизини такомиллаштириш;

- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш обьектларининг, солик ставкалари ва уларга доир имтиёзларини табақалаштирувчи солик тизимини қўллаш;

- асосий фондларни жадал амортизация қилиш;

- монополияга қарши чораларни қўллаш;

- инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмини такомиллаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини юритиши.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солища мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсатини тартибга солиш ҳам муҳим аҳамиятига эга.

Ташқи иқтисодий сиёсат – бу миллий жорий ва стратегик мақсадларга мувофиқ ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида давлат идоралари томонидан амалга ошириладиган чора – тадбирлар мажмуасидир.

Инвестицияларнинг иқтисодиётга кириб келиши ва уларнинг интенсивлиги бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, бу омиллар бир сўз билан инвестиция муҳити деб аталади.

Инвестиция муҳити бир неча омиллардан иборат. Уларнинг асосийлари қўйидагилардир:

1. Инвестиция сиёсати.
2. Инвестиция иклими.
3. Инвестиция фаолияти.

Инвестиция сиёсати инвесторларнинг ҳақ-хуқуқлари, имтиёзларини таъминлаш билан бир қаторда иқтисодиёт тармокларига тегишли асосий фондларни кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришига йўналтириш, соликка тортиш механизми ва молия-кредит си-

ёсатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар йигиндисидан таркиб топади.

Инвестиция иқлими жуда кенг маъноли тушунча бўлиб, бунда, инвесторлар томонидан ўз маблағлари қай йўсинда сарфланиши турли усуллар орқали баҳоланади, мисол учун, мамлакатда капитал қўйилмаларни жойлаштириш учун яратилган шарт-шароитлар қанчалик даражада эканлигига баҳо берилади, шунингдек, мамлакатнинг ички сиёсати, иқтисодиёти, маданияти ва ҳатто мафкураси ҳам ҳисобга олинади.

Инвестиция иқлими тушунчаси микро ва макроиктисодий доираларда кўриб чиқилади ва улар ўзаро бир- бири билан узвий боғлиқ бўлади.

Макро доирадаги бу тушунча мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазият сингари омилларни ўз ичига олади. Жумладан, давлатнинг инвесторлар хусусидаги сиёсати, халқаро битимларга риоя қилиш анъаналари, хорижий инвестицияларни миллийлаштиришга мойиллик, молиявий институтларнинг мустаҳкамлиги, иқтисодиётда давлат аралашуvinинг даражаси ва бошқалар сингари кўрсаткичлар ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Микро иқтисодий инвестиция иқлимида эса инвесторнинг аниқ субъектлар, яъни давлат органлари, хўжалик субъектлари, мол етказиб берувчилар, меҳнат жамоалари, молия кредит тизимлари билан бўладиган муносабатлари намоён бўлади.

Инвестиция фаолияти инвестициялашнинг энг асосий марказий бўгини ҳисобланади, чунки айнан шу жараёнда инвестиция бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтади, яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилмалар (харажатлар), капитал мулк (тайёр маҳсулот), иқтисодий самара (даромад, фойда) шаклини олади.

Қонуний, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, солиқ тизими, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган субъектлар орасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи қонуний механизmlар, инвестиция даражаси, миллий валютанинг курси, чет эл инвестицияларининг сугурта қилиш билан боғлиқ ҳимоя механизmlари, инвестиция лойиҳалари тўғрисида аниқ маълумотлар, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражаси ва шу кабилар инвестиция муҳитига таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан хулоса қиласынан бүлсак, инвестиция мухити сармояни муайян объектта ёки мамлакатта жойлаштиришнинг барча афзаликларини белгилайдиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа шароитлар мажмуудир.

Республикамиз телекоммуникация соҳасида кўлланиладиган асосий давлат стандартлари 4.1.2-жадвалда келтирилган. Бу давлат стандартлари соҳада фаолият юритувчи барчá корхоналар учун мажбурийдир. Телекоммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишида ушбу давлат стандартларидан фойдаланилади.

#### 4.1.2-жадвал

#### Телекоммуникация соҳасида кўлланиладиган давлат стандартлари<sup>1</sup>

№	Санаси ва сони	Номи	Максади
1	O'zDSt 1135:2007	Маълумотлар базалари ва жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимиyati органлари ўргасида ахборот алмашишига кўйиладиган талаблар	Ушбу стандарт маълумотлар базаларининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, эксплуатация қилиш ва техник жиҳатдан кузатиш босқичларидаги маълумотлар базаларига ҳамда жойлардаги давлат ҳокимиyati ва давлат бошқаруви органларининг ахборот тизимлари ўргасида ахборот алмашишига кўйиладиган асосий талабларни белгилайди. Ушбу стандартда белгиланган талаблар жойлардаги давлат бошқарув ва давлат ҳокимиyatinинг барча органларида кўлланилиши учун мажбурийдир.
2	O'zDSt 1985:2010	Ахборот тизимларини яратишида хужжатларнинг турлари, комплектлилиги ва белгиланиши	Стандарт O'z DSt 1986да белгиланган ахборот тизимини яратиш босқичларида ишлаб чиқиладиган хужжатларнинг турлари, комплектлилиги ва белгиланишини белгилайди. Ушбу стандарт билан белгиланадиган талаблар давлат органлари ва корхоналарининг ахборот тизимларини яратишида кўллаш учун мажбурий.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан умумлаштирилган

3	<u>О'з DSt 1986:2010</u>	Ахборот тизимлари, яратиш боскичлари	Ушбу стандарт ташкилотлар ва корхоналарда яратиладиган ахборот тизимларига тааллукли ва ахборот тизимларини яратилишининг боскичларини белгилайди. Ушбу стандарт билан белгиланадиган талаблар давлат органлари ва корхоналарининг ахборот тизимларини яратишида кўллаш учун мажбурий.
4	<u>О'з DSt 1987:2010</u>	Ахборот тизимини яратиш учун техник топширик	Ушбу стандарт яратиладиган ахборот тизимларига тааллукли ва «Ахборот тизимини яратиш (ривожлантириш ёки модернизация килиш) учун техник топширик» хужжатининг таркиби, мазмуни, расмийлаштириш қоидаларини белгилайди. Ушбу стандарт билан белгиланадиган талаблар давлат органлари ва корхоналарининг ахборот тизимларини яратишида кўллаш учун мажбурий.
5	<u>О'з DSt 2295:2011</u>	Электрон хужжатни шакллантириш, кўллаш ва саклашга кўйиладиган талаблар	Ушбу стандарт электрон хужжатнинг формати, таркиби ва мазмунига, уни кўллаш соҳасига ҳамда электрон архивда саклаш усулларига кўйиладиган умумий талабларни белгилайди. Ушбу стандарт давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларига тааллуклидир.
6	<u>О'з DSt 2298:2011</u>	Электрон хужжат айланиси бўйича намунавий талаблар	Ушбу стандарт куйидаги шартларни қаноатлантирувчи электрон хужжат айланиси тизимларига кўйиладиган талабларни белгилаш учун мўлжалланган: -тизимлар ташкилий ва бошқарув хужжатларини бошқариш жараёнларининг автоматлаштирилишини таъминлайди; -тизимларда хужжатлар реквизитларининг киймати ва электрон кўринишдаги хужжатларни рўйхатта олиш шакллари мавжуд. Ушбу стандартда электрон хужжат айланиси тизими ахборот хавфсизлигининг тузилиши, ишлаши ва уни таъминлашга кўйиладиган талаблар белгиланган. Ушбу стандарт Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг электрон хужжат айланиси тизимларига тааллуклидир.

7	<u>O'z DSt 2590:2012</u>	<b>Миллий ахборот тизимини шакллантириш доирасида давлат органлари томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимлари интеграциясига ва ўзаро фаолиятига кўйиладиган талаблар</b>	Ушбу стандарт миллий ахборот тизимини шакллантириш доирасида давлат органлари интеграцияланган ахборот тизимларини тармоқда уланиши, дастурий кисми ва ахборот хавфсизлиги талабларини ўз ичига оладиган ташкилий ва техникавий талабларни белгилайди. Давлат стандарт талаблари ўз ахборот тизимларини интеграцияловчи, шунингдек миллий ахборот тизимини шакллантириш доирасида янги ахборот тизимларини яратувчи давлат органлари томонидан риоя қилиниши учун мажбурий.
---	------------------------------	---	---

Республикамиз телекоммуникация соҳаси қонунчилигини тако-миллаштириш амалдаги меъёрий-хукукий хужжатларни тизимли мониторингини олиб бориш, телекоммуникация секторида пайдо бўлаётган асосий муаммолар ва уларни ҳал қилишга йўналтирилган тадқиқотларни ўtkазишига асосланган бўлиши лозим. Телекоммуникация секторининг алоҳида қисмларида ўзини-ўзи бошқариш функционал механизмини таъминлаб берувчи бошқа хужжатларни ишлаб чиқишига йўналтирилган тадқиқотлар амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида куйидаги долзарб масаладар ўз ечимини топиши лозим:

- давлат органлари ахборот ва ахборот-бошқарув жараёнларини оптималлаштириш;
- мамлакатимизда ягона хукукий ва ахборот маконини яратилишидаги тўсикларни йўқотиш;
- хукумат органларининг яхши ишлаши учун жисмоний ва юридик шахслар хукуқларини амалга оширишда зарур бўладиган давлат ахборот ресурсларининг оптимал тузилмасини аниклаш;
- хориж тажрибасидаги ўхшаш ижтимоий муносабатларни тизимли тартибга солиш ва уни ўзимизнинг қонунчилигимизга мослаштириш.

Амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилар ҳисобланади:

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда ўзини-ўзи бошқариш жаравлантиришни рағбатлантирувчи меъёрларни киритиш лозим;
- давлат ахборот ресурсларини тизимли тартибга солиш ва ривожлантириш;
- шахсий маълумотлар тизимини яратиш ва ундан фойдаланиш меъзонларини аниқлаш;
- телекоммуникация соҳасида лицензияланадиган фаолият турларини қисқартириш;
- ахборотни тақдим этишдан воз кечиш билан боғлиқ бўлган мунозаралар категорияларини аниқлаш орқали процессуал қонунчиликка ўзгартириш киритиш;
- оммавий ахборот воситаларида қонунга хилоф тарзда ахборот тарқатганилик учун жавобгарликни кучайтириш.


Юқорида келтирилган амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади ва муовফиклаштиради.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, телекоммуникация соҳаси мамлакат тараққиётida миллий стратегия сифатида муҳим аҳамият касб этади ва бунда кўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ахборот-коммуникация технологияларини экспорт қилиш ушбу соҳани ўсишига ва хорижий инвестициялар орқали иқтисодий фойдани кўпайишига олиб келиши мумкин;
- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожланиши ички бозорда талабнинг ўсиши ва мустаҳкамлигини оширишга хизмат қиласди;
- ахборот-коммуникация технологияларини ҳудудий жорий қилиш ва ривожлантириш жаҳон бозорида рақобат позициясини ўстиришнинг асосий шартларидан ҳисобланади;
- миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини таъсирини оширишда инсон капитали сифатини ошириш, ички бозорда талабни ўстириш, тармоқ ичидаги рақобатни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, институционал механизмларни тақомиллаштириш ва шу кабиларни инобатта олиш керак;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш учун давлат миқёсида барча органлар биргаликда ҳаракат килиши лозим.


Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг амалий жиҳатларини қуида келтирилган расмларда кўриш мумкин.



#### 4.1.1-расм. Рақамлаштирилган телефон станциялари (%)\*

\*Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган


4.1.1-расмдан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда республикамиздаги барча телефон станциялари тўлиқ рақамлаштирилган ва замонавий талабаларга жавоб беради.



#### 4.1.2-расм. Оператор ва провайдерлар сони (дана)\*

\*Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган


Ҳозирги кунда республикамизда фаолият кўрсатадиган оператор ва провайдерлар сони 4.1.2-расмда келтирилган бўлиб, улар сони жами бўлиб 854 тани ташкил этади.



#### 4.1.3-расм. Ҳалқаро интернет тармоғи тезлиги (Gbit/s)\*

\*Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган


4.1.3-расмда республикамизда ҳалқаро интернет тармоғи тезлиги келтирилган бўлиб, 01.01.2016 йил ҳолатига 26.4 Gbit/s ни ташкил қиласди.



#### 4.1.4-расм. UZ доменингаги доменлар сони (минг дона)\*

\*Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган


Республикамизда UZ доменидаги доменлар сони 4.1.4-расмда көлтирилган бўлиб, ундан кўриниб турибдики, 01.01.2016 йил ҳолатига 25.2 минг донани ташкил этади.



#### 4.1.5-расм. Дастурий таъминот ишлаб чиқариш билан шугулланувчи хўжалик субъектлари сони (дона)\*

\*Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Хозирги кунда мамлакатимизда дастурий таъминот ишлаб чиқариш билан шугулланувчи хўжалик субъектлари сони 4.1.5-расмда көлтирилган бўлиб, улар 326 донани ташкил қиласди.



#### 4.1.6-расм. [www.uz](http://www.uz) да рўйхатдан ўтган веб-сайтлар сони (минг дона)\*

\*Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Республикамизда фаолият кўрсатаётган 9.8 минг нафар ташкилотларнинг веб-сайтлари 01.01.2016 йил ҳолатига [www.uz](http://www.uz) да рўйхатдан ўтган бўлиб, бу ҳакда маълумот 4.1.6-расмда келтирилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай холоса қилиш мумкинки, телекоммуникация соҳасида амалга оширилаётган ишлар самараси ушбу соҳада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг институционал механизмлари, жумладан меъёрий-хукуқий хужожатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, низом ва қоидаларни ўз вақтида жорий этилишига ва уларнинг натижасига боғлиқ.

#### **4.2. Телекоммуникация соҳаси корпоратив секторида инвестиция фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши**

Компанияни ривожлантиришнинг маркетинг ва тижорат стратегияси тижорат ва маркетинг инструментларини ҳамда чоратадбирларини киритиши, оптималлаштириш ва ривожлантириш йўллари орқали компаниянинг мақсад ва вазифаларига этишишига қаратилган бўлиши керак.

Тадқиқотлар натижасида телекоммуникация корхоналарини инвестиция фаолиятини ривожлантириш ҳамда корхонанинг инвестицион жалб қилувчанлигини ошириш концепцияси ўз ичига кўйидаги стратегияларни олиши лозим:

- тижорат ва маркетинг;
- ташкилий-бошқарув;
- технологик янгилаш;
- валютавий тушумини кўпайтириш;
- хизмат кўрсатишга янгича ёндашув;
- дилерлик тармоғини ривожлантириш.

Муаллиф томонидан таклиф этилаётган стратегиялар орасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришга тўғридан-тўғри таъсир этадиган стратегия бу – компаниянинг валютавий тушумини кўпайтириш стратегияси ҳисобланади.

Шу билан биргаликда Компаниянинг бу стратегияси ривожланишнинг технологик стратегиясининг асосини ташкил қиласи, бошқача қилиб айтганда, у бошчилик қиласидиган

стратегиядир. Тижорат ва маркетинг стратегиясининг асосий вазифаси 2011 йилнинг ўзидан бошлаб асосий йўналиш ва кўрсаткичлар бўйича юқори динамикани таъминлаш ва уни белгиланган муддат давомида кўллаб-куватлаб туришидир. Бу стратегия кўпчилик лойиҳаларда муваффақиятли амалга оширилиши, сотиш ва даромад динамикасига тўғридан-тўғри ва минимал муддатларда таъсир қилиши сабабли, улар кўпчилик холларда биринчи даражали ишлар сифатида қабул қилинади.

Тижорат стратегиясининг асосий вазифаларидан бири – “Компанияни мижоз томонга ўтиши ва мижозга яқинроқ бўлишдир”, бу эса ўз-ўзидан абонент база ва даромадни кўтариш омилларини таъминлайди. Шу сабабдан, бу стратегия доирасида қатор концептуал лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Аҳолига “Ягона ойна” тизими орқали хизмат кўрсатишини ташкил этиш бўйича комплекс лойиҳасини амалга ошириш айнан шу вазифага қаратилган. Бугунги кунда Компания барча операторлар орасида энг кенг ва республика худуди бўйича ёйилган абонентлар бўлимни тармоғига эга. Шу билан бирга, бугунги кунда Компания ишлаб чиқариш тармоғи ва худудий қамраб олинганилиги бўйича энг кучли технологик потенциалга, телекоммуникация хизматларининг энг кенг спектрига ва умуман олганда рақобатбардош тарифларга эга. Аммо бу омилларнинг ҳаммаси абонент бўлимлари ишларининг ҳаддан ташқари паст унумдорлилиги (сотув вертикалининг шартлилиги), мижозларга хизмат кўрсатишининг паст даражадалиги ва сотувларни бошқаришнинг аниқ вертикалининг йўқлиги минимал даражага олиб борилмокда. Бундай муаммолар Компанияяга ўзининг техник параметрлар жиҳатидан анча кучсиз рақобатдошлари билан рақобат қилишга имконият бермаяпти. Бундан ташқари, компаниянинг деярли барча филиаллари сотувнинг бир тизимиға тўлақонли интеграциялашмасдан ва мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш бир бутун тизимисиз ўзининг сотув офислари тармоғини ўзлари ривожлантирадилар. Шу тариқа, мижоз Компания филиаллари хизматларини ўзаро тасаввур қила олмайди, уланиш, тўлаш ва бу хизматларини бошқариш мижоз учун қийинлашиб боради. Ягона ойна тизими орқали хизмат кўрсатишини ташкил этиш сотув бўлимларининг анча унумдор ва

самарали ишлашини, бозор талабларига жавоб берувчи хизмат кўрсатишнинг ягона стандартини киритишни таъминлайди ва энг асосийси – Компанияни мижоз томонга ўтиришга, уни мижозга якинроқ бўлишига имкон яратади ҳамда мижоз билан Компания ўргасидаги ўзаро муносабатларни енгиллаштиради.

Муаллифнинг фикрича компанияни ривожлантиришни маркетинг стратегиясини самарали амалга ошириш учун авваламбор кўйидаги йўналишларда амалий ишларни ташкил этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Абонент бўлимларини такомиллаштириш, у ягона корпоратив стандартта мувофиқ бўлиши, бозорнинг эстетик талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлиши керак, у ўз ичига фасаднинг таъмирланиши ва биноларнинг интеръерларини ҳам, интеръер нарсалари ва жиҳозларининг ҳамда компютер ва ташкилот техникаларини янгилашни ҳам ўз ичига олиши керак.

2. Бизнес-жараёнлар ва уларнинг автоматлашувини янгилаш билан филиаллар абонентлари билан ишлашинг ягона умумлашган жараёнини киритиш (филиалларнинг биллинг тизимли Ягона ойна модулларини киритиш).

3. Мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари ва ишларига тамомила янги талабларни киритиш – Компания барча Фронт-офиси бўлинмалари (филиаллари) нинг кадрлар таркибида комплекс ислоҳотлар олиб бориш, яъни бу бўлинмаларга абонент бўлимлари (Ягона ойна тамойилига асосан), марказлаштирилган телефон килиш маркази (ягона рақамларга эга ахборот хизмати ва техник ёрдам кўрсатиш хизмати), жойига чиқиб техник ёрдам кўрсатиш маркази (монтер ва бошқалар) киради. Бошқа сўзлар билан айтганда – ислоҳотлар мижозлар билан тўғридан-тўғри муносабатга киришиш функциясига эга ҳар бир ишчи ва бўлинмани ўз ичига олиши даркор.

4. Компания аппаратидан бошлаб сотувларни оператив бошқаришнинг аниқ ва тушунарли вертикалини киритиш. Ушбу куйи лойиҳа сотувларни марказлаштирилган бошқаришнинг аниқ ва мустаҳкам вертикалини ташкил этишини ўз ичига олади, бунда ушбу вертикал бирламчи маъно ва мазмунга эга бўлиши керак ва бошқа барча бўлинмаларга ишлаш жадаллиги ва йўналишини кўрсатиб

бериши керак. Шу билан биргаликда, ушбу лойиха доирасида сотув вертикали ишчиларини рағбатлантирувчи тамоман янги, тушунарли ва асосийси тұғри ишловчи модел киритилиши даркор. У қимматли ишчиларни жалб қилиш ва ушлаб туришнинг асосий омили бўлиб қолади (бозорда тўлов даражасининг рақобатбардошлилиги) ва аксинча, вертикал кучсиз ишчилардан тозаланади.

Ўз-ўзидан маълумки, ушбу комплекс лойиха бир босқичда амалга оширилиши мумкин эмас. Шундай бўлса ҳам, лойихани биринчилар қаторига қўшиш керак. Бунда Тошкент шаҳрида ва вилоятларда камида 1-2 тадан тамоман янги сотув оғисларини тақдим этиш керак. Биринчи босқич, доирасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти барча абонентларига хизмат кўрсатишнинг ягона телефон қилиш марказлари ишларини ислоҳот қилиниши ҳам тугатилиши керак.

Лойиханинг иккинчи босқичи ўз вақтида тугатилиши керак, бунда абонент бўлинмаларининг ҳаммаси: тақомиллаштирилган ва янги сотув оғислари сифатида таништирилган бўлиши керак, уларнинг ҳажми худди шундай бўлиши шарт эмас. Мижозларнинг барча қўнғироқлари эса ягона телефон қилиш марказида ишланади.

Хулоса қилиб айтганда, лойихани амалга ошириш натижасида Компания умумлашган сотув тизими ва тармоғига эга бўлади. У ўз ичига Компания барча филиалларининг аҳолига кўрсатаётган ҳамма хизматларини қамраб олади. У территориал чегараларга эга бўлмайди, яъни ҳоҳлаган сотув оғиси компаниянинг исталган мижозига хизмат кўрсатиши мумкин, бунда у маҳсус талаб ва чекловларга эга бўлмайди.

Кейинги маркетинг стратегиянинг асосий лойихаси бундан олдинги лойиха билан чамбарчас боғлиқ ва параллел бўлиб, у реклама қилишнинг янги стратегияси ва компаниянинг сотув маркаларини тўлиқлигича ребрендинг қилишдир. Бугунги куннинг ўзида компания 2 млн. ортиқ абонентларга эга лигини ва кейинги беш йил ичидаги абонентлар сонини сезиларли даражада оширишни ўзига мақсад қилганлигини ҳисобга олган ҳолда биринчи мижоз реклама ва реклама маҳсулоти орқали Компанияга келганлигини ўтибордан четда қолдириш керак эмас.

Муаллиф томонидан таклиф этилаётган лойиха қуйидаги суб-компонентларни ўз ичига олади:

1. Брэнднинг янги стратегияси ва фалсафасини (ва суббрэндларни, агарулар кўзда тутилган бўлса) ва сифат стандартларини ҳамда брэндларнинг тушунарли дараҳтини – асосийдан бошлаб хизматнинг ҳар бир сегментигача ишлаб чиқиши.

2. Янги стратегияга асосан янги визуал ва товуш элементларини ишлаб чиқиши ва ҳалқаро талабларга асосан уларни хужжатлаштириш.

3. Ҳамма реклама материаллари, хужжат шаблонлари ва брэнднинг визуал ва товушли элементларини бошқа ташувчиларни тўлиқ ўзгартириш, шулар қаторида Компания хизматларига олдиндан тўлаш карталарини битта универсал картага ўтказиши.

4. Аҳоли учун тамоман янги тариф пакетларини ишлаб чиқиши ва бозорга олиб кириш – улар соддалаштирилган, барчага тушунарли ва қайсиидир маънода “агрессив” бўлиши керак. Бундай омилда алоҳида бир нарсани эътиборга олиш керак, тариф сиёсатининг баъзи бир тарифларнинг пасайтирилиш тарафига тубдан ўзгартирилиши берилган хизматлар бўйича абонентлар сонини кўпайтиришга ва даромадларни оширишга нисбатан кўйилган мақсадларга эришиш учун асосий омил сифатида намоён бўлади. Бунга яқин ва узок хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ҳамда Ўзбекистонда яқинда мобил алоқа бозорининг ривожланишининг янги тўлқини далил бўлади.

5. Янги маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши ва тадбиқ этиши, у янги брэндни бозорга киритиш, унинг кейинги мустаҳкамланиши, брэнд ва суб-брэнд билан боғланган маълум бир хизматлар рекламаси бўйича ҳар йилги медиарежани ўз ичига олади.

6. Компанияда PR компонентларини кучайтириш – Компания веб-сайтлари форматини ва тузилишида ислоҳот ўтказиши (форматни филиаллардан хизматлар ва бозор сегментларига ўтказиши), корпоратив блокни ишлаб чиқиши ва тадбиқ этиши.

Кейинги йилларнинг рекламалаштириш ишлари ушбу лойиҳанинг асосий ташкил этувчи қисми бўлиши тахмин қилинайти. Компания рекламасининг асосий йўналиши имидж рекламасидан аҳоли учун маълум бир хизмат ёки тариф рекламасига қаратилади, шу билан ўзининг асосий функциясини бажаради – маълум бир хизматларга янги мижозлар жалб этилади.

Ушбу лойиҳа Ягона ойна тизими лойиҳасини киритиш билан биргаликда интеграллашади, у Компания филиаллари ва унинг барча хизматларини бир бутунга киритиш даражасида олиб борилади.

Оддий сўзлар билан айтганда, ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида сотув офислари рекламасида бошқа филиаллар номлари кўрсатилмайди (ТШТТ, БКМ ва бошқалар), бунинг ўрнига қайси филиал бу хизматни (телефония, мобил телефония, интернетта кириш, мобил телефонлар орқали қўнғироқ қилиш учун олдиндан тўлов ва бошқалар) ишлаб чиқаришидан қатъий назар аҳоли учун бўлган барча хизматлар бир брэнд (суб-брэнд) асосида реклама қилинади. Бу комплекс ва кўп босқичли лойиҳани амалга оширишнинг яна бир муҳим натижаси Ўзбекистонда кенг полосали кириш (КПК) бозорини ривожланишининг янги тўлқини бўлади, буни эса қўзгалмас алоқани тақдим этувчи йирик миллий оператор ташкил этиши ва қўллаб-кувватлаши керак.

Корпоратив секторда хизматлар сотувни тузилишини ривожлантириш ва модернизациялаш лойиҳасини амалга ошириш йирик корпоратив мижозларга (яъни давлат ташкилотларига) диверсификациялашган, эътиборлироқ ёндашувни таъминлашга ёрдам беради. Ушбу лойиҳа доирасида битта тор ихтисослашган филиал таркибида корпоратив сотувни бошқариш аниқ тузилмасини киритиш назарда тутилади. Бу филиаллар ўргасида бир хил корпоратив мижозлар учун бўлган ички рақобатни муаммосини бартараф этишга ҳамда Компанияга корпоратив сотувлар бозорида рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради. Аҳолига Ягона ойна лойиҳасига ўхшаб ушбу лойиҳани ягона филиал тузилмасидан корпоратив фойдаланувчилар учун барча хизматларга Ягона ойна ва Ягона келишув сифатида тавсифлаш мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш вақтида қўйидаги компонентлар ҳал этилиши ва тадбик этилиши зарур:

1. Бир тузилмали бўлинма доирасида корпоратив мижозлар учун барча телекоммуникация хизматларини ягона тариф пакетларига интеграциялаш.

2. Корпоратив сотувлардан келадиган ҳажм ва даромадларни биргаликда ишлатиш бўйича филиал ва бошқа қолган филиаллар

ұртасида аник муносабатларни расмийлаштириш, хужжатлаштириш ва ташкил этиш.

3. Кадр компоненти – унумдор ва ишчан тузилмани ишлаб чиқиш, филиал менежерлари малакасини таңлаш ва ошириш, мотивациялашнинг тушунарли ва самарали тизимини киритиш. Алохидә эътибор сотиши департаменти менежерлари тузилмаси ва таркибига қаратилмоғи даркор.

4. «Кафолатланган хизмат қўрсатиши даражаси» (SLA) стандарти ва ёндашувини ташкилий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш (технологик жиҳат унга тааллуқли бўлимда режалаштирилган).

5. Маркетинг компоненти – «Ребрэндинг» лойиҳасига мос ва интеграллашган, корпоратив секторга нисбатан маркетинг сиёсатини комплекс кўриб чиқиш ва манзилли ҳамда индивидуал маркетингнинг самаралироқ каналлари ва воситаларини тадбиқ этиш.

6. Корпоратив сектор учун хизмат ва тарифлар пакетини модернизациялаш ҳамда корпоратив сектор учун тамомила янги хизмат турларини киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

Лойиҳани корпоратив бозорда амалга ошириш натижасида Компания номидан рақобатчиларга жавоб қайтара оладиган, ҳар бир йирик корпоратив мижоз билан ишнинг эгилувчан усули билан ишлай оладиган, телекоммуникация хизматларини корпоратив сотиши бозорининг асосий улушкини ўзига жалб қиласидиган ва бу сегментда етакчи бўла оладиган янгиланган муносиб ва жiddий ўйинчи пайдо бўлиши лозим. Шунга мувофиқ, берилган филиалнинг кейинги ривожланиши корпоратив сектор учун тамомила янги хизмат турларини киритиш суб-loyihalarini ўз ичига олиши ёки киритилган хизматларни бутунлай янги даражага олиб чиқиши керак. Бундай хизматларга қўйида-гилар мисол бўлиши мумкин:

А. Бутун дунё бўйлаб ёйилиб бораётган - «Telepresence» асосида видеоконференция хизмати. Бу хизмат тўлақонли бизнес келишувларни олиб боришга қаратилган.

Б. Йирик ташкилот ва идораларнинг ички корпоратив алоқага бўлган барча талабларини тўлиқ қондира оладиган тўлақонли виртуал корпоратив коммуникация тизими (овоз, матнли хабарлар, электрон почта, видео). Шу йўл билан ушбу ташкилотлар ўзлари-

нинг АТС ва коммуникация тизимларини ташкил этиш ва киритишнинг мақсадга мувофиқлигини минималлаштириш.

В. Ахборот хавфсизлигининг халқаро талабларига жавоб берадоладиган маълумотларни саклашнинг виртуал тизимлари.

Г. Вируслар ва тўғридан-тўғри тармокдан ташланишлари ва киришлари (Intrusion Prevent Systems) дан корпоратив ва идоралар тармоқларини марказлаштирилган ҳимоя қилиш хизмати. Хизматнинг ушбу тури тармоқнинг ахборот хавфсизлиги (Managed Security Services) хизматининг нисбатан янги тури хисобланади. Бу хизматнинг маъноси шундаки, корпоратив мижоз, давлат идораси ёки суб-оператор тармоғига келувчи барча трафиклар тармоқларнинг ахборот хавфсизлиги маркази комплекс аппарат дастуридан ўтказилади. Унда трафик замонавий таҳлил технологиялар асосида филтрланади ва унда вирус бўлиши ёки ахборот хужуми бор ёки йўқлиги аниқланади. Шу билан биргаликда филтрлаш каналлар сифатига таъсир қўлмайди ва трафикнинг қўшимча ушланиб қолинишига деярли таъсир қўлмайди.

Д. Йирик корпоратив мижозлар ва давлат идоралари ишлатиши мумкин бўлган кўп томонлама видеоконференция хизмати. Бу хизмат оммага тақдим этилмайди, ундан фақат рўйхатдан ўтган корпоратив тузилмалар фойдаланиши мумкин. Улар маҳаллий ёки хорижий бўлиши мумкин, асосийси улар керакли бўлган видео-терминалларга эга бўлишлари керак.

Е. Йирик идораларнинг маҳсус ихтисослашган телекоммуникация хизматларига бўлган индивидуал талабларини тижорат асосида таъминлаш (масалан, шаҳар транспортини бошқариш мақсадида автотранспортни кузатиш тизимларига маълумотлар юбориш мухити, оператив ҳаракат қилиш – Тез ёрдам, Милиция, Ўт ўчириш хизмати ва бошқа хизматларга овоз, видео ва маълумотларни ўтказиш мухити).

Корпоратив секторга тақдим этиладиган хизматлар турларини кенгайтириш ва ривожлантириш каби бу ва бошқа суб-лойиҳалар ривожланишининг инвестициявий ва технологик стратегиясида эътиборга олиниши керак.

Қўшимча хизматлар спектрини ривожлантириш ва кенгайтиришни жадаллаштириш ҳамда уларнинг ёйилиб бориши аҳолига хизмат сотувларини ривожлантиришининг ажralmas қисмига айланиши

керак. Аҳоли учун барча телекоммуникация хизматларини (мобил алоқадан ташқари) тақдим этишда ҳеч шубҳасиз етакчилик қилиш ва даромадларни диверсификациялаш мақсадлари берилған муддаттарда амалга оширилиши кераклигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда жаҳонда оммавий хизматларнинг ривожланиш майлигини эътиборга олган ҳолда куйидаги лойиҳаларни амалга ошириш керак:

1. Юқори сифатли (жумладан HD) IP телевиденияларига уланиш имконини берувчи хизматлар пакетини киритиш ва бу билан бир келишувда (ва керак бўлса бир тармоқда) уй фойдаланувчилари учун тўлақонли Triple Play пакети хизматларини тақдим этиш (Телефон, Интернет, Телевидение). Ушбу хизмат турига абонентлар томонидан оммавий талабни таъминлаш учун ҳозирги кабел тармоқлари билан рақобатбардош тарифларни киритиш керак.

2. Хизматларни ёйдириш, аҳолига IP телефония/видео-телефония (NGN) хизматлари анъанавий телефонияга тамомила мұқобил йўл сифатида оммавий талабни ҳосил қилиш ва таъминлаш. Бу эса ўз навбатида кўзгалмас алоқа хизматидан бир абонентга тўғри келадиган ўртача даромадни оширишга ва кўзғалмас алоқа хизматини янада янгирок, жозибадорроқ ва функционалроқ қилиб, унга янги талабларни вужудга келишига имконият беради. Ушбу лойиҳада асосий ўринни бу хизматни тақдим этиш ва маркетинг усули асосий ўринда туради. IP телефония бизнес-классни ҳаётда кўшимча интерфаол функцияларни кўлламаган ҳолда анъанавий ва IP телефония ўртасидаги фарқни аниқлаш қийин.


3. CDMA-450 стандарти асосида оммавий талаб учун қишлоқ худудларига кўзғалмас алоқа хизматлари тарифларининг пакетларини киритиш ва ёйиш. Ушбу лойиҳанинг муваффақияти таклиф этилган тарифлар даражасига боғлиқ бўлади. Улар анъанавий кўзғалмас алоқа тарифларига яқин бўлиши даркор.

4. Аҳоли учун Интернетга мобил кириш хизматига оммавий талабни ёйиш ва таъминлаш. Жаҳон тажрибасини ўргангандан ҳолда айтиш мумкинки, симли кенг полосали кириш (КПК) га ҳеч қачон ўриндош ёки мұқобил (рақобатбардош технология) бўла олмайди, у кўшимча хизмат тури бўлади. Ва шу билан кенг полосали кириш абонентидан ўртача даромад олиш кўрсаткичини кўтаришга рухсат беради.

5. Оммавий WiFi хот-спотлари – Интернетта симсиз кириш пуллик хизматини киритиш. Ушбу хизмат ҳам худди шундай құшымча даромад келтириш ва абонентлар содиклигини оширишга қаратылған. Ушбу хизмат аноним (абонентларнинг счетларига боғланмаган ҳолда) ҳисобланади ва карточкалар (ёки виртуал карточкалар) асосида олдиндан тұлаш орқали сотилиши мүмкін.

6. Dial-UP хизмати ривожланған дунёда “үлкі” ҳисобланишига қарамай, ушбу хизматни келажакда КПК га талабни рағбатлантирувчи сифатида күришимиз мүмкін ва унинг сезиларли даражада арzonлаштирилгани таклиф этилиши мүмкін. Dial-UP га күтәрилған талаб ўз навбатида автоматик равишида күзғалмас алоқа хизматларига құшымча талабни таъминлады.

7. Нархларни тушириш билан биргаликда телекоммуникация хизматлари (КПК, IPTV, Мобил Интернет ва бошқалар) га талабни оширишни рағбатлантирувчи иккінчи омиллардан ва асосий лойиҳалардан яна бири бу – мос келувчи хизматни тақдим этишнинг бутун даврида абонент курилмаларини жарага ёки узоқ муддатта (14-20 ойга) лизингтә бериш ишчан ва барча фойдаланиши мүмкін бўлган бизнес моделини ишлаб чиқиши ва тадбиқ этиши. Баъзи бир истеъмолчилар сегментлари учун хизматга уланиш тұсиги бўлиб абонент тўлови эмас, балки уланиш ва курилмалар учун бўлган бир марталик тўлов бўлади. FTTx телефония (стационар ёки мобил CDMA телефон), NGN-телефония (IP-телефон ёки IP-видеотелефон) каби хизматларига уланишда абонент курилмаларни сотиб олиши учун сезиларли даражада катта маблағ сарфлашига тўғри келади (100 АҚШ доллари ва ундан юқори). Ушбу лойиха муваффақиятли амалга оширилса, Компания нафақат талаб динамикасини сифатли рағбатлантиради, балки юридик жиҳатдан ҳимояланған келишувлар асосида абонентлар фаоллигини оширади.



**4.2.1-расм. “Үйбектелеком” АҚШТ 2015-2020 йылдарда инвестация фазалданударының стратегиясы**

Юқорида келтирилган маркетинг стратегиялари асосида компанияни ривожлантириш бевосита инвестиция жараёнларини бошқариши самарали ташкил этиш ҳамда кучли ракобат салоҳиятига эга бўлишга замин яратади.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан “Ўзбектелеком” АКнинг инвестиция фаолиятими ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган ва ушбу стратегия 4.2.1-расмда келтирилган.

“Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятими ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш натижасида ўзининг стратегик мақсадига эришади ва мавқенини янада мустаҳкамлайди.

#### **4.3. Корпоратив бошқарув тизимида телекоммуникация соҳаси инвестицион жозибадорлигини оширишининг истиқболли йўналишлари**

Хозирги шароитда миллий иқтисодиётимизнинг асосий муаммоларидан бири бу хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига жалб этишдир. Бу муаммонинг ечими кўпроқ даражада инвестиция соҳасида давлат ролини кучайтириш билан боғлик. Хорижий инвестицияларни жалб этишда давлатнинг сармоя кўйилмаларига нисбатан бўлган инвестиция сиёсати муҳим даражада таъсир кўрсатади. Инвестиция сиёсатини шакллантиришда инвестиция соҳасидаги мақсад ва устиворликларни аниқлаш, стратегия ва дастурларни ҳамда қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишини кўзда тутади. Инвестиция сиёсатини шакллантириш мезонларини аниқлашга таъсир этувчи энг муҳим омил бўлиб инвестиция иқлими ҳисобланади. Бир томондан инвестиция иқлими инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиши учун дастлабки шартларни белгилайди, иккинчи томондан унинг натижаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларидаги таркибий туб ўзгаришларнинг асосий воситаларидан бири бўлиб хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш бўйича давлат сиёсати ҳисобланади. Катта миқдордаги инвестиция ресурсларини жалб этмай туриб самарали иқтисодиётни яратиб бўлмайди ва ҳар қандай мамлакатнинг хорижий инвестициялардан фойдала-

нишидан воз кечиши айниқса янги технологияларни кўллаш даврида мамлакат иқтисодий ривожланишининг ортда қолишини англатади.

Бизнинг мамлакатимиз хорижий инвесторларнинг фаолият олиб бориши учун қулай ижтимоий, иқтисодий, ҳуқукий мухит ва инвестиция иқлимини яратишга, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгартеришда хорижий сармоялардан фойдаланиш асосида кўйилган мақсадларга эришишга интилмокда.

Иқтисодиётнинг реал секторига жалб этилаётган инвестиция ресурслари ҳажмининг ошиши инвестиция соҳасидаги давлат ролининг кучайиши билан боғлиқ, яъни хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг давлат сиёсатини фаоллаштириш миллий иқтисодиётни барқарор ўсишининг асосий шарти ҳисобланади. Инвестиция сиёсатини оқилона олиб бориш йўли билан инвестиция иқлимини яхшилашда сезиларли ютуқларга эришиш мумкин. Иқтисодиётнинг модернизацияси бевосита хусусий инвестицияларга боғлиқ бўлиб, инвестициявий ўзиш моделига ўтиш эса давлат иқтисодий сиёсати стратегиясининг устувор йўналишига айланиши лозим.

Шу муносабат билан, телекоммуникация соҳасида жозибадор инвестиция мухитини шакллантиришнинг кўйидаги асосий йўналишларини таклиф этамиз:

1. Хорижий инвестициялар оқимини тезлаштириш учун соҳада қулай инвестиция мухитини яратиш лозим. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хорижий инвестициялар биринчи навбатда замонавий техника ва технологияни жорий этиш манбаси сифатида зарурдир. Бунда нафақат ташқи, балки ички инвестицияларни ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Инвестицияларни молијлаштиришнинг мавжуд иқтисодий потенциалидан тўлиқ фойдаланиш лозим.

2. Жозибадор инвестиция мухитини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири барқарорликдир. Инвестицияларни иқтисодиётимизга кириб келишини рағбатлантириш учун нафақат инвестиция иқлимининг мукаммаллиги, балки яратилаётган шарт-шароитларнинг барқарорлиги ва унинг кафолати мухимдир.

3. Жозибадор инвестиция мухитини шакллантиришнинг асосий иштирокчиларидан бири хусусий инвесторлардир. Хусусий инве-

сторлар ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритади ва иқтисодий ўсиш ҳамда аҳолининг турмуш даражасига таъсир этади.

4. Инвестиция жараёнларининг асосий иштирокчилари бўлиб, инвестиция фаолиятини юритувчи субъектлар бўлишига қарамай, кулаг инвестиция иқлимининг шаклланиши бутун жамиятнинг фарованиелиги йўлида хизмат қилиши лозим. Яъни давлат<sup>бизнес</sup> учун кулаг шарт-шароитлар яратиши билан бирга ижтимоий мақсадларни ҳам назарда тутиши лозим.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда жозибадор инвестиция сиёсатини ишлаб чикиш бўлади. Ўзбекистонда инвестиция фаолияти учун жозибадор шароитларни яратиш давлат фаолиятнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган уч йўналишини ўз ичига олади.

- мамлакат иқтисодиётiga сармоя киритиш рискини пасайтиришга имкон берадиган қулаг инвестиция иқлимини шакллантириш;
- миллий ва хорижий инвесторлар фаолиятнинг хукукий асосларини такомиллаштириш;
- инвестицияларни рағбатлантириш.

Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимидағи ижобий тенденцияларга қарамасдан, хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётидаги роли ва ўрни ҳали ҳам етарли даражада эмас. Хусусан, биринчи навбатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасидаги институтлар фаолиятини такомиллаштириш ва қулаг жозибадор инвестиция муҳитини яратиш лозим.

Бугунги кунда телекоммуникация технологиялари жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан замонавий хизмат турлари сифатида КПК хизматлари, шу жумладан FTTx технологиясининг динамик ривожланиши аниқловчи омил бўлиб арzon ва долзарб контент бўлиши ҳисобланади. Телекоммуникация соҳасида “Ўзбектелеком” АҚ йирик миллий оператор бўлиб, у белгиланган муддатларда миллий контентни ривожлантириш ва рағбатлантириш лойиҳасини амалга ошироқда. Компания учун ушбу лойиҳанинг қопланиш даври нисбатан узоқ вақтни олади.

Ушбу лойиҳа компонентлари қўйидагилардан иборат:

- портални ташкил этиш ва уни кенг оммага ёйиш;
- ижтимоий тармоқни ташкил этиш ва уни кенг оммага ёйиш;
- персонал файл тизимлари ва видео сервисларни, шу жумладан талаб бўйича видеони ташкил этиш ва'уни ёйиш;
- бошқа янги хизмат турларини жорий этиш.

Ташкил этиладиган ресурслар маълум даражада йирик жаҳон аналоглари билан рақобатлаша оладиган бўлиши керак. Лекин бунда ташкил этиладиган ресурсларнинг асосий мақсадли аудиторияси бу Ўзбекистон ҳудудидаги фойдаланувчилар ҳамда Ўзбекистон билан ижтимоий алоқага эга бўлган (иммигрантлар ёки вақтинчалик чет элда яшаётган Ўзбекистонлик фуқаролар) фойдаланувчилардир. Бошқа ўзининг аналоглари олдидағи бундай ресурсларнинг асосий рақобатбардош ютуғи Ўзбекистон фойдаланувчиларига нарихи жиҳатдан қулай бўлиши керак.

Лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш натижасида Компания қўйидагиларга эга бўлади:

1. Ташқи трафик нисбатан республика ички трафиклари ишлатилиши улушининг сезиларли даражада ошиши, бу эса Интернет каналлари импортга кетадиган валюта ресурсларининг тежалишини таъминлайди.
2. Ўз тармоғи ичида ва ундан ташқарида (суб-операторлар) трафикни сотишдан келадиган кўшимча даромад.
3. Ихтинослик бўйича бўлмаган даромадларни келтириб чиқариш имконияти (масалан, он-лайн реклама).

Муаллиф томонидан таклиф этилаётган яна бир долзарб масала бу Дата-марказ ресурслари ва хизматларини ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга ошириш ҳисобланади. Компания айтиб ўтилган лойиҳага мустаҳкам пойдевор қуради. Ушбу лойиҳа Компания тармоғига (Дата-марказнинг виртуал тармоғига) мамлакатдан ташқарида ёки бошқа маҳаллий операторлар тармоғида жойлаштирилган энг машҳур миллӣ ресурсларнинг максимал қисмини фаол жалб этишини назарда тутади. Лойиҳанинг амалга оширилиши бирламчи даражали ҳисобланади ва асосан маркетинг воситалари орқали амалга оширилиши керак. Бунда ҳатто бепул хостинг бериш ва трафикларни сотишдан келган даромадни бўлишдай энг қулай

шартлар яратиб бериш йўлидан кетилади. Ушбу лойиҳанинг иккинчи босқичидаги тамомила муҳим компоненти – ички трафикни сотиш тизимини ишлаб чиқиш (юридик, маркетинг ва назорат қилиш аспектлари) ва киритиш, бошқача қилиб айтганда тижорат асосида операторлараро пиrintingни ташкил қилиш. Шубҳа йўқки, ушбу компонент Tas-IX га қарама-қарши бўлиб чиқади ва бозорда кўпчилик иштирокчилар орасида резонанс ва қаршиликларни келтириб чиқарди. Лекин операторлараро трафикларни алмáшишнинг тижорат усулига ўтилиши – миллий контентни ривожлантиришнинг ягона йўлидир. Чунки акс ҳолда потенциал инвесторлар ва операторларда ушбу йўналишни фаол ривожлантиришга тижорат рагбати бўлмайди. Ушбу факт хориёжий мамлакатлар тажрибаси билан ҳам тасдиқланади (жумладан, Россиянинг тижорат пиrintingта ўтганлиги).

Лойиҳа муваффакиятли амалга оширилган тақдирда Компания ўз тармоғи доирасида энг машхур бўлган миллий ресурсларнинг асосирият қисмини жамлай олади ва шу билан республика ичida трафиклар айланисининг асосий ишлаб чиқарувчисига айланади.

Тижорат ва маркетинг стратегиянинг асосий стратегик йўналишларидан бири бутун республика бўйича Компаниянинг ихтисослаштирилган дилерлик тармоғини ривожлантириш бўлиши керак. Ҳаммага маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка асосланган бизнес-модел тор мижозлар сегменти доирасида тўлиқлиги-ча давлат ёки йирик акционер компанияларига асосланган бизнес модельдан кўра самаралироқдир.

Дилерлик тармоғини ривожлантириш лойиҳаси айнан ҳар бир дилернинг тор ҳудуд доирасига қаратилганлигига йўналтирилган. Лойиҳанинг муваффакиятли ишлаши учун қуйидагилар таъминланниши керак:

- Компания сотув оғисларининг барча талаблари (ишчилар кийимларининг тузилишидан бошлаб мижозлар билан ишлаш талабларигача) га жавоб беришини таъминлаш йўли билан қаттиқ рақобат асосида дилерларни сертификатлаш ва авторизациялашнинг самарали моделини ишлаб чиқиши.

- Дилерларни маълум ҳудудлар доирасида авторизациялаш, бунда дилерларнинг ўзлари ўртасида сунъий рақобатни ҳосил қилмаслик керак. Аммо бунда бир ҳудуд доирасида барча хизматлар

билинг (FTTxга уланиш бундан мустасно) дилер ва Компаниянинг тўғридан-тўғри сотув оғиси ўртасида очиқ, назорат қилиб бўладиган рақобаттага рухсат берилади.

- Авторизациялашган худудларда FTTx хизматларига уланиш бўйича дилерларнинг эксклюзив хукуқлари, бунда максимал қайтимни таъминлаш кераклигини ва берилган технология бўйича тармоқлар қурилишининг манзилли методикасини ҳисобга олиш керак.

- Муддатли асосда дилерларни назорат қилиш ва ресертификатлашнинг самарали тизими.

- Дилерларни рағбатлантиришнинг самарали тизими – яъни 12 ойгача бўлган муддатда дилерларнинг қўйилмаларини тўлиқлигича қайтариб олишга ва кейинги чекланган вақт давомида соф фойда олишга имкон берадиган маълум бир муддат ичида турли хил хизматларни сотишдан келган даромаднинг диверсификациялашган улуши.

Лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш натижасида Компания бутун республикада қўшимча ўзининг сотув оғислари тармоғига эга бўлади. Бу шу миқдорда сотув оғисларини ташкил этиш ва куришга тенглаштирилган, ҳаммаси бир мартаада амалга оширилиши керак бўлган инвестицияларсиз, хусусий ташаббус асосида амалга оширилади. Абонентлар нуқтаи назаридан Компаниянинг дилерлик оғислари Компаниянинг ўзи билан тўғридан-тўғри боғланади, бу бошқа операторлар билан ишлаганда умумлаштирилган талаблар ва қаттиқ чекловлар ёки шу оғиснинг ўзида ихтисослаштирилмаган иш олиб борилганда бўлади. Бошқа томондан қараганда, дилерлар Компаниянинг сотув оғисларида ташкилий сабабларга кўра ташкил қилиб бўлмайдиган баъзи бир қўшимча долзарб хизматларни истеъмолчиларга таъминлаб берилслари мумкин. Масалан CDMA-450 стандартидаги мобил телефони ва бошқа абонент қурилмаларини арzon, рақобатбардош нархларда сотиш (жумладан лизинга ҳам). Бу жуда долзарб мисолдир, чунки бугунги кунда Компания томонидан такдим этилаётган CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа ва қўзғалмас алоқаларни ривожланишини чекловчи омиллардан бири бу бозорда керакли бўлган терминаллар турларининг йўқлигидир. Бу лойиҳани тўлақонли амалга ошириш тор истеъмолчилар сегмен-

ти билан самарали ва эгилувчан ишлайдиган кичик ҳамда ўрта ҳол операторлар билан Компаниянинг рақобатбардошлигини сезиларли даражада оширишга рухсат беради. Бу яна яшаш массивларида дилерлар ўзларининг фаол манзилли маркетинг ташаббуслари орқали FTTx (супер КПК), IP-телефония/видеотелефония, IPTV каби хизматларининг юқори ривожланиши динамикасини таъминлайди.

Ихтисослаштирилган дилерлик тармоғини ривожлантириш го-ясининг давоми сифатида иккиламчи даражали лойиҳа сифатида – Компания тармоғи асосида Виртуал операторлар ва мобил оператор (VNO/MVNO) ларга шароитларни яратиш. Бу хориж телекоммуникация бозорида нисбатан янги бўлган тенденция катта миллий оператор ёки мультимиллий оператор тармоғи асосида виртуал операторларни ташкил этишни назарда тутади. Коидага биноан, виртуал операторлар умуман технологик тармоқлар ҳосил қилмайдилар, улар ўзларининг кучларини мижозлар билан ишлашнинг тижорат ва маркетинг ташкил этувчилирига қаратадилар, яъни тор истеъмолчилар доираси (асосан корпоратив истеъмолчилар учун, масалан, саноат сектори) учун конвергентланган (масалан бир неча операторларники) хизмат ва тарифлар ихтисослаштирилган пакетларини яратадилар. Ушбу лойиҳа кўпроқ даражада технологик компонентни ривожланишини назарда тутади. Лекин тижорат стратегияси доирасида – Компания белгиланган муддатларда потенциал виртуал операторлар билан ўзаро тижорат, ўзаро фойдали ва ҳимояланган муносабатларнинг моделини ишлаб чиқиши ва жорий этиши керак. Бундай ишлаш модели бир томондан виртуал операторлар фойдасига аниқ бир фойдаланувчилар сегментидан келадиган даромаднинг бир қисмидан «ҳохишига кўра воз кечиши» бўлса, лекин иккинчи томондан Компанияга асосий рақобатбардошлик ютуғи бўлган универсал ва магистрал кириш тармоқларини ривожлантиришга бор кучини қаратишга ва бу билан капиталлашув даражасини оширишга имкон беради. Коидага кўра, катта компанияларнинг ресурслари ва эгилувчанлиги телекоммуникация хизматларининг ўзига хос талабларини тез ва сифатли қаноатлантиришга етмайди, мана шундай бозорларда виртуал операторлар модели энг муваффакиятли хисобланади. Шу билан бирга Компания ўз тузилмаси доирасида ихтисослаштирилган оператор (шўъба корхона сифати-

да) ни тузиши ҳам мумкин, инкор этилмайди. Бундай ёндашувнинг асосий модели олдин тарифланган корпоратив сотувнинг вертикалини модернизациялаш доирасида ишга туширилиши мумкин. Бунда ихтисослаштирилган филиал ўзининг муқобил тармоғини ҳосил қилмасдан, балки ўзининг хизматларини фақат жорий магистрал тармоқлар ва Компаниянинг ҳудудий филиаллари тармоқлари доирасида сотиши кўзда тутилган.

Компаниянинг бирламчи даражадаги кейинги муҳим истиқболли ривожланиш йўналишларидан бири бу «Операторлар оператори» шартли номи остидаги лойиҳадир. Бугунги кунда Компания республикада «Операторлар оператори» сифатида кўп ҳолларда келмаяпти, лекин бу кўпчилик операторлар учун мажбурий ҳолатлигидан келиб чиқкан. Мисол тариқасида, ўзларининг ташкилий ва инвестиция имкониятлари доирасида йирик операторлар (УМС, Билайн, Ист-Телеком) Республика бўйича ёки шаҳарлар ичida физик тугунларни ёки ўзларининг магистрал тармоқларини ўйлаб кўйганлар ёки кураяптилар. Компаниянинг кейинги беш йилга вазифаси – ўша нозик тижорат моделини куриш ва ишга туширишdir. Бунда Компания бир томондан бозорда улушларни ўзгартириш мақсадида телекоммуникация хизматлари бозорларини эгаллаш учун хужумкор сиёсатни қўлласа, иккинчи томондан ўз инфратузилмасини ишлатишнинг шундай кенг ва қулай шароитларини таклиф этиши керакки, операторлар бу нуқтаи назардан Компанияни ўз ихтиёрлари билан ва онгли равишда сўзсиз шериклари сифатида кўришлири ва кўпчилик ҳолларда ўзларининг магистрал тармоқларини куришдан мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли воз кечишлари керак. Бу билан бирга гап айнан магистрал тармоқлар устида кетмокда, кириш тармоқлари тўғрисида эмас (кириш тармоқларида сиёсат аксинча қаттиқлаштирилиши керак, айниқса охирги дақиқада мис кабелларини ижарага бериш сегментида). Тижорат стратегияси доирасида лойиҳа куйидагиларни кўзда тутиши керак:

1. Операторлар учун сотув вертикалининг аниқ кўрсатилиши, яъни бошқа сўзлар билан айтганда, бугунги кунда операторлар Компаниянинг деярли барча филиаллари (каналлар ижараси, бинолар ижараси ва бошқалар) билан турли хил йўналишларда ишлашларига мажбур бўлиш муаммоси бўлиб, деярли ҳар доим манфаатлар ку-

раши зиддияти келиб чиқмокда. Компания доирасида операторлар учун сотув хизматлари вертикалини шундай куриш керакки, операторлар ишлайдиган ягона тузилмавий бўлинма ҳосил қилиниши лозим ва бу тузилмавий бўлинма тўғридан-тўғри операторлар рақобатдоши бўлиши керак эмас.

2. Операторлар учун хизматлар кўрсатишнинг янгиланган таифларини модернизациялаш ва киритиш, операторларга кўрсатиладиган барча хизматларни ягона преискуранзга киритилиши (халқаро каналлардан то Компания биноларида хоналар ижарасигача).

3. «Операторлар оператори» мақомини ушлаб турилиши ва сўзиз кучайтирилиши Компанияга инвестицион жозибадорлигини сезиларли даражада ўстиришга ва шу билан бирга операторлик сегментидан даромадлиликни барқарор оширишга имкон беради.

4. Тижорат ривожланишининг асосий йўналиши – Компаниянинг валютавий тушумини кўпайтириш. Бу эса самарали инвестициялар учун асосий стратегик ресурс хисобланади. Ушбу бирламчи лойиха доирасида Компания халқаро операторлар билан ишлайдиган менежерлар таркибининг ишлаш самарадорлигини ошириши ва кучайтириши керак, бу билан эса транзит ва портларни сотишдан келадиган валюта тушумлари динамикасини юқори даражада ошириш таъминланади. Бу билан бирга, суб-компонент сифатида Ўзбекистон ҳудудида телекоммуникация хизматларини ишлатаётган ёки молиялаштираётган норезидентларга телекоммуникация хизматлари сотилиши моделини ишлаб чиқиши ва бунга алоҳида эътибор қаратиш (масалан вакиллик ва консуликлар, БМТ лойиҳалари ва тузилмалари, хорижий вакилликлар ва бошқалар). Корпоратив сотувлар тузилмасини ажратиб олинган доирасида бундай мижозларнинг тўпланиши валюта ресурсларини сезиларли даражада кириб келишини таъминлайди (тажминий баҳолашларга қараганда компаниянинг умумий инвестицион потенциалининг 10-20 фоизига тенг).

5. Тижорат стратегияси нуқтаи назаридан ушбу лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун нафакат валюта билан тўлаш вактида фойдали шартлар, балки бундай мижозлар билан ажратилган индивидуал иш (индивидуал менежерлар томонидан), хизматларнинг ихтинослаштирилган жамланмаси таклиф (масалан VPN канали

орқали ихтисослаштирилган корпоратив овоз, видео ва бошқаларга кафолатланган кириш ва кафолатланган сифат) лари ҳам таъминланниши керак.

6. Ҳар қандай лойиҳа турли хил ташқи рисклар таъсирига тушиб мумкинлиги даражаси борлигини ҳисобга олган ҳолда оператив бошқариш ва тўғрилаш йўллари, ресурслар ва бошқа элементларнинг эгилувчан сиёсатини кўллаш керак.

Шунинг учун ҳам, Компания ривожланишнинг тижорат ва маркетинг стратегияси даврий (бошлангич босқичларда ҳар чораклик) профессионал маркетинг тадқикотлари ва таҳлиллар билан бирга олиб борилиши керак. Бу жараён қўйидагиларга имкон беради:

- маълум бир аниқ худудларда режалаштирилаётган лойиҳаларнинг таъсири бўйича огоҳлантирувчи башоратларни таъминлаш;
- татбиқ этилаётган лойиҳаларнинг таъсирини тезлик билан баҳолаш ва таъсирини максималлаштириш учун ажратилаётган ресурслар ва тадбиқ этиш усулини тўғрилаш;
- ташқи муҳит ўзгаришини тезкор баҳолаш ва ҳимояга олиш (талаб динамикаси, мавсумийлик, рақобатчилар ҳаракати ва бошқа омиллар);
- лойиҳаларни амалга ошириш ва уларни худудий даражада кенгайтириш вақтида нуқтали усулни кўллаш.

«Ўзбектелеком» АҚ мисолида янги хизмат турларини жорий этиш натижасида инвестицион жалб қилувчанликни ошириш асосида истеъмолчилар истиқболдаги талабини қондиришга замин яратади. Бу эса компаниянинг рақобат салоҳиятини ошишига ва инвестиция фаолиятини ривожланишига олиб келади.

Монографияда таклиф этилган телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиётига асосланган ҳолда тегишли йўналишлар бўйича алоҳида ижтимоий сўровлар натижасида таҳлилий ишлар амалга оширилди. Бу таҳлилларни пировард натижасида телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини самарадорлигини баҳоловчи индикаторлар аниқланди. (4.3.1-жадвал).

**4.3. 1-жадвал**

**Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолияти  
самарадорлигини баҳоловчи индикаторлар  
(балл тизими асосида)\***

Кўрсаткич номи	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й
<b>1. Хизматларни самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар</b>					
Даромадни ўзгариш динамикаси	4	4	4	4	4
Хизматларни бозор улуши	1	2	2	3	4
Хизматларни ўзини қоплаш даражаси	0	1	2	3	4
Хизматларни даромаддаги улуши	4	4	4	4	4
Аҳолини телекоммуникация хизматлар билан таъминланганлик даражаси	4	4	4	4	4
<b>2. Ходимларни малакавий даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар</b>					
Ходимларни ўртача сони	2	2	3	3	4
Олий маълумотли раҳбар ходимлар улуши	4	4	4	4	4
Бир ходимга тўғри келадиган иш ҳаки	3	3	4	4	4
Иш ҳаки сигувчанлиги	4	4	4	4	4
Ўртача иш ҳакини соҳадаги ўртача иш ҳақига нисбати	4	4	4	4	4
<b>3. Инвестиция фаолияти самарадорлигини баҳолайдиган кўрсаткичлари</b>					
Инвестицион жалб килувчанлик даражаси	0	1	2	3	4
Жалб этилган хорижий инвестиция даражаси	1	2	3	4	4
Маркетинг фаолиятини ривожланиши	0	1	2	3	4
Хизматларнинг рақобатбардошлик даражаси	2	2	3	4	4
Бошқарувдахорижий шерикларнинг улуши	0	0	0	3	4
<b>4. Ташкилий-техник кўрсаткичлар мажмуси</b>					
Оптик толали алоқа линиялари узунлиги	2	2	3	4	4
ШАТС рақамлаштириш даражаси	4	4	4	4	4
ҚАТС рақамлаштириш даражаси	3	4	4	4	4

Инновацион хизматларни жорий этиш даражаси	2	2	3	4	4
Биллингта уланган алоқа бўлимлари сони	3	3	3	4	4
<b>5. Соҳа менежментини ривожлантириш даражаси кўрсаткичлари</b>					
Бошқарув харажатларининг жами харажатлардаги улуши	1	1	1	2	2
Ребрендинг тизими самарадорлик даражаси	3	3	4	4	4
Диверсификация жараёнлари самарадорлик даражаси	3	3	4	4	4
Ривожлантириш концепцияси самарадорлиги	3	4	4	4	4
Ташкилий-бошқарув тизимининг самарадорлик даражаси	3	4	4	4	4
Инвестиция фаолияти самарадорлигини интеграл кўрсаткичи	<b>60</b>	<b>68</b>	<b>79</b>	<b>92</b>	<b>100</b>
Соф фойда миқдори (“Ўзбектелеком” АҚ прогнози бўйича), млрд. сўм	<b>11,45</b>	<b>13,17</b>	<b>15,15</b>	<b>17,42</b>	<b>20,403</b>
Соф фойда миқдори (иккни ўлчовли чизиқли регрессия модели прогнози бўйича), млрд. сўм	<b>10,362</b>	<b>13,063</b>	<b>16,380</b>	<b>20,424</b>	<b>25,602</b>
Соф фойда бўйича инвестиция самарадорлик кўрсаткичи	<b>0,218</b>	<b>0,243</b>	<b>0,263</b>	<b>0,281</b>	<b>0,339</b>

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Таклиф этилаётган услубий ёндашув бевосита телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш истиқболларини белгилашга замин яратади. Бу эса пировард натижада телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолияти самарадорлигини ҳамда инвестицион жалб қилувчаникни оширишга асос бўлади.

#### 4.3.2-жадвал “Ўзбектелеком” АК кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси\*

Йиллар	Инвестициилар, млрд.сўм	Даромад, млрд.сўм	Соф фойда, млрд. сўм	Харажат, млрд.сўм	Соф фойда бўйича инвестиция самарадорлик кўрсаткичи
2009	63,7	134,4	4,0	130,4	0,628
2010	44,684	154,9	3,4	151,5	0,761
2011	39,091	177,5	3,0	174,5	0,767
2012	46,857	237,5	4,4	233,1	0,939
2013	47,468	269,9	2,9	267	0,611
2014	34,555	309,4	5,9	303,5	0,171
2015	42,815	450,8	9,96	440,84	0,233


\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Республика иқтисодиётидаги ҳамда “Ўзбектелеком” АК даги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда 4.3.2-жадвалда келтирилган компаниянинг самарадорлиги ва барқарор ривожланишига таъсир этувчи иқтисодий кўрсаткичларининг ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра инвестициялар 2009 йилда кўп жалб қилинган бўлиб, 63,7 млрд. сўмни ташкил қилган, 2011 ва 2014 йилларда жалб этилган инвестициялар миқдори камайиб борган ва 2011 йилда 39,091 млрд. сўм, 2014 йилда эса – 34,555 млрд. сўмни ташкил этган. 2015 йилда компания даромади 450,8 млрд.сўмгача ошган.

Соф фойда бўйича инвестиция самарадорлик кўрсаткичининг энг юқори даражаси 2012 йилда бўлиб, 0,939 ни ташкил этган.


Тадқиқот натижаларига кўра жалб этилган инвестициялар ҳаммининг ўзгаришини ифодаловчи параболик модел 4.3.1-расмда келтирилган.



**14.3.1-расм. “Ўзбектелеком” АҚга жалб этилган инвестициялар хажми ўзгаришининг параболик модели\***

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Харажатлар ўзгаришининг экспоненциал модели 4.3.2-расмда келтирилган. Ушбу расмдан кўриниб турибдики Компания харажатлари йил сайин ортиб бормоқда.



**4.3.2-расм. “Ўзбектелеком” АҚ харажатлари ўзгаришининг экспоненциал модели\***

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Соф фойданинг жалб қилинаётган инвестициялар миқдори ва харажатларга боғлиқ бўлган икки ўлчовли чизиқли регрессия модели асосида кўрсаткичлари қуида келтирилади.

Юқорида келтирилган моделлар бўйича кутилаётган инвестиция миқдори 2016 йилда ўрта хисобда 47,158 млрд. сўмни ташкил қилиб, 0,9 эҳтимоллик билан айтиш мумкинки, ишончлилик оралиғи 40,4 млрд.сўм билан 53,9 млрд. сўм оралиғида бўлади. Даромад миқдори ўрта хисобда 500,5 млрд.сўм бўлганда, соф фойда 10,04 млрд.сўмни ташкил қиласди. Соф фойдага нисбатан самарадорлик коэффициенти эса 0,204 дан 0,232 гача оралиқда бўлади.

Юқорида келтирилган моделлар бўйича истиқболдаги кўрсаткичлар 4.3.3- жадвалда келтирилган.

#### 4.3.3-жадвал

#### “Ўзбектелеком” АҚ кўрсаткичларининг ўзгариши башорати\*

№	Кўрсаткич лар	Вариант лар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1	Инвестиция, млрд. сўм	I	47,158	53,654	62,184	72,749	75,485
		II	40,416	47,504	56,494	67,428	80,853
		III	53,900	59,803	67,874	78,071	80,125
2	Харажат, млрд.сўм	I	490,192	595,914	724,438	880,682	1080,405
		II	411,306	523,969	657,862	818,419	1020,125
		III	569,077	667,859	791,014	942,944	1020,505
3	Даромад, млрд.сўм	I	500,554	608,977	740,818	901,106	1090,485
		II	419,549	535,099	672,454	837,171	1035,206
		III	581,558	682,854	809,183	965,040	1040,354
4	Соф сойда, млрд. сўм	I	10,362	13,063	16,380	20,424	25,602
		II	8,243	11,130	14,592	18,752	23,508
		III	12,481	14,995	18,169	22,097	27,105
5	Соф фойда бўйича инвестиция самарадорлик кўрсаткичи	I	0,218	0,243	0,263	0,281	0,339
		II	0,204	0,234	0,258	0,278	0,291
		III	0,232	0,251	0,268	0,283	0.338

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

**Изоҳ: I – модернизацион вариант; II – инерцион вариант; III – инновацион вариант.**

Маълумотларга кўра, ўрта муддатли истиқболдаги компанияга жалб этиладиган инвестициялар миқдори ошади ва 2020 йилда 75,485 млрд.сўмни ташкил қиласди, бу ўз навбатида соф фойдани 25,602 млрд.сўмгача ўсишини таъминлаиди. Натижада соф фойда бўйича инвестиция самарадорлик кўрсаткичи ҳам ошади ва 0,339 ни ташкил қиласди, бу эса 2016 йилга нисбатан 0,121 (64 %) га кўпdir.

## **ХУЛОСА**

Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини самарали бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш учун куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Модернизациялаш шароитида инвестиция фаолиятини бошқариш тизимини шакллантиришнинг илмий-услубий асослари ёритиб берилди, бунда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан инвестицияга берилган търифлар келтирилди ва жадвал тарикасида умумлаштирилди ҳамда уларнинг асосий вазифалари белгиланди.
2. Инвестиция фаолиятини бошқариш жараёнлари, функциялари ва мақсадлари ўрганилди.
3. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш шакллари, усуслари ва функциялари ҳамда ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш йўллари ёритиб берилди.
4. Глобаллашув шароитида телекоммуникация соҳаси инвестиция жараёнлари ривожланишининг халқаро тенденциялари кўрсатиб берилди, бунда баъзи халқаро телекоммуникация операторларининг солиштирма маълумотлари келтирилди ва миллий оператор билан таққосланди ҳамда телекоммуникация соҳаси индекслари бўйича дунё мамлакатлари рейтинги таҳлили келтирилди.
5. Телекоммуникация соҳаси инвестиция фаолиятини бошқариш тизимини шакллантиришга бўлган услугий ёндашувлар ишлаб чиқилди.
6. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш услугиёти яратилди, бунда жалб этилган инвестициялар ҳажми ўзгаришининг параболик модели ва харажатлар ўзгаришининг экспоненциал модели ишлаб чиқилди. Соф фойданинг жалб қилинаётган инвестициялар миқдори ва харажатларга боғлиқ бўлган икки ўлчовли чизиқли регрессия модели яратилди.
7. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқаришга таъсир кўрсатувчи омиллар ички ва ташқига ажратилди ҳамда ёритилди. “Ўзбектелеком” АК инвестицион жозибадорлигини баҳолаш бўйича асосий рақобатчилари билан қиёсий таҳлили келтирилди. “Ўзбектелеком” АК фаолиятининг SWOT таҳлили ишлаб чиқилди.

8. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг ҳолатини аниқлашада қўлланиладиган индикаторлар тизими ўрганилди.

9. Телекоммуникация соҳаси инвестицион жозибадорлигини ўсизши ва телекоммуникация бозори ривожланишининг тенденциялари таҳлил қилинди. Бунда телекоммуникация соҳасидаги корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар ва ушбу соҳада инвестиция дастурининг бажарипиши кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Республика аҳолисини рақамли телевидение сигналлари билан тъминлаш қамрови тадқиқ қилинди. Кенг полосали телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчилар ва ўрнатилган портлар таҳлил қилинди.

10. “Ўзбектелеком” АҚ ва унинг ҳудудий филиаллари асосий фаолиятидан олинган даромадлари, янги хизмат турларидан олинган даромадлари, асосий хизмат турларидан олинган даромадлари ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

11. Интернет хизматлари кўрсатувчи оператор ва провайдерларни вилоятлар кесимида бозор улуши тадқиқ қилинди.

12. “Ўзбектелеком” АҚда амалга оширилган лойиҳалар ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари тадқиқ қилинди.

13. Телекоммуникация соҳаси инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг институционал механизmlари тадқиқ қилинди. Бунда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи ҳукуқий-меърий хужжатлар ҳамда телекоммуникация соҳасида қўлланиладиган давлат стандартлари ўрганилди.

14. Телекоммуникация соҳасининг асосий ривожланиш кўрсаткичлари тадқиқ қилинди. Телекоммуникация соҳаси корпоратив секторида инвестиция фаолиятини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди ҳамда соҳасининг инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича таклифлар берилди.

15. Телекоммуникация соҳасида жорий этиш учун истиқболли инвестицион лойиҳалар таклифи келтирилди.

16. “Ўзбектелеком” АҚнинг 2015-2020 йиллардаги инвестиция фаолиятини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди.

17. Корпоратив бошқарув тизимида телекоммуникация соҳаси инвестицион жозибадорлигини оширишнинг истиқболли йўна-

лишлари ишлаб чиқилди ва инвестиция фаолияти самарадорлигини баҳоловчи интеграл кўрсаткичлар баллар тизими асосида келтирилди.

18. “Ўзбектелеком” АКга жалб этилган инвестициялар ҳажми ўзгаришининг параболик модели, компания харажатлари ўзгаришининг экспоненциал модели ва соф фойданинг жалб қилинаётган инвестициялар миқдори ва харажатларга боғлиқ бўлган икки ўлчовли чизиқли регрессия модели ишлаб чиқилди.

19. “Ўзбектелеком” АК кўрсаткичларининг ўзгариши прогнози модернизацион, инерцион ва инновацион вариантларда 2020 йилга-ча бўлган давр учун ҳисоблаб чиқилди.

Умуман олганда телекоммуникация хизматлари бозорида “Ўзбектелеком” АК истеъмолчиларининг истиқболдаги талабларидан келиб чиқсан ҳолда инвестиция фаолиятини ривожлантириш максадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд хизматлар ёки технологик жараёнларни ривожлантиришда истеъмолчиларнинг келгуси талабларини инобатта олиш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация ва маълумот узатиш соҳаси бўйича миллий операторнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

### **Норматив хуқуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Ташкент: «Ўзбекистон», 2014. – 36 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги Конуни. 1992 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Конуни. 1998 йил
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Конуни. 1998 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонуни. 1999 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида». Конуни. 2003 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 27 ноябрдаги 458-сонли «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 23 майдаги 230-сонли «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет» ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 июнданги 200-сон «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда ҳизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июн даги ПФ-916-сонли «Инновацион лойиҳаларни ва технологияларни

ишилаб чыкаришта тадбик этишни рағбатлантириш борасидаги күшимча чора-тадбирлар тұғрисида»ги Қарори.

12. «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тұғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги 356-сонли қарори.

13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократиқ ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириши концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилек палатаси ва Сенатининг құшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т., 2010. – 56 б.

14. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» –Т.: «Ўзбекистон», 1997.

15. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура» – Т.: «Ўзбекистон», 1993.

16. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» – Тошкент: «Ўзбекистон», 2005.

17. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» – Т.: «Ўзбекистон», 2009.

18. Каримов И.А. 2015 йил иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир // «Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь. № 11 (6194).

19. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: -»Ўзбекистон», 1995 й. 270 бет.

20. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгиланиши ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. -Т.: «Ўзбекистон», 2007 й. 200 бет.

21. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.

22. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан ҳизмат қилиш - олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2007.
23. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон, 2008 й. 17 бет.
24. Каримов И.А. Ватанимизни босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз.//Халқ сўзи, 2008 йил 7 декабрь.
25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи. Халқ сўзи, №11 (6446) 2016 йил 16 январь.
26. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” Т.: “Ўзбекистон”, 2010 й.

**Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:**

27. Аинн Х., Багиев Т. Л., Тарасевич В.М. Маркетинг / под ред. Т. Л. Багиева. – СПб.: Питер, 2005. – С.736.
28. Armstrong G., Kotler P. Principles of Marketing. Prentice Hall, 12 edition, – 2006. – 613 p.
29. Белокнов А.В. и др. Менеджмент организации; современные технологии, Ростов на Дону, “Феникс”, 2002.
30. Горелик М.А., Голубецкая Е.А., Кузоков Т.А. Основы экономики связи. М.: РиС 1997.
31. Голубецкая Е.А. и др. Экономика связи. М. РиС 2006 г.
32. Горелик М.А. Экономика связи. М.: «Радио и связь», 2000 г.
33. Демина Е.В. и др. Менеджмент предприятий электросвязи. М.: «Радио и связь», 2001 г.
34. Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. – СПб.: Питер Ком, 1998.
35. Основы экономики телекоммуникаций (связи). / Под ред. М.А. Горелика и Е.А. Голубицкой. М.: Радио и связь, 1999 г.
36. Рейман Л.Д. Информационные ресурсы. Россия.: Москва, 2000 г.

37. Рейман Л.Д. Средства информатизации государственных организаций и коммерческих фирм. Справочное пособие, НТЦ “Фирм-Инфо” 2002 г.
38. Срапионов О.С., Болдин В.Н. Экономика связи. М.: «Радио и связь», 1998 г.
39. Дракер П.Ф. Инновации и предпринимательство. М., 1992. 234 с.
40. Котлер Ф. Маркетинг: планирование, внедрение, контроль. Питер, Санкт-Петербург, Москва-Харьков, Минск 1999 г.
41. Шумпетер И. Теория экономического развития: Исследования предпринимательской прибыли, капитала, кредита и цикла конъюнктуры. – М.: Прогресс, 1982. – 455 с.
42. Амарян М., Локотков А., Чудинов С.К. Определение вклада факторов эффективности АСУ. Ж. "Вестник связи", М., 2003 г. №7, стр.23
43. Гозибеков Д.Ф., Коралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. Т.: Матбаатчи, 1993 й.
44. Гозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масаладари Т.: Молия 2003 й.
45. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма Т.: Молия 2010 й.
46. Арипов А.Н., Иминов Т.К. «Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари» Монография -Т.: «Фан ва технология», 2005.
47. Мухитдинов Х.А., Иминов О.К. Проблемы повышения финансово-экономической эффективности инфокоммуникационных услуг в Узбекистане. Диссертация на соис. уч.ст. к.э.н. Ташкент “Академия”-2007 г.
48. Шибаршова Л.И. «Развитие сферы почты и телекоммуникаций Республики Узбекистан в период рыночных преобразований (макроэкономические аспекты)» автореферат диссертационной работы. Ташкент.; АН РУз, 2001 г.
49. Кадыров А.М. и др. «Формирование информационного общества в Узбекистане: зарубежный опыт, тенденции и перспективы», Ташкент, “Iqtisodiyot”-2015 г.
50. Махмудов М.М. Роль отрасли связи и информатизации. Ж. “Экономический вестник Узбекистана”, №6.2003 г. стр. 17-20.

51. Ахмедов Б.М. и др.. Основы системы менеджмента качества.–Т.: ИПГД «Узбекистан», 2009.–208 с.
52. Йўлдошев Н.К., Болтабоев М.Р., Рихсимбоев О.К., Ганиев Б.О. Стратегик менежмент. – Т.: ТДИУ, 2003. – 102 б.
53. Иминов Т.К. Рыночная экономика и обновление основных фондов Санкт-Петербург, 1992 й. 150-бет.
54. Юсимова М., Юсупов М., Эргашходжаева Ш. Маркетинг. – Т.:ТДИУ, 2010 й. – 263 - бет.
55. Кадиров А.М., Шакирова К., Инновационный потенциал повышение конкурентоспособности национальной экономике. // Сбор. трудов. Мировой финансово-экономический кризис: национальные интересы и инновационная политика, том 2, 2009 г.
56. Kadirov A.M., Nuriddinov A.G. Information technologies in improvement of system relations with clients.//The opportunities for Application of Information and Modern Technologies for Development of education and Economic Growth. T.: 2003, pp. 161-163 (TSTY Korean Association of Logos Management Ustoz Republican Foundation).
57. Михайлов В. Оценка эффективности альтернативных вариантов инвестиционного проекта. //Ж. «Экономический вестник Узбекистана.. 1999 г., №1-2.
58. Шарп У., Г.Александр, Дж.Бейли. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: ИНФРА, 2000 г.
59. Эклунд К. Эффективная экономика: шведская модель. – М.: Экономика, 1991г.
60. Шеховцев М. Стратегия развития информационно-коммуникационного сектора: мировые тенденции и перспективы России. М. 2006 г.
61. Котлер Ф. Основы маркетинга. Пер с англ. М.: «Бизнес-книга», 1995 г.
62. Абдуллаев И. Отечественная индустрия программных продуктов.// Экономическое обозрение. – 2005. – № 4. – С. 20 – 23.
63. Абрамова А. В. Международная торговля информационными технологиями: современное состояние и перспективы развития. М.:МГИМО,2007,с.12-13.
64. Дементьев В.Е. Длинные волны экономического развития и финансовые пузыри. – М.: Издательство ЦЭМИ РАН, 2009. – 88 с.

65. Дятлов С.А. Глобальная инновационная гиперконкуренция: стратегия, механизм, показатели / Стратегия и инструменты управления экономикой.- СПб.: ИПЦ СПбГУТД. 2010.- С.57-62.
66. Дятлов С.А., Марьяненко В.П., Селищева Т.А. Информационно-сетевая экономика: структура, динамика, регулирование.- СПб.: Астерион, 2008.- с.414.
67. Иргашев Б. Перспективы развития информационного общества в Узбекистане// Экономическое обозрение. - 2005. – № 4. – С. 24 – 26.
68. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура./ Под ред. О.И. Шкарата – М.: ГУ ВШЭ, 2000. – 608 с.
69. Кадыров А.М., Севликянц С.Г., Отто О.Э., Ахмедиева А.Т. «Информационное развитие экономики Узбекистана». Т.: «Иктисолидёт», 2011г.-136с. АНРУз.
70. Лутфуллаев Р.А., Мухитдинова Н., Парпиев О.Р. Индикаторы науки, технологий и инновационной деятельности Республики Узбекистан. – Т.: Изд-во «Fanvatehnologiya», 2010.
71. Масуда И. Информационное общество как постиндустриальное общество. - М., 1997.
72. Портер М. Конкурентная стратегия. Методика анализа отраслей и конкурентов. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 635 с.
73. Севликянц С.Г. Влияние ИКТ на повышение конкурентоспособности национальной экономики // Рынок, деньги и кредит. – 2006. – № 8. – С. 33-37
74. Состояние и тенденции развития информационно-коммуникационных технологий за рубежом.( Под редакцией Полякова В.В.). М.: 2009,с.72.
75. Шамраев А.В. Правовое регулирование информационных технологий (анализ проблем и основные документы). – М, 2003. – С.141-148
76. В.Шульцева. Мировой цифровой ринг: тенденции, метаморфизы, цифры, прогнозы. IT-News № 1, IT-Weekly № 4, 2013.
77. Чернова А. Становление глобального информационного общества: проблемы и перспективы. М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2003. – 232с
78. Яковец Ю.В. Глобальные экономические трансформации XXI века – М.: Экономика, 2011. – 382 с.
79. Heeks R., Nicholson B. Software Export Success Factors and Strategies in Developing and Transitional Economies. 2002 - <http://>

80. Webster Frank. Theories of the Information Society. – London: Routledge, 2002. – P. 15.
81. Варакин Л. Е. Глобальное информационное общество: Критерии развития и социально-экономические аспекты. - М.: Междунар. акад. связи, 2001г.
82. Глазьев С.Ю. Экономическая теория технического развития/ отв. ред. Д.С. Львов. - М.: Новое издаельство, 2008. - 235 с.
83. Кадыров А.М., Севликиянц С.Г. Интеграционные процессы в информационной сфере// Рынок, деньги и кредит. – 2007. – № 11. – С. 60-63.
84. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура./ Под ред. О.И. Шкарата – М.: ГУ ВШЭ, 2000. – 608 с.
85. Махлуп Ф. Производство и распространение знаний в США / Под ред. Е. И. Розенталь; Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1966. – 462 с.
86. Нанотехнологии как ключевой фактор нового технологического уклада в экономике: монография / Под ред. Глазьева С.Ю., Харитонова В.В. - М.: Тровант, 2009. - 304 с.
87. Роговский Е.А. США: Информационное общество: экономика и политика. - М.: Междунар. отношения, 2008. – 407 с.
88. Яковец Ю.В. Эпохальные инновации XXI века. – М.: Экономика, 2004. – 444 с.
89. Яковец Ю.В. Глобальные экономические трансформации XXI века – М.: Экономика, 2011. – 382 с.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар:**

90. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитасининг статистик маълумотлари.
91. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги статистик маълумотлари.
92. “Ўзбектелеком” АКнинг статистик маълумотлари.
93. Индустрия экспорта программного обеспечения в Узбекистане//Исследование Проекта ПРООН ИСТР. – Т., 2006, – 64 с.
94. <http://www.ict.gov.uz> – Координационный совет по развитию компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий.
95. <http://www.uzinfocom.uz> – Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>I боб. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш тизимини шакллантиришнинг услубий асослари</b>	
1.1. Модернизациялаш шароитида инвестиция фаолиятини бошқариш тизимини шакллантиришнинг илмий-услубий асослари .....	5
1.2. Глобаллашув шароитида телекоммуникация соҳаси инвестиция жараёнлари ривожланишининг халқаро тенденциялари .....	22
1.3. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш шакллари ва усуллари .....	36
<b>II боб. Корпоратив секторни ривожланишини ҳисобга олган ҳолда телекоммуникация соҳаси инвестиция фаолиятини бошқаришга бўлган услубий ёндашувлар</b>	
2.1. Телекоммуникация соҳаси инвестиция фаолиятини бошқариш тизимини шакллантиришга бўлган услубий ёндашувлар .....	49
2.2. Корпоратив бошқарув тизимида телекоммуникация соҳаси инвестицион жозибадорлигини баҳолаш услубиёти .....	57
2.3. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг индикаторлар тизимини шакллантириш .....	70
<b>III боб. Бозордаги рақобатни ўсишини ҳисобга олган ҳолда телекоммуникация соҳаси инвестиция фаолиятини ҳозирги ҳолати ва уни баҳолаш</b>	
3.1. Телекоммуникация соҳаси инвестицион жозибадорлигини ўсиши ва телекоммуникация бозори ривожланишининг тенденцияларини таҳлил қилиш .....	79
3.2. Телекоммуникация соҳаси корхоналари инвестиция фаолиятини бошқариш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар .....	94

<b>3.3. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида телекоммуникация соҳаси корхоналари инвестиция фаолиятини бошқариш тизимини шакллантириш хусусиятлари .....</b>	<b>129</b>
 <b>IV боб. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини бошқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмлари</b>	
<b>4.1. Телекоммуникация соҳаси инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг институционал механизмлари .....</b>	<b>169</b>
<b>4.2. Телекоммуникация соҳаси корпоратив секторида инвестиция фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши .....</b>	<b>189</b>
<b>4.3. Корпоратив бошқарув тизимида телекоммуникация соҳаси инвестицион жозибадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишлари .....</b>	<b>200</b>
<b>Хуноса .....</b>	<b>216</b>

**Турсунов Шерзод Абдуқодирович**

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА  
ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ  
САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**(монография)**

**«TAMADDUN» нашриёти, 100011.  
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

**Мухаррир: Ш. Жўраев  
Мусаххих: Д. Абдужалилова  
Саҳифаловчи: У. Сайдов**

**Лицензия рақами AI №247. 02.10.2013 й.  
Босишга 14.06.2016 й.да рухсат берилди. Бичими 60x84 1/16.  
Офсет усулида босилди. «Uz-Times» гарнитураси.  
Шартли б.т. 14,25. Адади 300 нусха. Буюртма №14/06.**

**«Tafakkur-qanoti» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш, Навоий кўчаси, 30-уй.**